

ЭРКИН ВОҲИДОВ САБОҚЛАРИ



2018/12-
1185



Шукур ҚУРБОН
(Тупловчи, тузувчи ва ҳаммуалиф)

ЭРКИН ВОҲИДОВ САБОҚЛАРИ

Адабий портретга чизгилар

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2016

УЎК: 821.512.133-06(092) - *Ўзбек афти библиография*
КБК 83.3 (5Ў)
Э 78

Эркин Воҳидов сабоқлари: адабий портретга чизгилар / А. Орипов тузувчи ва ҳаммуаллиф: Ш. Қурбон; муҳаррирлар: З. Исомиддинов, Ж. Жовлиев. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016. — 164 б.


Муаллифлар: А. Орипов, Р. Иноғомов, И. Фафуров, О. Шарафиддинов, А. Обиджон, Х. Даврон, Р. Мирвоҳид, Ш. Қурбон

Адабиёт бўстонида фаолият кўрсатиб, эл-юрт маънавияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ҳар бир қалам аҳли ижодини мухлислар, мунаққидлар баҳолайди. Боқийлигини вақт белгилайди. Шогирдлар-чи, шогирдларнинг муносабати қандай? Шоир ёки ёзувчи ижоди ва шахсиятидаги қайси жиҳатлар улар учун қадрли?

Қўлингиздаги мажмуада ана шу ҳақда сўз боради, тўғрироғи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг устозлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

УЎК: 821.512.133-06 (092)
КБК 83.3 (5Ў)

ISBN 978-9943-06-587-1



© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2016 й.



ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 25 августдаги Фармонига биноан Давлатимиз ва халқимиз олдигаги ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнатлари учун бир нечта юртдошимизга «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони берилди, Олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилди. Улар орасида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ҳам борлиги шоирнинг кўп сонли мухлислари қатори, сон-саноксиз шогирдларини ҳам хурсанд қилди. Сезямли устознинг эл-юрт томонидан бундай юксак эътироф этилиши уларга ҳам илҳом ва қанот бахш этди.

МУҚАДДИМА

Устоз — Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов сабоқлари китобини ёзиш учун қўлга қалам олишим осон бўлмади. Негаки, у ҳақда кўплаб таниқли адабиётшунос олимлар ўзига хос тадқиқотлар ёзганидан ташқари, бошқа бир машҳур Устозим - Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов «Сўз сеҳри» деб номланган мақола ёзиб, менга ўхшаган кўплаб шогирдларга сабоқ бердилар. Мақола нисбатан қисқа ва салмоқли, мазмундор эканлиги билан Эркин Воҳидов асарлари ихлосмандларининг юрак-юрагидан ўрин олди.

Менинг ёзмоқчи бўлган китобимга ҳам дастуриламал бўлди. Тасаввур тўлиқ бўлсин учун, ана шу мақолани эътиборингизга ҳавола этишни лозим кўрдим.

СЎЗ СЕҲРИ

Мана, бир неча ўн йиллардирки, биз дилбар бир шеърятнинг муаттар ҳавосидан баҳраманд бўлиб келаётимиз. Бу Эркин Воҳидов шеърятдир. Она тилимизнинг ипакдек майин, камалакдек ранг-баранг шамойили гоят нозик лутф, беозор қочиримлар, гоҳ ҳазин, гоҳ самимий табассум уйғотувчи ташбеҳлар, ўткир хулосалар - булар бари улкан шоиримизнинг қаламига мансуб бетакрор фазилатлардир. Мен Эркин Воҳидовни шеърятда ўзига хос сеҳр соҳиби деб биламан. У шеърятнинг ўжар ва асов, учқур отини усталик билан жиловлаб, мана, узоқ йиллардан буён Шарқнинг шарафли назм майдонида моҳир чавандоз янглиғ донг чиқазиб келаётир. Ўйлаб қарасам, биз ғалати даврларни бошдан кечирибмиз: яқин-яқинларгача ҳам кўринишдан дублуруст одамлар, алабиётда аввал шаклми ёки мазмунми дея бетўхтов тортишиб юрардилар. Албатта, бу баҳснинг замирида бошқа бир мурод яширинган эди. Яъни маҳорат, санъат шарт эмас, яланғоч бўлса ҳам, бизнинг гоёмизни такрорлайбер! Ана шу тазйиқ туйфайли не-не истеъдод эгалари ўзларининг беназир маҳоратларини намойиш эта олмадилар. Мактаб дарсликлариди: «Пахта терсанг тоза тер, чаноғида қолмасин» каби техник қўлланмалар, руҳсиз гаплар шеърят намунаси, деб тақдим этилди. Қирқ йилча муқаддам жамол кўрсатган Эркин Воҳидов шеърияти ўша қоронғу гўшаларни бирданига ёрита бошладики, шоиримиз ўзининг илк китобини бежиз «Тонг нафаси» деб атамаган эди. Ўлмас аруз вазнига беписанд қараш ҳали ҳукмрон бир шароитда Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий сингари мўътабар сиймолардан кейин мумтоз ғазалиётимизнинг олтин эшиклари абадий беркилади, дея қаромат

қилишаётганида, ёш авлод орасидан биринчилардан бўлиб Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида посбон янглиг пайдо бўлди. Тўғри, ҳозиргача ҳам арузда ижод қилувчилар озмунча эмас Бироқ соғлом кишининг нафас олишидек мунтазам ва равон, асл аруз мавжудки, бу санъатга «булҳавас»ларнинг аралашувлари ҳеч қандай самара келтирмайди. Аксинча, содда муаллифни куппа-кундуз куни беобрў қилиб қўйиши мумкин. Шу маънода, ғазалга таважжуҳ билдирган ёшларимизга ҳозирги замон шоирларидан Эркин Воҳидов ижоди мактаб бўла олади, дейман.

Юқорида биз мазмун ва шакл атрофида баҳслар бўлиб ўтганлигини эслатдик. Такрор айтамиз, у тамомила беҳуда баҳслар эди. Биз кўриб ва ҳис қилиб турган олам бир бутундир, яъни тан либоси ичра рух яшайдики, биз иккисини яхлит ҳолда мукаммал хилқат дея эътироф этамиз.

Эркин Воҳидов шеъриятида абадий мавзулар хазинасига аниқ замон ва макон калити орқали кириб борилади. Халқимиз кейинги даврлар мобайнида босиб ўтган ва ўтаётган гоҳ машаққатли, гоҳ армонли, гоҳ туғёнли, гоҳ ифтихорли йўлларнинг манзара ва оҳанглари, садолари Эркин Воҳидов шеъриятида тўла мужассамдир. Ҳали олдинда узоқ, равон йўллар кутиб турибди. Биз Мустақилликка эришган Ўзбекистонимиз учун, она халқимиз учун бундан буён ҳам астойдил хизмат қилишга шаймиз.

Гоҳо юксак тоғларнинг бўю бастаи узоқдан яққолроқ кўринади, дейдилар. Лекин у узоқ масофаларни кутиб ўтирмасдан, ҳозирнинг ўзидаёқ бир гапни очиқ-ойдин айтиб қўя қолай: Мен Эркин Воҳидовдек истеъдодли шоир билан замондош бўлганим билан фахрланаман.

*Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири
1992 йил*

ИЖОДИЙ ЖАСОРАТЛАР

Устозим—Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов умрининг ярим асрдан кўпроғи Шўро даврида ўтган, шахс сифатида, шоир сифатида ўша пайтда шаклланган. Ўша даврда ижоди раванқ топган, мухлислар орттирган, бинобарин, Абдулла ака юқоридаги мақоласида таъкидлаганидек, «Эркин Воҳидов шеъриятидаги абадий мавзулар хазинасига аниқ замон ва макон калити орқали кириб бориш» керак. Лекин ҳар қандай шоир ижодининг асл баҳоси асарларининг умрбоқийлигида, деган ақида бор. Эркин ака ижодининг қайси жиҳатлари келажак учун қадрли? Устоз Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, шоирнинг «ижодий жасоратлари» қайсилар? Ўзимча шу ҳақда ўйлаб, қуйидаги тўхтамларга келдим.

Бас шундай экан, устознинг аруз вазнига қўл уриши бир жасорат бўлса, «Ўзбегим»дай ўлмас қасидани дунёга келтиргани яна бир жасорат.

Сиёсатда, биринчи навбатда, байналмиллатчиликни тарғиб ва ташвиқ этиш кун тартига қўйилган замонда авар шоири Расул Ҳамзатовнинг миллий ўзига хослик юксак пардаларда тараннум этилган «Менинг Доғистоним» асарини она тилимизда эълон қилдириш-чи, жасорат эмасми?

Ўзининг яқин 10 -15 йиллик умрини сарфлаб, жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири — буюк немис шоири Йохан Вольфганг Гёте 60 йил давомида ёзган «Фауст» асарини таржима қилиб, ўзбек адабиёти хазинасига қўшгани жасорат эмасми?

Халқимиз ҳаётида ҳалокатли излар қолдирган қаттон қурбонлари тўғрисида «Рухлар исёни» достонини яратгани ҳам ўзига хос жасорат эмас, деб ким айтади?

Юртимизда ҳали тоталитар тузум ҳукмронлик қилаётган пайтда собиқ партия диктатурасига қарата

«Фирқа дафтаримни отганим бўлсин!» деб айтиш ҳам-манинг ҳам қўлидан келавермаган.

Мамлакатимизда чет тилларни ўрганиш оммавийлик касб этиб бораётган кунларда, ёшларга дастур бўлсин деб «бунинг учун инсон энг аввало она тилини яхши билиши керак» деган маънода «Сўз латофати»дай юксак бир асарни дунёга келтиргани-чи? Жасорат эмасми?

Албатта, Устознинг мен бу ерда тилга олмаган, ёки унутиб қолдирган қанчалаб жасоратлари бор. Лекин «ашаддий мухлислар»дан узр сўраган ҳолда, айтишим керакки, у юқоридаги ижодий юмушларнинг ҳаммасини эмас, биргинасини амалга оширган чоғида ҳам исм-шарифи, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, халқимиз адабиётида зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган бўларди.

Шундай шоир тўғрисида китоб ёзиш осонми? Устоз қаршисида бамисоли тоғнинг олдидаги чумолидай кўриндим. Лекин чумолиникичалик ғайратимга ишондим. Иттифоқо, Устоз мухлисларидан бири, адабиётшунос, ҳамкасб, ҳамфикр биродарим Зуҳриддин ака Исомиддинов хонамга кириб қолди, аҳволимни айтдим. У чумолининг Сулаймон пайғамбарга арзга боргани ҳақидаги ривоятни ҳикоя қилиб қолди:

— Чумоли Сулаймон Пайғамбарга қошига арзга борибди. Қараса, тоғдай зот шамолдан қурилган тахтада кўр тўкиб ўлтирганмиш. Шундай катта эмишки, тўлик кўриб бўлмасмиш. Савлату салобатидан чўчиб, тили калимага келмай қолганмиш — чумолининг. Нима дейишини билмай, қўлларини юз-кўзларига суриб, Пайғамбарга соғлик-омонлик, тож-тахтида барқарорлик, мулкида тинчлик-хотиржамлик тилай бошлабди.

— Хўп, — дебди Сулаймон Пайғамбар, — қандай арз билан келдинг, айт?! Чумоли эса ўша ҳаракатларини такрорлаб-такрорлаб, ортга чекинибди.

— Шукуржон, — дедилар бир зум тин олгач, Зуҳ-

риддин ака. — Эътибор қилган бўлсангиз, чумолилар шу кунгача шоша-пиша қўлларини юзига суриш билан машғул бўлишади.

— Демак, улар ёнига борган одамни Сулаймон Пайғамбар деб гумон қиларкан-да.

— Шунақа бўлса керак.

— Лекин мен устоз хузурига арзга бормайман, балки шогирд сифатидаги қарзимни узгани бораман. Бу иккиси орасида ер билан осмонча фарқ бор. Устоз ўзлари ҳам «Абдула Қаҳҳор замондошлари хотирасида» китобида ёзган мақоласида ҳам «шогирдликни қарз» эканлиги ҳақида жуда ибратли сўз айтганлар.

Шу суҳбат баҳона бўлиб, китобнинг давомини Устознинг тилга олинган хотираси билан давом эттиришни ният қилдим. Мана ўша мақола:

«Олтмишинчи йилларнинг бошида ҳаётимда юз берган бир воқеа менинг қисматимда ўчмас из қолдирди. Ўшанда мен эндигина бир китобча автори, Адабиёт нашриётига янги ишга кирган вақтим эди. Бир кун мени бош редактор ўринбосари хузурига чақиришди. Бу серзарда, раҳмсиз бошлиқнинг чорлаши одатда яхшилик келтирмас эди. Бунинг устига, ўша кезлари менинг баъзи шеърларим танқид қилиниб турган, матбуотда янги нарсаларим тўхтаб қолган пайт эди. Мен энди ишдан ҳам кетдим, шекилли, деб кўрқа-писа ўринбосар кабинетига кирдим. У киши мени кутилмаган тавозе билан қаршилаб, телефонга таклиф қилди: «Сизни Абдулла Қаҳҳор сўраяптилар».

Ҳаяжон титроғида телефон трубкасини қулоғимга қўйдим. Қулоғимга қўйдим-у, у ёғига нима қилишимни, нима дейишимни билмайман. «Алло» дейиш ҳурматсизликдек, салом бериш - томдан тараша тушгандек туюларди. Ниҳоят, ўзимни қўлга олиб «Лаббай» дедим ва улуғ устознинг овозини эшитиб салом бердим. Абдулла Қаҳҳор худди мени аввалдан таниган, суҳбатлашиб юрган одамдек жуда қисқа сўра-

шиб, асосий гапга ўтди, янги ҳикоя ёзганини айтиб унинг мазмунини шошмай баён қила бошлади. Мен ҳамон мақсадни тушунмай ҳайрон бўлиб, қулоғим трубкада, кўзим ўринбосарда, тинглаб турардим. Ўринбосар ҳам ҳайрон - улуғ ёзувчининг бу тирранчага айтадиган шунча узоқ нима гапи бор экан, дегандек ўқтин-ўқтин хатдан бош кўтариб қараб қўярди. Абдулла Қаҳҳор ҳикоя баёнини тугатиб, унга эпиграф ёзиб беришимни сўради. Ҳайратдан лол бўлиб қолдим. Одатда, эпиграф классикларнинг асарларидан олинади ва эпиграф автори бўлган ёзувчига, шоирга катта ҳурмат нишонаси ҳисобланади. Менга айтилган таклиф эса, қониданинг тескариси эди. Хрестоматияларга кирган асарларини ўзим мактаб дарслигида ўқиган классик ёзувчи мендан - бир бошловчи ёш шоирдан эпиграф олмоқчи. Нима дейишимни билмай турар эдим. Бирор гап айтиш керак. Мен секин: «Қандоқ бўлар экан...» дедим. Абдулла Қаҳҳор менинг сўзимни эшитмагандек, ўз телефон рақамини айтди. Ёзиб олишимни сўради ва тўртлик битгач, телефон қилишимни тайинлаб, трубкани қўйди.

Бир ҳафтадан кейин «Совет Ўзбекистони» газетасида Абдулла Қаҳҳорнинг «Маҳалла» деб аталган ҳикояси босилди. Ҳикояга менинг тўрт сатр шеърим эпиграф қилиб қўйилган эди.

Ўша вақтда бу ҳодисани келажак тақдиримга қандай таъсир қилишини тасаввур ҳам қилмаганман. Лекин ўша кунларда устознинг менга, сўнгра Абдулла Ориповга кўрсатган бундай хайрихоҳлиги биз учун ўзига хос яшин қайтаргичдай бўлгани сир эмас.

Халқда бир гап бор. Дейдиларки, фарзанд ота-она қарзини узолмайди. Бу қарзни у фарзандларига қайтариш билан узиши мумкин. Устоз ва шогирдликда ҳам шундай. Абдулла Қаҳҳор ўз ижоди, ўз умри билан ёшларга қандай муносабатда бўлиш сабоғини қолдирди».

Мақолага буюк Абдулла Қаҳҳор Устозим Эркин Воҳидовдан ҳикоясига кўчирма (эпиграф) учун ёздириб олган тўртликни қуйида келтириб ўтаман. Бинобарин, бу воқеа биз — кейинги авлод шоир-у, ёзувчиларига ҳам ибрат бўлган:

Инсон билан тирикдир инсон,
Муҳаббатдан ҳаётнинг боши.
Одамзодга бахш этади жон
Одамларнинг меҳр қуёши.

Устоз асарларига адабиётимиз даргаларидан нафақат Абдулла Қаҳҳорнинг, балки отахон шоир Файратий ва Фафур Фуломларнинг муносабати ҳам жуда иссиқ эди. Ижодига эътибор ва ғамхўрликни ҳис қилиб яшаш, ижод қилиш, — ёш шоир учун бундан ортиқ қувонч бўлмаса керак.

Адиб Саид Аҳмаднинг ҳозирги ёшлар учун ҳам ибратли бўлган ана шу борадаги сўзларини қуйида келтириб ўтаман:

«Кейинги пайтларда у (яъни Фафур Фулом) янгигина пайдо бўлган Эркин Воҳидовни кўп гапирадиган бўлиб қолганди:

— Биласанми, бу бола мудраган арузни уйғотиб юборди. Ивирсиқ шоирлар арузни адои тамом қилган эдилар. Аруз баайни пати юлинган товуқ бўлиб қолганди. Эркин уни араб, форс сўзларидан тозалапти. Соф ўзбек ғазалини яратяпти. Яқинда бир папка ғазалларини олиб келди. Жуда чиройли, маъноли, маҳорат билан ёзилган ғазаллари кўп экан. Бу боланинг ёзган нарсаларини эълон қилишга шошилмаслиги менга маъқул бўлди. Олиб келган ғазалларининг кўпи бир-икки йил олдин ёзилган. Ҳалигача қайта-қайта ишлаб, тузатиб, яна ташлаб қўйяпти.

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,

Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошона ҳам.

...Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса оз.
Кўп эрур бисёр душман
Бўлса у бир дона ҳам.

...Дўсти содиқ йўқ экан, деб
Ўртаниб куйма ва лек,
Меҳр уйин кенг очсанг, Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам.


Бунни қара, қайта-қайта тузатилган бу ғазалда биронта араб, биронта форс сўзи йўқ. Манави шеърни тўрт йил аввал ёзган экан. Ҳалигача бирон жойда босилмаган.

Барг остидан мулойим
Боққан иболи ғунча,
Не сирни сақлагайсан,
Бағринг нега тугунча?
Пинҳон сиринг баён эт,
Кўксингни қилма кўп қон,
Бу ёки ишқ аталган
Бизга аён тушунча?
Севмоқ уят эмасдир,
Ҳар кимда бор бу савдо,
Кўйи, кўп қизарма, ғунча.
Бошингни эгма бунча...

Мана шу ғазаллар дафтар қатида ётибди. Қачон бостирасан, десам, озроқ туратурсин, дейди. Мана бунни чинакам шоир деса бўлади. Шу болага ихлосим ошиб кетди. Биласанми, Эркин шеъриятда тақлид давридан сакраб ўтиб кетди. Навоийга ҳам, Бобурга

ҳам, Машрабга ҳам тақлид қилмади. Уларга асир бўлиб қолмади ҳам. Ўша мумтоз шоирларнинг шеър санъати сирларини ўрганди. Ўрганганда ҳам, қайта-қайта ўрганди. Ниҳоят, ўз йўлини топди. Шеър ҳам куй, ҳам фикр, ҳам суврат, ҳам туйғу. У йиғи, у фарёд, у нур...»

Ўрни келиб қолди, Устоз ўзининг «Ғафур Ғулом билан учрашувлар» китобида Тожикистон ёзувчиларининг съездига Ғафур Ғуломга (Шоислом Шомуҳамедов қатори) ҳамроҳ бўлиб борганини, бу унга билдирилган ишонч ва меҳр белгиси эканини, шунингдек, беш кун давомида адабиётнинг улкан вакиллари орасида Ғафур Ғулом ҳамманинг диққат марказида, суҳбатларнинг жони бўлганини, классиклардан форсий ва туркий тилларда ёд билган байтлари, латифалари, тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳикоя ва ҳангомаларининг тугамаганлигини ёзадилар.



Дунёнинг энг ажиб, энг сирли ва сеҳрли саёҳатларидан бири Сўз оламига саёҳатдир. Негаки, Сўз яралишдан мўъжиза. Аввал Сўз бўлган, дейилади муқаддас китобларда. Ҳазрат Навоий айтганлар:

С ўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳонки, кавн ила макон сўнгра.
Чунки мавжуд бўлса нуктаи «кун»,
Бўлди мавжуд тоза, йўқса кукун.

Эркин Воҳидов



«КОРОТКО И ЯСНО»

Кейинчалик, Устоз шу съезд билан боғлиқ китобга кирмаган бошқа бир воқеани айтиб бердилар. Ўша съезд очилишидаги катта бир тадбирда Фафур Фулом таклифига кўра, Устоз Эркин Воҳидовни ҳам сўзга чиқувчилар рўйхатиغا киритиб қўядилар. У пайтларда катта тадбирларда сўзга чиқиш осон эмасди, чиққанида ҳам унинг мазмуни, ҳажми олдиндан белгилаб қўйиларди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги ҳукумати вакилларидан бири Устоз ёнига қайта-қайта келиб, сўзининг қисқа ва тушунарли бўлиши лозимлигини уқтираверган. Ниҳоят, учта қоғозга икки ярим саҳифалик гап унинг тасдиғидан ўтган. Лекин негадир Устоз минбарга кўтарилиш арафасида ҳалиги вакил келиб, Устоз кўлидаги қоғозлардан бирини юлиб олиб қўйган ва деган:

— «Речь должна быть коротко и ясно!» («Нутқингиз қисқа ва лўнда бўлиши керак!»)

— Қарасам, — дейдилар Эркин ака, — не кўз билан кўрайки, икки ярим саҳифалик нутқимнинг ўртадаги саҳифаси, йўқ эди.

— Вой, Худо! Нима қилдингиз?! Қандай гапирдингиз, нимани гапирдингиз? Қайтариб олдингизми саҳифангизни?

— Қоғозни қайтиб олиб бўлмасди. Худога астойдил таваккал қилиб чиқавердим минбарга. Астойдил сўрасангиз бераркан. Мен, дедим, ҳазрат Алишер Навоийнинг устози бўлмиш буюк Абдуллаҳмон Жомий ватанига, буюк тожик халқига буюк ўзбек халқининг шогирдлик саломи ва таъзимини олиб келдим, деб сўзимни бошлаб, кўлимни кўксимга қўйиб, йиғил-

ганларга таъзим қилдим. Яқин икки-уч дақиқа гулдур-рос қарсак зални титратиб юборди, ўтирганлар завқланганларидан ўрнидан туриб кетишди. Қолган гапларим шу икки даҳо тўғрисида бўлди, «нутқим» 9-10 дақиқага чўзилди. Ва қизғин якун топди. Минбардан тушганимда энг аввал мени Фафур Фулом қутлади, кейин бошқалар. Кейин ҳалиги ҳукумат вакилининг менга кўзи тушиб, хурсанд кучоқ очиб келди-да деди:

«Вот, товарищ Вахидов, оказываетея, можно! Поздравляю! Речь ваша была коротко и ясно! (Мана, ўртоқ Воҳидов, мумкин экан-ку! Табриклайман. Нутқингиз қисқа ва лўнда, тушунарли бўлди!)»

МИНГ ҚАНОТЛИ ҚУШ

Ўзбек адабиётида Устознинг «Ёшлик девони» китобининг пайдо бўлиши ўзига хос воқеа бўлган. Ундан ўрин олган «Ўзбегим» номли қасидасида тоталитар тузум даврида айтиш камдан-кам шоирга насиб қиладиган (айтса, балога қоладиган) ҳақиқатни — мамлакатимизнинг қадим тарихи ва қадриятлари мавжуд бўлганлигини, азалдан ғурур-ифтихорли, маънан юксаклиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажаги бадий юксак акс эттирилганди. Мустабил тузум даврида миллий ўзига хосликдан сўз очишнинг ўзи катта гап эди. Шунга қарамай, Устоздан анча аввал Фафур Фулом «гап тегмасин учун» «Инглиз лордининг бизларни қабила деб атаганига жавоб» деган изоҳ билан «Шараф қўлёмаси» асарини яратган эди. Шеърдаги изоҳ, қолаверса, рус халқи «улуғланган» сатрлар «иш бериб», отахон шоирга зиён-заҳмат етмаган эди. Шу ўринда ўша асарда қандай ҳолатлар тилга олинганини қисман ёдга оламиз:

Қадим ўзбек халқисан,
Асл одам авлоди.

Миср эҳромларидан
Тарихинг қарироқдир.
Хоразмнинг ҳар гиштида
Боболарнинг ижоди,
Англо-саксонлардан
Анча юқорироқдир.

Бизда логарифманинг
Мушкул муаммолари
Қўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал,
«Олий ирқ» даъвогари
Черчилнинг боболари
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқни мукамал.

Биз эккан пахталардан
Ер юзида бор киши
Уятини ёпганда
Устма-уст, қават-қават,
Ҳозирги жанобларнинг
Маърифат ва дониши:
«Пахта дарахт қўзисин
Жуни» деб билган фақат...

Фафур Фулом

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси-чи? Унда йўқми шундай руҳ? Шундай дард йўқми? Нима йўқ? Фафур Фулом шеърисидаги каби изоҳ йўқ эди холос. Шунинг учун шўро даври корчалонларидан эшитадиганини эшитди. Бошқа бунақанги шеърлар ёзса, ўша даврнинг юқори ташкилотлари раҳбарларига ўқитиб олиш зиммасига юкланди. Лекин яхши шеърининг қаноти бўлади. Қўлдан-қўлга ўтади. Тилдан-тилга кўчади. Яхши бир ҳофиз унга куй басталаб кўшиқ қилса-чи? У минг қанотли қушга айланади.

Филология фанлари номзоди, доцент Омонулла Мадаевнинг нақл қилишларича, «Ўзбегим» кўшиқ сифатида илк бор Эркин Воҳидов хонадонига тўйда ижро этилган. Қандай тарзда, дейсизми? Мана, эшитинг.

Ҳали халққа танилмаган, ҳаваскор хонандалар тўйга бориб қолса, одатда, уларга тўйда ош сузила бошлаган пайтда (Биров эшитди нима, эшитмади нима? Бу ниманиям қойил қиларди? — деган маънода.) навбат бериларди. «Ўзбегим»ни кўйга солиб, Устознинг тўйига софга сифатида айтишга чоғланиб борган ёш хонандага ҳам ўшанақанги пайтда навбат беришади. Ва хато қилганини англашади, хонанда, аввало, кўшиқ матни тўй соҳиби бўлмиш шоир Эркин Воҳидов қаламига мансублигини айтиб, йиғилганлар диққатини бир жойга жамлаб олади, қасиданинг илк байтлари сеҳрли ва қудратли овоз янграши билан эса, худди фантастик-хаёлий кинолардаги каби, ош сузаётганлар сузаётган ҳолатида, ташиётганлар ташиётган ҳолатида, еётганлар еётган ҳолатида — ҳамма бирданига сувратдай қотиб, бутун тўй аҳлининг диққат-эътибори кўшиққа қаратилади. Кўшиқда миллатимиз қадр-қиммати ҳақида сўз борар, мустабид давр сиёсатига қарама-қарши ўлароқ, халқимизнинг улғу, катта эканлиги тўғрисида сўз борарди. Неча йиллардан бери бу гапларнинг аксини эшитиб келган одамларга янграётган кўшиқ мўъжизадай туюларди.

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим.
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёб-у,
Сўйласин Ўрхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.

Албатта, даврадагилар орасида қушиқни ёқтирмайдиганлар, халқимиз тарихига бефарқлар ҳам бўлгандир, лекин улар ҳам даврадаги умумий қайфиятни бузишга ҳадди сифмайди.

Ал-Беруний, Ал-Хоразмий,
Ал-Фароб авлодидан,
Асли наслинг балки Ўзлуқ,
Балки Тархон, ўзбегим...

Тўйда ким қанча ош еди ёки еёлмади, бу бизга қоронғу, лекин шундай ҳолатни Абдулла Қодирий улфатлари билан норинхўрлик қилган даврада ҳам бўлиб ўтганини ривоят қилишади. Айтишларича, Қодирий норинхўр жўраларига «Ўткан кунлар» романидан ҳар куни бир бобдан ўқиб берар, шу аснода норин тўғралиб, қорилар, кейин таассуротлар билан ўртоқлашиб, ейилар экан. Кумушнинг ўлими ҳақидаги «Ой-куни яқин эди» бобини ўқишдан олдин Қодирий улфатларига «аввал норинни тановул қилиб олиш»ни таклиф қилган экан. Бироқ улар қайсарлик қилишиб, «ҳар галгай ўқийверинг» деб қўйишмаган ва боб ўқиб биттирилгач, норинга ҳеч ким қўл чўзмаган, ҳамма кўзида ёш билан уй-уйига тарқалган экан.

«Ўзбегим» қўшиғи билан боғлиқ яна бир таассуротни Ўзбекистон халқ шоири, дўстим Хуршид Даврон айтиб берган эди. Араб мамлакатларида яшаётган ватандошларимиз шу бир қўшиқ ҳурмати юзасидан нафақат қасида муаллифи устоз Эркин Воҳидовни, балки Ўзбекистондан хизмат сафари билан борган 30 чоғлик делегация аъзоларини меҳмон қилиб, сайру саёҳат қилдириб, совға-саломлар билан кузатиб қўйишган экан.

— Биз бу ерда, — деган эди Хуршид Даврон сўзини хулосалаб, — Эркин акани катта бир шоир, устоз, сифатида эъзозлар эканмиз, у ерларда тири муршид, авлиё

Алишер Навоӣ

17

4/12

№ 000-0001

1185

O'zbekiston MK

сифатида соясига салом беришиб, ардоқлашар экан.
Биз Устознинг қадрини керагича билмас эканмиз.

Шу ўринда бошқа бир устоз шоирнинг Ғафур
Ғулом ҳақида ёзган гаплари ёдимизга тушади:

Ғафур Ғулом туйган гурурни
Қилмоқ мумкин дунёга дoston.

Менинг назаримда, «Ўзбегим» қасиласини ўқиган
китобхон ҳам унинг муаллифи тўғрисида, ҳеч шуб-
ҳасиз, юқоридаги сатрларга ўйқаш:

«Эркин Воҳидов туйган гурурни ҳам дунёга дос-
тон қилиш мумкин» деган фикрга келади ва бунда
ҳеч адашмайди.

ШЕЪРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНЪАТИ

Хизмат сафари билан Оҳангарон шаҳри рўзнома-
си таҳририятида бўлганимда Қорахитой қишлоғидан
чиққан бир экстрассенс билан суҳбатлашиб қолган-
дим. У тўртликларимдан бирини овоз чиқариб ўқиди.
Ундаги қуйидаги мисралар эътиборини тортди:

Худога-да ёқдим, бандага ёқдим,

Сенга ёқмадим.

Кейин савол берди:

— Шоир ака, бу ерда «сенга ёқмадим» деб кимга
мурожаат қиляпсиз?

— Очиғи, ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳар нечук, у
қандайдир сирли зот бўлса керак. Нега шу тарзда
қоғозга тушиди, билмайман.

У синчиклаб кўзларимга қаради. Ва экстрассенс-
нинг қорачуғлари бир муддат йўқолиб, яна пайдо
бўлди. Ва деди:

— Шоирларга шеърни фаришталар айтиб туради.

Кўп шоирлар ўз гапларини кўшиб-чатиб ёзишади, натижада ўртамиёна асарлар пайдо бўлади. Асл шоирлар айнан ўша фаришталар айтган гапларнинг ўзи қолгунга қадар шеърга ишлов беради. Натижада, нодир бир асар дунёга келади.

Назаримда, Устоз Эркин Воҳидовнинг асарлари ҳам фаришталар томонидан айтиб турилади. Йўл-йўлакай кўшилиб қолган гаплар эса, шеърни ишлаш жараёнида олиб ташланадигандай. Чунки Устознинг шундай шеърлари борки, уларни бу даражада гўзал, мукамал ҳолга келтириш инсон зотининг қўлидан келмайдиганга ўхшайди. Мана, масалан, мана бу тўртликни кўринг, ортиқча сўз у ёқда турсин, ортиқча ҳарф ҳам йўқдай бу асарда:

Эл - устозим, мен эса, толиб,
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим.

Шеър устида бу каби заргарона ишлашнинг сиринимада? Ўша «фаришталар айтган гаплар»нинг ўзини қандай қолдириш мумкин?

Бу ҳақда Устоз «Бедор тунлар» номли бир тўртликда шундай деганлар:

Мижжа қоққани йўқ шоир ўтган кун,
Шеър қоралаб, оққа кўчириб чиқди.
Бу кеч ҳам ухламай, барини бутун
Бир сатр қолдирмай ўчириб чиқди.

Раҳматулла Иноғомовнинг Устоз ҳаёти ва ижодига бағишланган «Шоирнинг қисмати» китобида ҳам шу хусусда ёш шорларга ибрат бўладиган лавҳалар бор, уларни ҳам шу ўринда келтириш ўринли, деб ўйладим.

ЖАЖЖИ ШЕЪРНИНГ УЗУН ТАРИХИ

Истеъдолти ижодкорлар, туғма шоирларнинг шеърлари ўқилганда бир зарб билан, осонгина ёзилгандай туюлади китобхонга. Тўғри, адабиёт тарихида бир ўтиришда яратилган, шоирга ҳаловат бермай, қоғозга тезгина тушган шеърлар ҳам кўп бўлган. Лекин чинакам кашфиёт даражасига кўтарилган аксарият асарлар шеърый истеъдоддан ташқари, маънақатли меҳнат ва узоқ изланишлар натижасида дунёга келди.

Эркин Воҳидовнинг ўзбекона содда, самимий ва ғоят гўзал «Камтарлик ҳақида» шеъри бор. Шеър шоирнинг илк ижодига мансуб бўлиб, 1956 йилда ёзилган. Камтарлик ҳақидаги мазкур шеърнинг ўзи ҳам камтаргина, бор-йўғи 8 мисрадан иборат. Кўпгина шеърда мухлисларига ёд бўлиб кетган ушбу жажжи шеър шоир ўз асарлари устида кунт билан ва узоқ меҳнат қилганлигига ёрқин мисолдир. Шеър дастлаб масал жанрига хос услубда ёзилган бўлиб, унга «Чойнак ва пиёла» деб ном қўйилган. Шеърнинг ҳажми ҳам сўнгги нусхага қараганда икки мартаба катта, 16 сатрдан иборат. Мана, ўша шеърнинг дастлабки нусхаси:

ЧОЙНАК ВА ПИЁЛА

Йиғилиб пиёла, тарелка, таҳсим,
Хизматни ўзаро қилдилар тақсим.
Чойнак идишларга бўлди хўжайин,
Пиёла ёрдамчи этилди тайин.
Пиёла ишларкан елиб-югуриб,
У буйруқ қилади ўртада туриб.
Чойнак ўзин аввал камтар тутарди,
Кейинроқ шишиниб бурнин кўтарди.
Аччиғи чиққанча бақириб қолди,
Ҳамма идишларга дўқ уриб қолди.
Ва лекин пушаймон бўлди у ўзи,

Таги чўққа тегиб, очилди кўзи.
Энди идишларни доим кўрганда,
Эгилиб саломин қилмайди канда,
Пиёла бўлган-чун ишчан ва камтар,
Инсон тутар уни бўйи баробар.

Шеърнинг иккинчи вариантыда унинг номи ўзгартирилиб, «Камтарлик ҳақида» деб аталади, ортиқча деталлар, тафсилотлар олиб ташланади, бунинг ҳисобига ҳамма икки баробар қисқариб, энг сўнгги нусхага тенглашади:

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Гарчи бурнин кўтариб,
Чойнак манманлик қилди,
Барибир у пиёла
Қаршисида эгилди.
Пиёлада ғурурнинг
Топмай нишонасидан,
Инсон уни кўтариб,
Ўпар пешонасидан.

Шоир шеър устида ишлашни давом эттириб, сўнгги нусхага анча яқинлашадиган асар яратди, лекин сарлавҳани яна ўзгартириб, «Пиёла» деб номлади.

ПИЁЛА

Доим мағрур тургани учун
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун?
Такаббурлик нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани шунинг учун ҳам
Ўпар инсон пешонасимдан.

Энди шеър анча пишиб қолганди. Лекин бу нусха ҳам шоирни барибир қаноатлантирмади. Баъзи сатрларни таҳрир қилди, ўзгартиришлар киритди. шеърнинг номи ўзгартирилиб, иккинчи вариантдаги сарлавҳага қайтилди:

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Гарчи шунча гурур қилса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун?
Кибру ҳаво нимага керак?

Каматарин бўл: ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан,
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Шеър деярли тайёр бўлганди. Шоир шеър устида узоқ давом этган меҳнатига шу ерда нуқта қўйиши мумкин эди. Аммо «деярли тайёр сўз бирикмаси «тайёр» маъносини англатмаслиги маълум, шеърга нимадир етишмаётгандай, қайсидир сатрлари маромига етмагандай туюлаверали. Шеърнинг биринчи ва учинчи сатрлари яна таҳрир қилиниб, уларга ўзгартиришлар киритилди, қутилганидан яхши бўлди, шеър жуда очилиб кетди. Ниҳоят, шоир оғир тин олиб, шу ерда ўз шеърига нуқта қўйди. Мана, ўша шеърнинг бешинчи нусхаси:

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Раҳматулла Иноғомов

МУТОЙИБА

АРУЗ ВАЗНИ ВА «КЕПКА»

Қадрли китобхон, сарлавҳани ўқиб, «Аруз вазнининг ўрисларнинг бош кийинмига қандай алоқаси бор экан, бунинг устига, китоб Эркин Воҳидов ҳақида бўлса, қолаверса, ўзбекнинг гурурини кўз-кўзлаб шўро давридаги катта йиғинларда ҳам дўппи кийиб юрган ва минбардан (Бошқалар, мустабид давр талаби билан, ўрисча гапирганида) она тилимизда нутқлар сўзлаган шоир иккита бўлса, биттаси шу инсон эди-ку», — деяётган бўлсангиз керак. Лекин сиз ҳеч ажабланманг. Гап шундаки, тоталитар тузумда шоирларимизнинг аруз вазнида қалам тебратиши халқимиз учун қанчалик қадрли бўлса (дарвоқе, ҳозир ҳам шундай), машъум замона учун шунчалик «ғайритабiiй» кўринар эди. У ўзликка, ўзни англаш томонига ташланган қадам сифатида баҳоланарди.

1967—68 йиллар, «Гулистон» журналининг халқимиз маънавияти оламида туб бурилиш ясаган — Иброҳим Раҳим муҳаррирлигида чоп этилган юлдузли йилларида Эркин Воҳидовнинг, ўз вақтида адабиётимизда жуда катта шухрат қозонган «Ёшлик девони»га киритилган, «Узум», «Дилдорга нома ёздим» сингари машҳур ғазаллари қатори, «Ўзбегим» қасидаси ҳам эълон қилинадиган бўлибди. Лекин уларнинг эълон қилиниши, номаълум сабабларга кўра, орқага сурилибди. Шоир сабр билан натижани кутибди... иттифоқо, бош

муҳаррир уни ҳузурига чақириб дебди: — Эркинжон, замонни биласиз, бу шеърларингизни шундай чиқариш ноқулай, ўйлаб-ўйлаб бир йўл топдим. Шунга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб турибди?

— Майли, — дебди Эркин ака, — нима қилишим керак?

Лекин ўйлаб қолибди: «Арузни бармоққа айлан-тириб беринг» демас, «Босолмаймиз» десалар-а», «Бирорта ғазалнавис устоздан сўзбоши ёздириб келишим керакмикан?»...

Иброҳим ака ҳеч қутилмаган саволни берибди:

— Эркинжон, кепка кийиб тушган сувратингиз борми?

— «Кепка кийиб...» Ўрисларнинг кепкасини айтяпсизми?

— Ҳа, оддий, ўрисларнинг бош кийими — кепкани кийиб тушган сувратингиз? Бўлмаса, кепка топиб, сувратга тушиб келасиз. Ғазалларингизга уни ҳам қўшиб босиб чиқарамиз.

— Бўпти, мен розиман, Иброҳим ака, лекин ни-мага кепка?

— Ҳа, тушунмаган шоир. Улар босилгач, юқори ташкилотлардан бизга дакки беришадиган бўлса, «миллатчилик» дебми, «шовинизм» дебми, кепка кийган сувратингизни уларга рўкач қиламиз: «Мана, кўринг, ўзи ғирт замонавий ёшлардан, комсомол, бунинг устига, қаранг, бошида миллий кийим — дўппи эмас, кепка», — деймиз. Қарабсизки, «ўзимизни ҳимоя қиламиз».



ОТАЛАРНИНГ ҚУТЛУҒ ИЗИДАН

(Эркин Воҳидовнинг Фафур Фулом номидаги икки жилдлик асарлари — «Муҳаббат», «Садоқат» китобларига сўзбоши)

Кўп йўллардан ўтиб келаётган одам...

Кўп ўйларни ўйлаб келаётган шоир. Кўп йўллардан ўтиб, кўп ўйлар ўйлаб келаётган кишининг сўзини тинглаш доим мароқли бўлади. Йиллар — гулбоғларгина эмас, гултиканли деворлар ҳам. Гулларни гултиканлар зулмидан олгунча қўллар қанча тилинади, қонга беланади. Лекин чин шоир барибир шу гулларни олади, гард юқтирмай, губор қўндирмай олади. У халқига бокира гуллар бериш учун дунёга келган киши.

Эркин Воҳидов ўн беш ёшга тўлганда ва ўз тенгдошлари билан бирга ўн олтига қадам қўйганда П-жаҳон уруши жароҳатлари ҳали жуда янги ва жуда тутаб ётарди. Нон таъми жуда ширин, урушдан қайтган аскарларнинг юзлари оғир дудлардан ҳамон қорайган ва лекин биз учун беҳад суюкли ва романтик гардиш ўранган ҳолда кўринарди. Ўша йиллари вьетнам халқи ёппасига қаршилиқ кўрсатиш курашига отланган эди. Ўшанда Кореяда мамлакат озодлиги ва мустақиллиги учун уруш бормоқда эди. Грецияда эса, халқнинг демократик ҳаракати бўғилган эди.

Эркин Воҳидов ўшанда кичкинагина шеър ёзди. Уни «Укамнинг «жанги» деб атади.

Замонавий тафаккур, замон зарралари шу кичкинагина шеърда қандай моддийлашганлигини кўрайлик. Корея ҳам, Вьетнам ҳам, Греция ҳам жуда олисда. Лекин ўша ўлкаларда бораётган озодлик учун кураш шуълалари шу шеърнинг сатрларига тўкилган. Куёш ҳам ахир ўзи кўринмай туриб ойни нурлантиради-ку! Ўзи кўринмаган ва ўзи бевосита тасвирланмаган воқеаларнинг шуълалари... Ёш бола онгида ўша

шуълалар бўлмаса, ахир, у саман от миниб «қилич» чопармиди? Жангга чиқармиди? Ўзини душман самолётини йиқитган каби тасаввур қилармиди? Урушлар қаҳри ичида кечган замон нишонлари.

Шеърнинг иккинчи қаҳрамони ака — лирик қаҳрамон — укасининг ўйинини новелла каби қабул қилади. Ва новелладан янги новелла яратади.

Аввалига кулдим роса ҳам,
Ҳазилдир деб укам сўзлари.
Сўнг ҳовлига чиқиб қарасам,
Ётар эди беш ўлик ари.

Классик адиб айтган катта йўлга ташлаб қўйилган ойна эмасми бу — эллик иккинчи йилда ёзилган шеър? Салмоқтироқ сўзлар билан тушунтирадиган бўлсак, унда даврнинг психологизми акс этмаяптими? Бу бир бўлса, иккинчидан, унда ёш шоирнинг шеърый новеллистикага интилиши очиқ сезилади. Шу новеллистика баробарида дилкашлик, юмор очиқ ифодаланadi. Учинчидан, илгариги шеърый фикрлаш йўсинларига қараганда, бунда янгича фикрлаш аломатлари ва бу аломатларда демократизм учқунлари кўзга ташланади. Кишининг шоирлигини кўрсатадиган ва кишини шоир қиладиган шеър шу тариқа туғилган эди. Замона шуълаларини шеърнинг марказига олиб чиқиш, сўзга зарифлик, шеър услубида кучли демократизмга амал қилиш, ўткир новеллистикага майллар Эркин Воҳидов ижодида ана шундай бошланган эди. Бу бахтли ипак толалар кейин ҳеч қачон узилмади, балки чийралиб, тобора кучайиб, мустаҳкамланиб борди. Бунда шоирона шахс характерининг бутунлиги ва ҳиссий-ақлий яхлитлиги жуда яққол намоён бўлди.

Эркин Воҳидов болаликда тез улғайди. Жуда меҳрибон, зукко одамлар даврасида ўсди. Урушдан кейинги кўтаринки ватанпарварлик муҳити униинг юра-

гини тарбиялади ва унга қувват берди. У жуда эрта қаламга ошно бўлди, унга суянди, ундан улуғ мадад олди. Қалам унга ишонч бағишлади. Эрта улгайиш натижасида, унда катталик билан болалик омухта бўлиб кетди. У ёшликнинг овози билан катталардай сўзлай кетди: «Мен ўтган йўл меридиан чизигидан зиёда...» У ота жавонидан етук китобларни тезроқ бўй чўзиб олишга, она юртга ўғлон бўлишга ошиқди.

Ҳали Фафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла, Уйғун, Зулфия, Саида Зуннунова сингари ўзбекнинг улуғ шеър оркестрлари янграб турганда, уларнинг наърали овозлари ичидан еш Эркин Воҳидовнинг найи ҳам сас тарата бошлади. Ва бу най товуши эшитилмай қолмади. Уни ҳамма эшитди. Баралла эшитди ва бирдан берилиб тинглади. Бу ажойиб-ку!- деди ўзбек шеърининг улуғ оркестри. Урушдан кейинги йилларнинг тоза, тинч сўзга ташна одамлари Фафур Фуломнинг «Она қизим Жамилага» шеъри билан бир қаторда, Эркин Воҳидовнинг «Камтарлик», «Тонг лавҳаси», «Инсон яшамокдан толмасин учун», «Ўн саккизга кирмаган ким бор», «Пўлат», «Хайрли кеч» деган шеърларини — бир томчи сувдай тоза шеърларини ёдлаб юрадиган бўлдилар. Халқ уни узоқ орзиқиб кутилган солиҳ фарзанд каби қарши олди. Унга устозларнинг бахтли назари ва тираг хайрихоҳлиги ҳамдам бўлди.

Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек шеърининг йўли ўзгарадиган палла келган эди. Мамлакатимизда илмий-техника инқилоби шиддат билан амал олди. Фазога кема чиқди. Инсон хаёлининг уфқлари кенгайди. Кенг миқёсда фикрлаш одат тусига кирди. «ТВ» мўъжизалар кўрсатиш палласига кирди. Информация оқими кундан-кун қудратли тус олди. Шоирларнинг руҳий изланишларида ҳаловатсизлик авж олди. Миллий адабиётлар жуда кучли тарзда бир-бирларини тўлдирдилар. Вақт тифиз ва танқис бўлиб қолди.

Югурар замон,
Шиддати ўтади ҳар бир толамдан, —

деб ёзди Эркин Воҳидов «Тасаввур» деган шеърда. У юрак ва меҳр, фурсат ва хаёл, фаолият ва ҳаловатсизлик шоирига айланди. Шеърига олим замоннинг тўлқинлари кириб келди. У шеърларини «Олимлар ва шоирлар», «Тиббиёт ва табиат», «Космонавт ва шоир», «Асаблар», «Ҳазодаги уйқу», «Олимларнинг рафиқаларига», «Инсон ва фурсат» деб аташи бежиз эмас. Бу каби шеърларнинг барида ўз даврининг теран психологизми акс этди. Даврнинг безовта шуълалари шеърларининг мундарижасига чуқур кириб борди. Шу билан бирга, «Буюк ҳаёт тонги», «Фузулий ҳайкали қошида» каби асарларида фикрлашда тарихийлик пайдо бўлди.

Унинг зиёли фикри ёмғирдан сўнгги куртак каби тўлиши, портлади ва чексизлик сари импульслар юбора бошлади. У ўзини теран замонавий шоир каби намоён қилди. Унинг сатрлари асл маънода замон юки билан тўлиши. Серғалва аср кишилари онги ва фикрлаш асносидаги турли нюанслар у ёки бу даражада унинг ҳар бир шеъри, ҳар бир достонида ўз ифодасини топди.

Тарихинг битмакка, халқим,
мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
мингта дoston, ўзбегим.

Эркин Воҳидов ўзининг ватанпарварлик бурчини жуда чуқур ҳис қилади ва англайди. Бу жуда ёшликдан унинг қонига сингиган. У, ҳаётда қандай бўлса, шеъри ва достонида ҳам худди шундай. Ватанни ватан қилган оталарнинг катта ижтимоий ишига садоқат унинг лирик қаҳрамонини эстетик жиҳатдан ғоят-

да фаол шахсга айлантиради. Фирдавсийлар керак!-деган фикр билан яшашнинг ўзи яхши. Бу ижодкорлар олдида қанчадан-қанча вазифалар турганлигини, халқнинг катта ҳаёти доим талантларга муҳтож эканлигини кўрсатади. Эркин Воҳидов халқнинг ўйи, орзусини яхши тушунади. Шеър ёзганда, халқ ичида шеър ўқиганда шуни ҳис қилиб туради. Халқнинг онгини эзгу сўз билан ёритиш ва шарафли қилишга интилади. Унинг «Қуёш маскани», «Ўзбекистон коммунистлари», «Ўзбегим», «Тошкент садоси» сингари асарлари шеърининг Ватан ҳамда халқ шарафига битилган юрак сўзидир. Улар халқнинг ўзини, жамиятдаги, ер юзидаги, тарихдаги, бошқа халқлар қаторидаги ўз миссиясини англаши, теран тасаввур қилишига хизмат қилади. Бу каби асарлар маърифатли ва севгувчи инсон қалбидан отилиб чиққани учун ҳам халқимизга севимли ва ғоятда яқиндир. Улардаги алангали самимият кишиларни ўзига оҳанрабо каби тортади, десак ҳеч муболаға бўлмас.

Эркин Воҳидовнинг ҳамма асарлари, улар қайси йилларда ёзилганлигидан қатъи назар, бир-бирлари билан чамбарчас боғлангандир. Улар бир-бирларини тўлдирадилар ва бойитадилар. Шоирнинг ижоди ғоялари ва мундарижа бойлигига кўра яхлит ва бир бутунликдир. Лекин бу бир бутунлик бадиий жиҳатдан ранго-ранг бир бутунлик. Ва асло бир навислик эмас.

Энг ажойиби шундаки, давр қандай ўсиб, янгилашиб, ўзгариб бораётган бўлса, Эркин Воҳидов ижоди ҳам шундай ўзгариб, доим янгилашиб, илгари кўрилмаган янги қирраларни кашф қилиб, янги маъно ва мазмун нуқталарига кўгарилиб боради. Эллигинчи ва олтишинчи йилларда унинг ижодида лирик оҳанг, лирик кайфият ва шу кайфият таъсирида шаклланган фалсафийлик устун турган бўлса, етмишинчи йилларда даврнинг нотинч ўйи устун мавқега чиқди. Сўнг ижтимоий-публицистик бонг уриш кучайди ва

стакчилик қилмоқда. Бу йиллардаги характерли шеърларидан бирида у замондошларига қарата шундай деб мурожаат қилади:

Бонг уринг,
хаммани
чақиринг.
Бонг уринг
шаҳару
қишлоқда.
Овозлар
борича
бақиринг.
Ўт кетди,
ҳаммаёқ ёнмоқда.
Одамлар,
уйқудан уйғонинг.
Шошилинг,
қидиринг тез нажот.
Жон куйсин,
қалб ёнсин, сиз ёнинг.
То ёниб
кетмасин бу ҳаёт!

Шеър ҳаёт ғояларини жуда тез илғаб олади деганда, шуни айтсалар керак. Валентин Распутиннинг 1985 йилда чиққан қиссаси «Ёнғин» деб аталгани ва худди Эркин Воҳидов жар солаётган ҳодисалардан қаттиқ ва кескин огоҳлантираётгани адабиёт ўз олижаноб ишини мудрамас виждон билан адо этаётганини яна бир карра кўрсатади. Шу бонг уришда Эркин Воҳидов талантининг публицистик қирраси янада кучлироқ кўринмоқда. Бонг уриш Эркин Воҳидов ижоди учун якка ҳодиса эмас. Ёдингизда бўлса, у ёшликнинг пок самимияти билан ёзилган «Нидо» достонидаёқ бонг ура бошлаган эди. «Нило» уруш-

ларнинг разолатига қарши ватанпарварлик бонги эди. «Палаткада ёзилган дoston» — қаҳрамонлик, юксак маънавият бонги, даъвати эмасми! «Руҳлар исёни»-чи? Миллий, ирқий, инсоний, диний адоватларга ва шулардан туғиладиган фашизм иллатига қарши бонг эмасми у?! Инсонни ҳимоя қилишга чорлов эмасми у?! Шоирнинг кечинги йиллар ичида яратилган «Тирик сайёралар», «Шарқий қирғоқ», «Келажакка мактуб» шеърӣй китоблари коммунист гражданнинг дунёни хатарли қилаётган барча ҳодисаларга кескин ва эҳтиросли муносабати натижасида туғилди. Бу китобларга кирган асарларида Эркин Воҳидов янги замонавий поэтик услубни шакллантирди ва камолга етказди. Унинг шеъри Андрей Вознесенский ибораси билан айтганда, фаол виждоннинг садоси каби янграмоқда. Бу шеърият янги инсонни тарбиялашда кучли таъсирчанликнинг ранг-баранг воситаларидан моҳирона фойдаланмоқда. Эркин Воҳидовнинг ҳозирги публицистик ҳамда сиёсий лирикасида зарифлик, танқидий оҳанг, маънавий нуқсонларга қарши муросасиз сўз тобора кескин жарангламоқда. Бугунги унинг шеъри ҳаётимизнинг ўткир, аччиқ, лекин иллатлардан тозалашга хизмат қиладиган ҳақиқатларини айтишдан, кишиларни шу ҳақиқатлар орқали тарбиялашдан, уларнинг ҳиссий қарашларига фаолик бағишлашдан асло чўчимайди, балки онгли тарзда шунга интилмоқда ва шуни бош мақсад қилиб қўймоқда. Замондошимизни ҳақ сўз билан тарбиялашда у ривоятдан, латифадан, очиқ шиор сўздан фойдаланмоқда. Жаҳон интеллектуал шеърияти билан фойдаланмоқда. Жаҳон интеллектуал шеъриятига хос бўлган барча бадиий илғор воситаларни новаторлик билан қўлламоқда. «Ёшлик девони» билан «Донишқишлоқ латифалари»ни, «Ўзбегим» билан «Руҳлар исёни» дostonини, «Шарқий қирғоқ» билан «Кумурсқалар жанги»ни бир-бирига уйғун келтириш

бир қарашда жуда қийиндек туюлади. Улар турлича йуналишда, турлича планда, турлича бадий-ғоявий мақсад билан ёзилган. Буларда шоирнинг палитрасига хос ранг-баранглик, серқирралик тулиқ намоён бўлади. Ранг-барангликларни давр руҳи бирлаштиради. Ҳар бир даврнинг ўз шеърий сўзи бўлади. Эркин Воҳидов ўз даврининг зарур шеърий сўзини топиб айтолган моҳир санъаткор шоир.

Донишманд Йўлбошчи айтган: барча файласуфлар дунёни тушунтириб келдилар, энди гап уни қайта ўзгартиришда, деб! Шеърият дунёни тарбиялашни ўз уҳдасига олган. Тарбиялаш ҳам асли ўзгартириш, инсониятнинг асл идеалларига кўра ўзгартириш. Ўзгартириш эса, севиш ва ҳарорат билан бўлади.

Севмаган дилда сеvimли сўз бўладими? Эркин Воҳидов шеъриятини муҳаббат билан мутолаа қилиб юрадиганлар унинг сўзи тоза, тиниқ, равшан ва ичдан нурланиб туришини бир оғиздан тан оладилар. Нафислик ва зарофат, шаффофлик ва дилсўзлик шоир сўзининг табиатига айланган. Булар эса, биз учун асос тушунчалардан ва, айниқса, ватанпарварликдан — Ватанга Муҳаббатдан униб-ўсган. Эркин Воҳидов гўдаклиги уруш йилларига тўғри келган авлоднинг шоири, қалб ифодачиси. Бу авлоднинг юрагига эса, оталарнинг жасоратлари ва қаҳрамонликлари ўз ўчмас шуълаларини саховат билан тўккан. Шундан айта оламизки, Эркин Воҳидовнинг ҳар бир сатри, ўттиз беш йилдан бери халқ дилининг чексиз қаърларига кириб бораётган, ҳар бир сўзи Ватақов — кағта, ҳароратли муҳаббатдан туғилгандир. Эркин Воҳидов шеъриятининг ўз бадий системаси бор. Бу ҳақда таниқли олимлар Лазиз Қаюмов, Нуриддин Шукуров, Озод Шарафиддинов яхши рисоалар ёзганлар. Бу система кейинги ўттиз йил ичида янгича фикрлаш, янгича шеърий тафаккур йўсинларини ўзлаштирган ва ўз ривожда янги босқичга, янги сифат даражасига эри-

шолган ўзбек совет шеърятининг энг характерли воқеаларидандир.

Халқ кунда такрорлайдиган сўз ўлмайди. Эркин Воҳидов халқнинг юрак мулкига айланган шеърый сўз эгаси. Уни толенинг манглайига битилган сўз дегимиз келади. Ҳа, толега битилган сўз. Уни тополган эса, сизу бизга замондош, асрдош, елкадош, бахтли шоир!

*Иброҳим Фафуров,
1985 йил, 9 ноябрь*

ҚҶРҚУВ САЛТАНАТИДА

Ўтган асрнинг 70 йилларида йигирма йил олдин бўлиб ўтган репрессия — истибдод жароҳатлари ёддан энди-энди кўтарилай деб, янгича фикрлайдиган янги авлод вояга ета бошлаган бир даврда иттифоқ деб аталган ҳудудда яшаётган халқларни «Қўрқув салтанати»да ушлаб туриш ва куртак отиб келаётган — ўзликни англаш жараёнларидан чалғитиш учун тоталитар тузум «учинчи жаҳон хавфи» тўғрисидаги сафсатани ўйлаб топдилар. Бу «масала» мамлакатимиз миқёсидаги йиғинларда, кейин вилоят, туман миқёсидаги корхона ва ташкилотларда, олий ўқув юртларида, ҳатто мактабларда шу ҳақда маърузалар ўқиблиб, «масала» қизғин муҳокама қилина бошлади. Қайси мамлакатда қанча ва қандай русумдаги қурол-яроғ борлиги тўғрисида совуқ хабарлар матбуот саҳифаларида ва ойнаи жаҳон экранларида тез-тез пайдо бўла бошлади. «Янги уруш оловини ёқишни истаётганларга» лаънатлар ўқилад бошланди. Баъзи замонасоз шоирларга гўё «худо берди». Урушни койиб, тинчликни ёқлаб ёзилган асарлар кўпайиб кетди. «Хўш, бунинг нимаси ёмон? — дейишингиз мумкин. — Баҳонада, китобхонлар нисбатан ноёб мавзуда асарлар ўқиши,

адабиётимиз маълум маънода бойиши мумкин. Тўғри, бу гапда ҳам жон бор, лекин ёзувчилар орасида «дўпписини олиб кел» дейилса, калласини олиб келадиганлар кўп эди. Тама илинжида давр раҳбарларига ёқиш учун уриниб, ушбу мавзудан улар четга чиқмай қўйди, натижада, уруш ва тинчлик тўғрисидаги гаплар ҳатто гашга тегадиган бўлиб қолди. Лекин халқимиз фикрлайдиган ва ҳар бир ҳодисани мушоҳада қиладиган бўлгани учун, юқоридаги сиёсатга қарши ёзувчи ва шоирлардан бунга муносабат кутди. Не-не казо-казо алломаю ёзувчилар сукут сақлаган пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг катта бир анжуманида ниҳоят бир сўз янгради. Уни бутун масъулиятни зиммасига олиб, Устоз Эркин Воҳидов айтди:

— Биродарлар, қайсидир халқ келиб бизнинг юртимизни босиб олади, ўзимизни қул қилади, деган гаплар кейинги пайтларда матбуот ва оммавий ахборот воситаларида, ҳатто бадиий асарларимизда ҳам бўй кўрсатаяпти. Фарбу Шарқ мамлакатларининг бу ваҳималарига учмаслик керак ва кўнглимиздан кечган, қалбимизда аввалдан пишиб юрган асарларимизни ёзишда давом этайлик. Негаки, бизни ҳеч ким босиб олмоқчи ҳам, қул қилмоқчи ҳам эмас, босиб олса, ахир, бизни боқиши керак! Тўғрироғи, боқишга мажбур. Хўш, бизни боқаман деб ҳозир кимнинг кўзи учиб турибди.

Бу гапни эшитиб, Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйига йиғилган мухлислар енгил нафас олди. Ҳар бирининг орқасида қанчалаб мухлис, халқ турганди. Улар бу гапни эшитди ва фикр юритди. Секин-аста сўнги уруш тўғрисидаги ваҳималар тилга олинмай, олинганда ҳам кўпчилик унга ишонмай қўйди.

Эркин ака кейинчалик юқоридаги мавзуда тўртлигини ёзиб матбуотда эълон қилдирди:

Кўрқувнинг кўзи катта,
Юраги кичик бўлур.
Кўрқув зўр келган юртда
Арслонлар кучук бўлур.

Оралдан ҳеч қанча вақт ўтмай, мамлакатимиз афкор оммаси қалбига ёруғлик бахш этиб, кўпчилик ижодкорлар қатори, ҳали бирон-бир унвон ва мукофот, амалга эга бўлмаган бизнинг — етмишинчи йиллар авлодига Худо берди: Турғунлик йилларида айғилмаган ҳақиқатлар ҳақида бемалол журнал ва газеталар саҳифаларида шеърлар чоп этира бошладик. Ҳатто цензура йўқолди. Устоз Эркин Воҳидов ижодида ҳам у юксак бурилишлар ясади. Айниқса, унинг «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» деб бошланадиган бир ғазали кўшиқ бўлиб, мамлакатимиз радио тўлқинларида ҳар куни неча марталаб, қайта-қайта янгради. Негаки, бошқа кўплаб кўшиқлар давр руҳини беролмас, ошқоралик даври эшиттиришлари оҳангига мос тушмас эди. Қолаверса, унда чорлов, дард-ситам ва элга ҳақиқатни айтиш истаги сингиган эди. Унга басталанган куй, хонанда овозидаги самимият давр овозини ўзида акс эттирарди. Ғазалдаги «сўнгги қийнолгон», «жонингга солгон», «шоири девонаи ишқ номини олгон» иборалари нақоратта олиниб, тақрорланиши юракка алоҳида маъюслик, шу билан бирга, кўтаринки кайфият бағишларди, эшитган сари, эшитгнинг келарди. Мен ўша йиллари Ўзбекистон Радиосининг мусиқий эшиттиришлар таҳририятида хизмат қилганим учун биламан, шу кўшиқ юзасидан Телерадиокомпанияси ўрибосарининг алоҳида буйруғи ҳам чиққанди — ўша кўшиқни ҳафта давомида эфирга бир мартагина бериш тўғрисида. Ким буйруққа бўйсунмаса, кўшиқни дастурлари орасига яширинча киритиб юборса, мукофот пулидан маҳрум бўлишидан ташқари, хайфсан олиши ҳам кўрсатилганди. Ва ўшандай хайфсанларни ўзим олишимга ҳам тўғри келганди. Мана ўша ғазал:

Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлғон ёмон,
Шу ширин ёлғонга мендек
Алданиб қолғон ёмон.
Умримиз алдоқ жаҳонда
Алданиб ўтгай ва лек
Сўнгги қийналғон ёмондир,
Сўнгги қийналғон ёмон.
Айтгали аччиқ азобинг
Бўлса дилдош яхшидир,
Сўз демай ўтли аламини
Жонингга солғон ёмон.
Жонга солғон ҳам на создир,
Элга сўйлаб мен каби
Шоирини девонаи ишқ
Номини олғон ёмон.
Гар қилич келса бошингга,
Қўрқма, Эркин, ростин айт,
Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлғон ёмон.

Ана шундан кейин Устоз тоталитар тузумда ай-тиш армон бўлган гапларини баралла айта бошлади. Чунончи, шоирлик қайсидир маънода жарчилик ҳам эканини таъкидлаб сатрлар тизди:

Халқимга қалрингни бил десам агар,
Кураш, ҳақни ошкор қил десам агар,
Бу қутқу аталса давлатга зарар,
Қанча азоб бўлса тортганим бўлсин.

Шеър охирида эса, Устоз, Абдулла Қаҳҳордан кейин иккинчи марта ўша пайтда диктатура мақомида ҳукм сураётган коммунистик партия сиёсатига қарши бош кўтардилар. Ва у «мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман» деган маълум ва машҳур жумладай мағрур жараглади. Мана ўша сатрлар:

Тифлисида халқ узра танк юборган зот
Шайнин қилар бўлса қонун эҳтиёт,
Ўша зот коммунист бўлса, мен, ҳайҳот,
Фирқа дафтаримни отганим бўлсин...

Ва, нақл қилишларича, эшитган мухлисларни ҳайрат ва даҳшатга солган воқеа рўй берди. Устоз Эркин Воҳидовга суиқасд уюштирилди — жонига тажовуз қилишмоқчи бўлди. Лекин Худо асраб, Бўстонлиқдан Тошкент томонга келаётган енгил машинада ўлтирган Устоз пешонасини мўлжаллаб отилган ўқ енгил машина олд ойнасини чил-чил қилиб, шофер ва шоир ўртасидан ўтиб кетди.

Устознинг бу жасоратлари мени кўп йиллар давомида ўйга чўмдирди, ўша кунги ҳолатларини эсдан чиқара олмадим, акага ҳавас қилганимдан, албатта. Ҳатто мазкур китоб бошида келтирганим мақоладаги «Эркин Воҳидов шеъриятида абадий мавзулар хазинасига аниқ замон ва макон калити орқали кириб борилади» деган баҳонинг кераги йўқдай туюлди. Унинг шеърияти бундай чегирмаларсиз ҳам ўзбек адабиётида абадий яшаб қолади. Қолаверса, Устоз ўзининг «Янги шеърлар» номли шеърий тўпламида тоталитар тузум даврида яшаган шоирларга «Мард сўзим шу» шеърида жуда аниқ ва лўнда қилиб жавоб бериб ўтганлар:

Чин шоирлар бари отилган,
Қолганлари бари сотилган.
Мард сўзим шу, ҳаммаси кўрқоқ!
Ўзим кимман?
Сўраманг бироқ.
Мен исмимни айтмасман зинҳор,
Замон нозик, бола-чақам бор.

Ва орадан неча йиллар ўтиб, ҳадиси шарифларда шундай мазмундаги ҳикмат борлигини кўрдим ва уни

Устоз Эркин Воҳидов портретига бир чизги сифатида шеърга тушириб, эътиборингизга ҳавола этгим келди:

Энг аччиқ ҳақиқат—халқ ҳақидаги ҳақиқат,
Уни жўмард эр золим подшоҳга айтар бот-бот.
Қолгани шунчаки гап, қолгани миш-миш фақат,
Қолганини сизу биз эшитамиз умрбод.

УСТОЗНИНГ СУКУТИ ҲАМ – ИБРАТ

(Ёҳуд «Лолақизғалдоқ»)

Муҳаммад Юсуфнинг «Лолақизғалдоқ» шеърини мен илк бор шоир туғилган куннинг 53 йиллигига бағишлаган тадбирларда, Андижон Давлат Педагогика университети мажлислар зали саҳнасида талаба қиздан эшитганман. Талаба уни гузал бир мунг ва айрича пафос билан ёд ўқир, беш юз кишилик зал уни гўё нафас олмай тингларди. Шоирнинг «Нега йиғламайсан, аҳли Андижон» шеърдан кейин янграётган сатрлар кимсан Бобуру Нодираю Чўлпонлар яшаб ўтган тупроқда улғайган авлодларни сеҳрлаб қўйганди. Кейинчалик шеърни «Олтин қалам» газетаси саҳифаларида синчиклаб ўқиб, унинг шоир Муҳаммад Юсуф ижодида ҳар жиҳатдан диққатга молик асарлардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Ундаги бадиийлик, фалсафий мушоҳадалар, ҳаётийлик ва самимият бир-бирига чамбарчас боғланиб, ўзига хос уйғунликни ташкил этарди.

Шеър таҳлилини шу ерда тўхтатиб туриб, бир саволга жавоб ахтарамиз: Муҳаммаджон нега айнан Шавкат Раҳмон ҳақида ёзди бу шеърини? Ёзаман деса хаста дўстлари ёки устозлари, оламдан бевақт ўтган қадрдонлари йўқмиди? Аслини олганда, катта шоирлар кўпинча ёлғиз яшаб ўтишади. Уларга ҳатто том маънодаги ёлғизлик кучкуват бахш этади ҳам. Бу исбот талаб қилмайдиган бир аксиома. Лекин бўлиб ўтган бир воқеа ҳар икки шоирни

- Шавкат Раҳмон ҳамда Муҳаммад Юсуфни ажралмас оға-инига айлантирганди. Кўҳна ҳикматларда айтилишича, кўнгиллар яқинлиги деган гап бор, уни ҳеч ким ва ҳеч қачон йўқота олмайди.

Муҳаммаджон Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг поэзия бўлимига янги ишга келган, ҳали у ер об-ҳавосига кўникмаган пайтлар. У йилларда бир китобнинг нашр этилиши учун уч йил керак бўларди. Нашриёт режаси олис Московдан тасдиқланиб келгач, биринчи, иккинчи хомаки, «сигналний» деган нусхалардан кейин китоб қўлга тегарди. Бунинг устига, навбатдан ташқари, мажбурий нусха, китоблар... «Режадан тушиб қолиш»лар асабни бузарди. Шундай бўладики, Муҳаммад Юсуф умрида биринчи марта қилмаган ишини қилади: Ўша пайтда нашриёт директори сифатида фаолият кўрсатаётган Устоз Эркин Воҳидов хузурига кириб, ўз бўлим мудири устидан китобини нашр этишда «сусткашлик», ҳатто ноҳақлик қилаётгани борасида шикоят этади. Устоз - Нашриёт директори Муҳаммад Юсуф сўзларини диққат-эътибор билан тинглайди ва кутилмаганда сукут сақлайди, анча, то Муҳаммад Юсуф узр сўраб (Нега узр сўраб?) хонадан чиқиб кетгунга қалар ва кейин хузурига чақириб муносабат билдирмайди ҳам. Негача? Муҳаммад Юсуф бу ўринда ноҳақмиди? Индамаган Эркин ака-чи, ҳақмиди? Устознинг кўнгилдан шоир-ёзувчилар бир-бирига душман бўлиб, бир-бирини қаматганлари ўтганми? Эзилганми? Ёшларнинг бир-бирига қарши сўз айтиши ёқмаганми? Муҳаммад Юсуф-чи, у нималарни ўйлаган? Устоз сукутидан ибрат олганми? Устоз дилидан ўтган гаплар унинг ҳам кўнгилдан ўтганми? Бу менга қоронғи, лекин дўстларининг айтишларига қараганда, Муҳаммаджон бир неча кун давомида бўлим мудирининг кўзига қарай олмай юрган.

Бу гап ҳамманинг ҳам бошидан ўтиши мумкин. Ле-

кин ҳамма ҳам Муҳаммаджон тутган йўлни тутавермайди. У мусулмончиликда синалган йўлни танлайди. Кўҳна ҳикматларда айтилишича, «мўъмин киши гуноҳ қилиб қўяди-да, кейин ўша гуноҳини ювишнинг пайдан бўлади, ва шу даражада кўп яхши амаллар қиладики, охир-оқибат жаннати бўлади». Шундай қилиб, Муҳаммад Юсуф, бўлим мудирини Шавкат Раҳмонга ўзини шунчалик яқин оладики, баъзи ўринларда «шу ерда Шавкат ака бўлганида шундай дерди» дейдиган ҳолатга тушади. Биров учун қайғуриш бу шеърда олий даражада намоён бўлади. Баъзи шоирлар эса, ўз туйғуларини ёзиб шеърхоннинг ишончини қозонолмайди. Шунинг учун ҳам, «Лолақизғалдоқ» нинг аввалги сатрларини китобхон Муҳаммад Юсуф тўғрисидаги гапдек қабул қилади:

Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб
Бир уюм тупроқ.

Ҳатто Шавкат Раҳмон вафотини ҳам ўзиникидек қабул қилиш даражасига етади:

Одамлар ортимдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлайман
Ўзимдан кўпроқ...

Ҳа, шоир гўё Шавкат Раҳмон, яъни бошқа инсон эмас, ўзи вафот этадигандай кўринади ўқувчига. «Лола, лолажоним, лолақизғалдоқ» эса, кишининг ўз ёри вафодорини эркалаб айтадиган гапи: «Шириним, шакарим, асалим»нинг муқобилидай.

Тасаввур тўлиқ бўлсин учун шеърни эътиборингизга ҳавола этаман:

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Шавкат Раҳмон хотирасига

Мендан нима қолар:
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ.
Одамлар ортимдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлайман
Ўзимдан кўпроқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Мен кетсам, ёмондан
Йироқ бўл, оху,
Чунки сен чиройли,
Кўркли бир жувон.
Ёмон кунлар бир кун
Яхши бўлар-у,
Ёмон одам яхши
Бўлмас ҳеч қачон...
Яша чегарада
Тургандек огоҳ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Уйда ётибман-у,
Сезиб турибман,
Кўкда кетаётир
Қушлар қайтишиб.
Хайрлар ёғдириб
Қанотларидан,
Хаста шоирига
Видо айтишиб.
Бор, менинг учун ҳам

Уларга кўл қоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Уларни мен яна
Кўрарманми-а,
Айвондан одамдек
Кузатолмадим.
Куз. Тўйлар бошланди.
Юрагим пора —
Битта қизимни ҳам
Узатолмадим..
Демак, тақдир экан
Тўй кўрмай ўлмоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Бироқ кўнглим сезар,
Мендан кейин ҳам
Бир кун бу ҳовлига
Одам тўлади.
Ҳали тўйлар қилиб
Чарчайсан, эркам,
Менинг қизларим
Энг бахтли бўлади!
Келинлар кўйлаги
Руҳимдай оппоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Гулим, яқинроқ кел,
Қара, не савдо,
Бу ажиб ишларни
Дил лавҳига ёз:
Кимга қаср етмас,
Кимга мол-дунё,

Менга эса ҲАВО
Етмайди холос.
Тириклар мудроқда,
Ўликлар уйғоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Кўксим куйиб борар,
Кўкрак ёнмоқда,
Айтинг дўхтирларга,
Ёришса, ёрсин!
Жисм ўз улфати —
Жондан тонмоқда.
Бечора жон энди қаерга борсин.
Энди осмон йироқ,
Энди ер юмшоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Буни ҳаёт дерлар,
Унутма асло,
Бир кун очиласан,
Бир кун сўласан.
Қалбимда-ку фақат
Сен эдинг танҳо,
Қабрим устида ҳам ўзинг бўласан.
Сен бизнинг севгидан
Хотира - байроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Аёл қалбинг билан
Сув кеч, олов кеч,
Ғам келса, бошингдан
Хушинг учмасин.
Худодан сўрадим:

Мендан кейин ҳеч
Номард кимсаларга
Ишинг тушмасин.
Уларнинг қўлида
Ҳамиша тузоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Ишинг тушса, иним
Муҳаммадга бор,
Шоирлар ичида
Ишонганим шу.
Бир оз ичишини
Айтмаса агар,
Кўкси тиниқ бола,
Ҳалол бола у.
Фақат сал содлароқ,
Фақат сал ёшроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Жон сўнги бошпана
Топаркан онгда,
У юрак остида
Дердим мен бўлсам.
Ажабланма агар
Эртага тонгда
Сени ўпиб, Ўшни
Қучоқлаб ўлсам!..
Ўтинчим — тепамда
Йиғлама узоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ.

Муҳаммад Юсуф



УСТОЗ ШЕЪРЛАРИДАН ИЛҲОМЛАНИБ...

ЗИЁРАТ

Хўжакўрсин қабристони,
Ёлғон мазори.

Эркин Воҳидов

Бу бир зиёратгоҳ — кўринмас сўнги,
На-да сўнги, дарду қайғуси, мунги.

Майитлар, ҳаттоки кўмилган эмас,
Ётишар — кўзлари юмилган эмас.

Қанча сарф-харажат, илҳом ва чарчоқ —
Синган ҳайкаллар бу-бузилган, пачоқ.

Сохта қўшиқлар акс-садоси келар,
Бастакор кўнглидан ўтмайди нелар!

Ёлғон пиесалар парда ортида,
Йўқ, жаҳл ортида, зарда ортида.

Филмлар ўралиб тасмаларига,
Лаънат дер тақдирнинг ёзмаларига.

Ноилмий аталган миллий асарлар,
Дарсликлар ўзидан қилар хазарлар.

Барчасининг ўзак-асоси ёлғон —
Мақталган разолат ҳукмрон замон.

Тўғри йўлдан, демак, элни чалғитган,
Қанча вақт онглари заҳарлаб ётган.

Четда қолиб юксак битиклар тўпи,
Мукофот ҳам олган уларнинг кўпи.

Бу қандай бедодлик? Бу қандай найранг?
Найрангнинг ўзи ҳам бу ҳолдан гаранг.

Фош этди уларни Истиқлол фақат,
Унутилиб борар энди бешафқат.

Соҳиблари вафот этган қанчасин,
Вафот этмагани ютган нафасин.

Дейсиз: Одам ўлар, етса гар ажал,
Дейман: Асл ижод ўлмайдди азал.

Улар орасида йўқми, э воҳ, хор —
Менинг ҳам шеърларим, сатрим ё бирор?

Қурқа-пуса назар ташлайман шу он,
Ногаҳон... миямга қуюлади қон:

...Кўраман уларни... Не бўлган эди?
Ай! Уларни менга ким ёзгин девди?

Наҳот, қалб? Наҳот, қалб? Йўқ, қалб адаш-
мас!

Ёшликми? Гўрликми? Кўрликми бу, бас!

Баҳона тополмай оқлаш-чун ўзни,
Бўғилиб-тиқилиб дейман шу сўзни:

«Кўҳна ҳикматларда шундай калом бор —
Инсон яратилган асли хатокор».

Эшитмади мени, дол этиб қаддим,
Ўша бир шеърим ва ўша бир сатрим.

Енгил тортармидим, ёмон қарашса,
Номим тилга олиб, сўкиб-қарғашса...

Лекин улар марҳум... сўз десин қандоқ?
Зиёратдан сабоқ олдим мен андоқ:

«Адашиши мумкин ҳамма чор-ночор,
Хато қилмасликка маҳкум ижодкор».

ТЎРТЛИКЛАР

Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлғон ёмон.

Эркин Воҳидов

1
Минг йиллик юрилган йўлдан қайтмоқ шарт,
Миллион йил юрилган йўлдан қайтмоқ шар.
Бир нарса ҳақида ёлғон минг битта,
Ҳақиқат битгадир, шуни айтмоқ шарт.

2
Ҳақиқат осмонда деган гап бекор,
У ерда, оёқлар остида хор-зор.
Дарахтдек қадини тикласин учун
Биздан фидойилик, жасорат даркор.

3
Шоирлар каломи отилган ўқдир,
Нишонга тегарки, кўнгиллар тўқдир.
Ҳақиқатни айтиш нодонлик бўлса,
Нодонликдан айро шеърият йўқдир.

Шукур Қурбон

ШОГИРДЛИК МАҚОМИ

Устоз Эркин Воҳидов «Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида» китобида таъсирли ва ибратли сўзни битиб, ардоқли ва раҳматли алломанинг ўзига хос портретини яратганлар.

Мана, эшитинг:

«Озод Шарафиддинов талантни илғарди, талантни кўра биларди, деб мақташади. Талантни илғашку, қийин нарса эмас. Яхши шеърни ёмон шеърдан бошқалар ҳам фарқлай биледи. Бу жула катта донишмандлик талаб қилмайди. Лекин истеълод ёнидан индамасдан ўтиб, пачоқ адибни олқишлайдиган одамларга қойил қолиш керак. Озод Шарафиддинов бундай «қойилмақом» мунаққиллар қаторига кирмасди. Борини қандоқ бўлса - шундоқлигича айтарди-қўярди.

Яна Озод Шарафиддинов ўзининг манфаатини ўйламасди, деб айтишади. Йўқ, Озод Шарафиддинов ўз манфаатини обдон ўйларди, лекин у бугунги манфаатини эмас, келажакдаги манфаатини ўйларди. «Бир кун келиб мен ҳақимда, мен айтган гапларим ҳақида авлодлар нима дейди?» деб ўйларди. Чунки вақт саракни саракка, пучакни пучакка ажратиши ҳақиқатдир.

Мен яна бир нарсадан беҳад хурсандманки, Озод ака умрининг охиригача эътиқодга содиқ қолиб, ҳақ гапни айтиб турдилар. «Қанақа бўларкин? Шуни айтсам, гап тегиб қолмасмикан?» демасдилар ва бу ҳислат Озод акага ярашарди.

Ҳар бир замонда ижод аҳлидан, зиёлилардан жасорат талаб қилиш учун Озод Шарафиддиновдай инсонлар керак. Бунақа одамларни Худойим бизнинг бахтимизга, жамият бахти учун беради».

Эркин ака юқоридаги сатрлари билан устоз қандай бўлиши лозимлиги ҳақида мушоҳада юритмоқдалар. Баҳонада мен каби ўзларидан ёш шоир-ёзувчиларга сабоқ бермоқдалар.

Шогирд-чи? У қандай бўлиши керак? Юрагимда «Мен Эркин Воҳидовни устоз деб, кейин шогирдга ярашмайдиган иш қилиб қўйсам-чи?» деган масъулият бор эди. Ахир, Худо кўрсатмасин, устоз ва шогирд орасида бундай гаплар бўлганига гувоҳмиз-ку! Шогирдидан қуйган бир устознинг мана бу сатрлари, ахир, бежиз ёзилмаган-ку:

Устоз, деб аввало қошимга келдинг,
Оғам, деб дастурхон-ошимга келдинг.
Амалга миндинг-у, вақтлар утиб,
Қилич яланғочлаб бошимга келдинг.

Устозлик, шогирдлик тўғрисида гап кетганда, юқоридаги ҳолатнинг бутунлай акси, яъни устози оламдан ўтган бўлса ҳам, унга, унинг хотирасига бўлган барча ҳужумларга қарши туриб, ҳурматини ерга урдирмаслик, «Фалончининг шогирди» деб номини ерга уришларга, тенгқурлари ва ҳамқаламларига берилган мукофоту унвонлар берилмаслигига тоқат қилиш, яъни шогирдлик мақомини юқори кўтариш ҳам бор.

Бизнинг авлодимиз кўз ўнгида ана шундай воқеалардан бири бўлиб ўтди. Яъни Абдулла Қаҳҳор шогирдларидан бири бўлмиш адиб Шухрат, халқимиз орасида қанчалик таниқли ва севимли адиб бўлмасин, унга мустабид даврда ҳукумат миқёсида ҳурмат-эътибор кўрсатилмади. Охир-оқибат умрлари оёқлаганда инсульт хасталигига учраб бир қанча муддат азоб чекдилар. Шу ўринда раҳматли адибнинг ана шу тақдири ҳақида фикр юритгим келди:

«Устоз вафотидан кўра оғирроқ Борми шогирд учун бирор мусибат? Келган барча шодлик кетади йироқ, Кетган барча қайғу келар бетма-бет. Устоз насиҳати ва қарашлари, Васияти эсдан чиқарми? Асло! Сабр-тоқатлари ва бардошлари... Юрак дарахтидан қўлида асо – Борди Устоз юрган йўлдан у, бешак. Қачон кор ке-

лади устозга, агар Вафотилан кейин бўлмаса керак! Акс ҳолда, у ношуд, у садқай сар. Лек қаттол замонга қарши курашган, Халқ севган адибнинг шогирди бўлмоқ - Ҳаёт кечирмоқдир кўрқмай нурашдан, Нописандлик кўриб сарғаймоқ, сўлмоқ. Устозини енга олмай, шогирддан Ўч олмоқ истаган ғаним - мард эмас. Кўршапалак зоти кўрқади нурдан, Шунинг-чун қуёшдан кўрқади у, бас. Кўрди: қанча дўсти арбоб-ғанимнинг Соясига салом берди бир қулдай. Манфаат қанотин ёзмоқ учун кенг, «Воз кечди устоздан» билибмибилмай. Бу ҳам етмагандай, қадрдонлари «Сен ҳам шундай йўл тут» — дедилар ҳатто. Кўнмади. Бош чайқаб кетдилар нари. «Хато қилаяпсан, — дедилар. -Хато!» Лекин бу «хато»нинг «тўғри» эканин Билишарди улар — ким кўпроқ, ким кам... Оқим аямасди қарши сузганни, Қарши сузганларнинг шогирдларин ҳам. На унвон, на насаб, на амал тақал... На хафа бўлди у, на йиғлаб ўтди. Юрак дарахтидан асоси зарҳал, Шогирдлик мақомин улуғлаб ўтди»...

Устоз Эркин Воҳидовнинг таълим берган устозларига муҳаббатини юқоридаги лавҳаларда кўриб ўтганимиз учун, бу муносабатларга хулоса ясамоқчи бўлдим ва қуйидаги тўртлик ёдимга тушди:

Гарчанд фикран озод, қалбан эркин ул,
Илм-фан йўлида талаба бир қул.
Шунинг-чун устознинг нуқсонлари ҳам
Фазилат кўринар шогирдга нуқул.



МУТОЙИБА

ТАРҚАТИШИДАН ОЛДИН...

Бадиий адабиёт нашриёти директори Шеърят бўлими билан шошилинч мажлис ўтказмоқчи бўлибди. Аммо, аксига олиб, Сафёр, Тўлқин ва бошқа шоирлар... бўлимда ҳеч ким топилмабди. Директор тутақиб кетибди:

— Ернинг тагидан бўлса ҳам топинглар ходимларни!

Котиба хонама-хона юриб, шоирлардан ҳеч кимни топилмабди. Шу пайт бўлим мудири Эркин Воҳидовнинг ўзлари келиб қолибди. Директор уни қойиб бошлабди:

— Бу қанақаси, Эркинжон? Мажлис ўтказишимиз керак, ҳеч ким йўқ бўлимнингиздан? Шеърят бўлимини умуман тарқатвориш керак, ўзи!

— Яхши, лекин бунинг иложи йўқ, ўртоқ бошлиқ.

— Нега иложи бўлмас экан? — Баттар жаҳли чиқибди директорнинг.

— Тарқатворишдан олдин бир жойга йиғиш керакда ходимларни.

РУҲЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Устоз 1978—1979 йиллар давомида оташин бенгал шоири Назрул Ислом ҳаёти ва ижодига бағишланган «Руҳлар исёни» достонини эълон қилдирди. Асар қурилишидаги ўзига хослик, мағиз-маъносидаги теранлик, илоҳиятга алоқадор ғайритабиий лавҳалар, шоирликнинг машаққатлари-ю, даҳо ҳамда оломон ўртасидаги муносабатлар афсона ва ривоятлар асосида, тарихий воқеа-ҳодисалар воситасида ишонарли инкишоф этилган. Лекин ўша пайтдаёқ, Устознинг бошқа асарлари қатори, мухлислар томонидан ёд олиниб, давраларда ёд ўқиб юрилган бу дoston ҳақида

адабий жамоатчилик деярли ҳеч нарса демади. Нега? Устоз бу асарида бошқа қаламкашлардан фарқли ўлароқ,

Гарчи
Бидъат ёрдир менга,
Даҳрий фикрат эгадир —

деб ўзини «худосиздай» қилиб кўрсатса-да, давомидан бошқача фикр айтадилар:

Олий руҳлар борлигига
Ишонман, негадир, —

деб илоҳий қудрат борлигини эътироф этди. Иккинчидан қатағон қурбонлари бўлмиш Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат сингари шоирлар тақдирини тўғрисида ҳикоя қилди. Шунинг учун асар бир руҳ исёни эмас, «кўтлаб руҳларнинг исёни» сифатида тушунилди. Ҳар икки масала ҳақида бадиий асар ёзиш тоталитар тузум даврида таъқиқланган эди. Адабиётшунос олимлар дostonни таҳлил қилсалар ўзлари ҳам, муаллиф ҳам «балого қолишарди». Бинобарин, юқорида биз номларини тилга олган қатағон қурбонларини сотган ва оттирганлар ҳали ҳаёт ва давралар тўрида ўлтиришарди, кўтлаб мукофот ва унвонлар эгаси эдилар. Улар бир шоир ёзганидек, ачинарли аҳволда эдилар. Тўртлик:

Барин ҳис қилгансиз, бўлди, тушундик,
Ёмон эзилгансиз, бўлди, тушундик.
Замон оғир эди, ноиложликдан —
Сотқинлик қилгансиз, бўлди, тушундик.

Улар бу гапларга парво қилмасдилар. Без бўлиб яшашаварди. «Қор ёғиб, излар босилади», деб ўйлашарди. Лекин қор ҳар қанча ёғса ҳам, излар босилмасди — қуйидаги тўртликдагидай:

Қор ёғиб, излар босилди, деганлар хато қилур,
Хотирот бор, дардларни кўксларга жо қилур.
Ўз дўстларин сотганлар, душман, деб оттирганлар
Олға юра олмаслар, қабрларга қоқилур.

Устоз, уларга юқоридаги каби луқмалар қилмади.
Унга руҳлар бизни ёз, деб тинчлик бермади:

Бизни кундуз
Банд этса иш,
Холи топиб уйқуни,
Улар бизга эслатармиш
Кетганларнинг руҳини...

Улар яшар
Биздан ўзга,
Бенамоён ва бесас.
Шарпалар ҳеч бир кўзга,
Ҳеч қулоққа сезилмас...

Улар борки, бизлар одам
Ҳақиқат бор беомон.
Яхшилиқ ҳам,
Ёмонлик ҳам
Қайтар бир кун бегумон...

Бошқа бир катта шоир «Кетганлар ёди бу...» деб шеър
ёзиб, «Кема дўстларимни олиб кетганди» деб оҳ чекади,
«Қодирий қабрини излаётган Отабек» ни тириштиради.

Бошқа бир шоир ўз замонасининг «Зарбулмасал»-
ини яратади. Бошқа бир шоир эса, Устоз Эркин Во-
ҳидовдай чет элда яшаб ўтган бир шоир тақдирини
асос қилиб олиб, ватан дардларини асарга киритади.
Достонда ҳалок бўлган истибдод қурбонлари бир кун
келиб, яна қайта тирилиши ҳақида куйланади. Ун-
дан қуйидагича хулоса, ибрат, сабоқ олиш мумкин:

Создир узоқ умр кўрмоқ ёруғ дунёда бироқ
Мард зотига қирон келса, сен ҳам ўлсанг яхшироқ.
Янги-янги авлод келур, ўтган гап-сўзни билур,
«Сен қандоқ тириксан?» -деб, албатта, айлар сўроқ.

«ЁШЛАР БИЛАН СУХБАТ» ДАН КЕЙИН...

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» («Ёш гвардия» — ҳозирги «Чўлпон») нашриёти, Тошкент, 1967) деб номланган, асосан ёш ижодкорларнинг асарлари таҳлил этилган, адабиётимиз келажаги ҳақида қайғуриб ёзилган, бағридан «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас»дай ҳукмнамо ва «Келажакда ўзбек адабиёти буюк адабиёт бўлади»дай башоратнамо, «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман» каби мустабид даврида жасорат кўрсатиб айтилган гаплар жой олган тўпламни билмайдиган адабиёт шинавандаси бўлмаса керак. Устоз Эркин Воҳидовнинг «Шоиру шеър ушуур» (1987 йил) китоби эса, адабиётимизда илк қадамларини қўяётган ёшлар учун юқорида ном тилга олинган китобдан кейин энг гўзал ёзилган жўяли дастурил амал бўлди. Буни тўпламнинг «Янги авлод овози», «Мукамаллик», «Шеър қадр», «Ғафур Фулом билан учрашувлар», «Қарздорлик», «Устоз Ғайратийни эслаб», «Устоз билан видолашув» сингари кўплаб мақолалардаги ўй-мушоҳада, мулоҳазаларда, мумтоз адабиётимиз даргалари ғазалларининг юксак талқинларида кўриш мумкин. Йўқ, буни бошқачароқ айтиш керак. Масалан, мана бундай: «Устоз Эркин Воҳидов ёш авлодни бамисоли адабиёт дарвозаси олдида очиқ юз билан қучоқ очиб кутиб олдилар». Дарвоқе, Эркин ака билан - етмишинчи йиллар авлоди — бизнинг авлод орасидаги устоз-шоғирдлик муно-

сабатлари у кишининг биз ёшларга илиқ муносабатига 1978 йилда собиқ иттифоқнинг Москва шаҳрида ташкил этилган «Ўзбекистон ёш шоирлари асарларининг муҳокамаси» қайсидир маънода туртки бўлди ва «Янги авлод овози» деб номланган мақола-сида Устоз бу ҳақда ўз таассуротларини мухлислар билан ўртоқлашдилар:

«Шеърятимизга янги авлод кириб келди. Оҳиста, ийманиб, улуғлар қошида чўчинқираб эмас, шаҳдам, дадил, бамисоли тўйхонага келган ўспирин куёвнавкарлардек олатасир ва сурон билан кириб келди. Биз бу «босқин»ни кўпдан кутган эдик, интизорлик билан пойлаган эдик. Шундай кун келди. Кун кеча комсомол Марказкоми биносида ўтган шеърхонликда мен бунга амин бўлдим. Бугун шеърятимизнинг тенг ҳуқуқли ёш авлоди бор. Бу — Усмон Азимлар, Азим Суюнлар, Шукур Қурбонлар авлоди, бу — Муҳтарамалар, Шарифалар, Дилбарлар авлоди.

Адабиётда қадимдан бир қоида бор: янги ёш авлод кириб келмагунча, уни эл авлод сифатида қабул қилмагунча сўнги авлод сочи оқарса ҳам ёш авлод бўлиб қолаверади. Агар Сулаймон Раҳмон, Фароғат Камоловалар бўлмаганда Омон Матжон, Муҳаммад Али, Ойдин ва Ҳалималар ҳали ҳам ёш шоир бўлиб юраверар эдилар. Бу—азалий қоида, негаки адабиётнинг доимо ёш авлоди бўлмоғи керак, бу унинг табиий эҳтиёжи. Ёш авлоди бўлмаган адабиёт гўдак боласи йўқ оиладек сокин, зерикарли бўлади. Гўдак боласи йўқ оилада эса, кенжа фарзанд доимо суюк ва эрка. Мўйлаби чиқса ҳам отасининг тиззасидан тушмайди, онасига эркаланиб тилини чучук қилиб гапирди. Биз шу кунгача беш-ўн китоб чиқарган, элга танилган шоирларимизни ёш деб келганимизнинг боиси шу. Шунинг учун янги авлоднинг сурон билан, босқин билан кириб келишини узоқ (ҳатто жуда узоқ) интизор бўлиб кутган эдик».

Устоз Эркин Воҳидов ёшлар ҳақида ёзар экан, ўзларининг адабиётга кириб келган давригача халқимиз ҳаётида рўй берган эврилишлар, уларнинг шоир-ёзувчилар тақдирида ўйнаган роли ҳақида тўхталиб, ёш авлодни ўзидан олдин ўтганларни ёд этиб, улар ҳаётидан ибратлар олишга ундайди ва ўз авлодининг машаққатли ва мураккаб йўллари борасида фалсафий фикр юритади.

«Инсон бир мартагина яшайдиган замонини танлаб дунёга келмайди. Бу қисмат деб аталган, бизга ноаён қудратнинг ихтиёрида. Бу танлаш ҳуқуқи шоирларга ҳам берилмаган. Истеъдод соҳибининг қандай даврда яшаши, қай даврда адабиётга кириши унинг инсон сифатидагина эмас, ижодкор сифатида ҳам қисматини белгилайди. Минг йиллик, асрлик тафовутлар ҳақида гапирмайман. XVI—XVIII асрлар ўртасида — уч юз йиллик зулмат ва турғунлик замонида юртимизда дунёга келган юзлаб, минглаб истеъдод эгаларининг ижодкор сифатидаги қисматини айтиб ўтирмайман. Шоир тақдирида бир неча йилнинг ҳам фарқи бор. Эллигинчи йилларда шеърятга кирганлар ичида чинакам катта талант эгаси бўлган шоирлар йўқмиди? Бор эди. Лекин эллигинчи йилларда шеърятда дабдаба ва ҳамду сано удум бўлган эди. Ҳақ йилларда адабиётга кирган шоирларнинг кўпчилиги ана шу удумни қабул қилдилар, илк қадамдан бошлаб ана шу усулга ўргандилар, шундай шаклландилар. Сўнгра олтмишинчи йилларга келиб шеърятдан мадҳиябозлик чекинганда уларнинг кўпчилиги янги нафасга дарров мослаша олмадилар. Шеърятнинг байроғини тантанабозлик харобаларида туғилган авлод қўлга олди».

«Тантанабозлик харобалари...» Устознинг бу иборасини тушуниш учун, менинг назаримда, ёш ижодкор адабиётимиз оламида эллигинчи йилларда, тўғрироғи, олтмишинчи йилларгача ижод қилган ёзувчи-

лар асарларини уқиган ва уққан бўлиши керак. Акс ҳолда, шеърятда «китобийлик» номи билан қадрсизланган кўчага кириб қолиш ҳеч гап эмас. Лекин кўнгилда ишонч бор, олтмишинчи йиллар авлоди ижодининг ҳали кўплаб келадиган авлодлар учун етиб ортадиган, Эркин Воҳидов асарларидан ташқари, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева кабиларнинг ижод намуналари бор. Балки Устоз «ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди» деганида шуни ҳам назарда тутган бўлса, ажабмас.

«Бугун шеърятга кириб келган авлод қисматиға ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. Улар инсон сифатида тинч, фаровон замон фарзандлари, қалбу хаёллари заҳмаг ва ўкинчдан холи бўлган, дунёга шавқ тўла кўнгил билан, ойдин нигоҳ билан боққан йигит-қизлар. Улар шоир сифатида долғали, беҳаловат давр болалари, қалбу хаёллари анорлек қонталаш курраи заминнинг изтиробу умидларига оғушта бўлган, дунёга ҳам завқу шавқ, ҳам хавотир кўзи билан боққан ёшлар. Улар, яна шоир сифатида, шеърятда ҳаққоният ва самимият, инсонпарварлик голиб бўлиб турган, ҳақиқий истеъдод қадрланиб, насиҳат ўрнини балиният, жарангос ўрнини ишонтириш қудрати эгаллаб турган бир даврнинг ижодкорлари».

Устоз Эркин Воҳидов иқтидорли ёшлар ҳақида ёзиб, кейин гўё «томошабин бўлиб» турмайдилар, балки бевосита улар асарларини матбуот юзини кўриши учун жон койиладилар ҳам. Ҳатто мамлакатимиз маънавий ва адабий ҳаётида энг катта воқеалардан бири — навқирон авлод учун юксак минбар бўлиб дунёга келган адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнал «Ёшлик» дунёга келганининг 20 йиллигига бағишланган «Масрур хотиралар» мақоласида Устоз бу ҳақда шундай ёзди:

«Утган йилнинг 60-йилларида жамиятга озгина «илиқлик кирди». Сталин ва унинг ҳамтовоқлари тан-

қид остига олингач, бутун собиқ Иттифоқ бўйлаб бир қур демократик эпкин эсиб ўтгандай бўлди. Адабиётда ажабтовур жонланиш бошланди. Айнан адабиётдаги жонланишлар тоталитар тузум раҳнамоларининг тагин ғашини қўзғади. Ҳагто, айтиш мумкинки, чўчитиб юборди. Улар яна ҳамма ёқни, ҳамма соҳани темир чангалларига олишга киришдилар.

Худди шу даврда ўзбек адабиёти ҳам ажиб бир янгиликни, ажиб бир юксатишни бошидан кечирганди. А.Орипов, Ў.Ҳошимов, О.Матжон, Ш.Холмиров, Ў.Умарбеков каби истеъдодли қаламкашларнинг пайдо бўлиши адабиётимиз бўстонига тоза, муаттар бўй олиб кирганди. Худди шу йиллардаёқ ёш, дадил ижодкорларнинг асарларини чоп этиш учун янги бир нашрга, янги бир журналга эҳтиёж сезгандик. Ниҳоят, республика раҳбарларига ниятимизни билдирдик. Бироқ ҳамма масалалар барибир марказда, Москвада ҳал бўларди. Бизнинг орзуимиз, хоҳиш-иродамиз анча пайтгача эътиборсиз қолиб кетди. Лекин биз чекинмай, янги бир нашрни ташкил этиш учун баҳоли қудрат курашиб юраведик. Ниҳоят, 80-йилларга келиб орзуимиз ушалгандай бўлди. «Ёшлик» деб аталадиган журналимизга рухсат олдик. Ҳа, фақатгина рухсат олдик. Ҳали ҳеч ким, ҳеч бир ташкилот келажаги номаълум бўлиб турган янги нашрга моддий кўмак беришни, ўз «паноҳига» олишни истамас эди. Ўша кезлар мен Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар бўлимида бош-қош эдим. Шу сабаб бўлдими ё янги нашр ташкил этиш борасида андаккина кўп гапириб юборганим бўлдими, ҳар қалай, номидан бошқа ҳеч вақоси йўқ «Ёшлик» журнаliga мени бош муҳаррир этиб тайинлаб қўйишди. Иш, ташвиш бошланиб кетди. Аввалига таҳририятимиз Ёзувчилар уюшмасининг яқкаю ягона мажлислар залига муваққат жойлашди. Нечоғлик илҳом билан ишлаб ўтирган бўлишимизга қарамай, бирор-бир мажлис ё йиғин бошлангудек бўлиб

қолса, секингина таҳририятни, яъни мажлислар зали-ни бўшатиб қўярдик. Шу алфозда бир йилдан зиёд фаолият кўрсатдик. Сўнг, «журналлар корпуси», деб аталадиган маълум ва машҳур бинога бир амаллаб кўчдик. Ялиниб-ёлвориб, гоҳ у раҳбарнинг, гоҳ бу раҳбарнинг тинчини бузавериб, охири, ҳар бир қаватдан битта-биттадан хона ундирдик. Арзимаган маслаҳат, майда-чуйда топшириқлар учун ҳам қаватлар аро бўзчининг моксидек қатнашимиз бошланди.

«Ёшлик» журнали мунтазам ҳар ойда чиқа бошлади. Шаронтнинг ноқулайлигига, мафкуравий раҳбарнинг зуғумларига қарамай илҳому завқ-шавқ билан ишлардик. Мен журналнинг бош муҳаррири сифатида, албатта, унинг ҳар соҳада рисоладеккина бўлишига жавобгар эдим. Аммо мени янги нашр атрофига янги талантларни, санъаткорона бадиият пардасига ўраб, исёнкорона, дадил фикрларни, ғояларни ўртага ташлай оладиган ижодкорларни йиғишни истардим. Баҳоли қудрат шу ниятимга эришдим, деб бемалол айтишим ҳам мумкин. У. Азимов, Х. Султонов, Э. Аъзамов, М. Муҳаммад Дўст, Ш. Раҳмон, Х. Даврон каби ҳурфикр, истеъдодли ёшлар «Ёшлик» журналининг мактабидан ўтган, илк асарларини шу нашр саҳифаларида чоп эттириб эл-юрт назарига тушган, десак муболаға бўлмас. Бироқ бу ёш, дадил сўзли қаламкашларнинг ҳар бир қораламасини «Ёшлик» журнали саҳифаларига олиб чиқиш осон кечмади. Матбуот цензураси, мафкуравий раҳбарлар асабларимизни бузиб, қонимизни ичарди. Ўшандай «ғоявий ясовул»лардан бири менга бот-бот такрорларди: «ўртоқ Воҳидов, мен кўпроқ сизни ўйлаяпман, менга сизнинг азиз бошингизнинг омонлиги керак. Сиз яхши шоирсиз...»

Албатта, бу хил таъкидларда меҳрибончиликдан кўра таҳдид, айёрлик устунлиги яққол сезилиб турарди. Лекин мен бир ижодкор сифатида, рост сўзни, гўзал бадиий сўзни қадрловчи бир қаламкаш сифати-

да улар ҳоҳлагандай журнал қилишни истамасдим. Ўша даврнинг таомилига кўра чоп этилиши кўзланаётган материалнинг икки жойига имзо чекиб бутун жавобгарликни ўз бўйнимга олардим. Журналнинг ҳар бир чиқиши гўзал, бадиий пишиқ, исёнкор руҳли асарларга бой бўлиб бораётганини кўриб қувонардим.

Ниҳоят, «Ёшлик» журнати эл-юрт севиб ўқийдиган, сондан-сонгача орзиқиб кутадиغان, гоят катта ададли нашрга айланди.

Мана, сеvimли журнал бугун йигирма баҳорни қаршилабди. Мен истардимки, «Ёшлик» журнати ўз ўқувчилари юрагида ҳамиша ёшликдек завқ-шавқ, илҳом бағишлаб юраверсин».

*«Ёшлик» журнати,
3 сон, 2003 йил*



* * *

Она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун кайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир.

* * *

Она тилимни муаззам ва улуғ десам, эъзозлаб бошга кўтарсам, бунинг боиси ўзимники бўлгани, жонимга яқинлиги учун эмас. Шунга ишонганим, иймон келтирганам учун, менинг ҳам бир икки тилдан хабарим бўлиб, қиёслаш имкониятларим борлиги учундир.

Эркин Воҳидов



ИЗЛАНИШ ЙУЛЛАРИДА

Ижод муттасил кашфиётлар силсиласидир. Доимо ҳаракатланиб, ўзгариб, янгилашиб турувчи кўҳна дунё жумбоқларини чақмоқ учун, инсон қалби, характери, руҳий оламининг янги-янги қатламларини кашф этмоқ учун ижодкор тинимсиз изланмоғи даркор.

Эркин Воҳидов — изланувчи шоир. У ижодда тайёр ва осон йўллар танламайди, «езиш сирини мукамал эгаллаб олганман» деб, асарларига маҳлиё бўлиб, ўзига бино қўймайди. Ингирма йилча аввал Эркин бир шеърида «қувноқ даврангизда ўқиб бергали энг яхши шеъримни ёзмабман ҳали» деганди. Шу гапда яхши ифодаланган ва Горький «муқаддас» деб атаган ўзидан қоникмаслик туйғуси Эркинни доимо изланишга ундайди, кўникилган тасаввурлар, қолипга тушган расм-русумлар, кўпчиликка сингишиб кетган ақидалар билан баҳслашишга, ўз-ўзи билан, аввал яратган асарлари билан, қаламкаш дўстлари билан мунозара қилишга, шоирона сўзнинг янги-янги имкониятларини топишга даъват этади. Шундай изланишлар самараси ўлароқ туғилган «Тирик сайёралар» китоби ҳозирги пайтда Эркин ижодий янгилашниш жараёнини бошдан кечираётгани, унинг шеърляти янги ғоявий-эстетик сифатлар касб этиб бораётгани ҳақида гапиришга асос беради.

«Тирик сайёралар»даги янги ғоявий-эстетик сифатлар, биринчи навбатда, шунда кўринадики, Эркиннинг ҳаёт ва ижод ҳақидаги тасаввурлари беқийс бойиган, ҳаётни идрок этиш ва тасвирлаш принциплари анча чуқурлашган. «Тирик сайёралар»га кирган шеърларнинг деярли ҳаммасида дунёнинг ярмини кезиб чиққан, ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чучугини обдан кўрган, салмоқти тажриба орттирган доно одамнинг қўли сезилиб туради. Эркиннинг аввалги ижодини мутлақо камситмаган ҳолда таъкиллаш керакки, илгари у ҳаётнинг ёрқин, нурли, ҳузурбахш томонларини тезроқ

илгар ва уларни кўтаринки оҳангларда маҳорат билан жозибадор қилиб кўрсатиб берарди. Унинг шеърларида «тириклик боғидаги баҳорий илиқлигу наҳорий тиниқлик» ни завқ билан жўшиб куйлаш истаги устун эди. Энди эса, шоир оламнинг мураккаблигини, ҳаёт аввалдан бичиб-тўқилган қолипларга сиғмаслигини англашда янги босқичга кўтарилибди. Авваллари дунё унга мутлақо аён кўринган бўлса, энди шоир «Эй, мен билган, билмаган дунё, заррадан то коиноғ қадар, ҳам аён, ҳам тилсимот қадар фикрат бовар қилмаган дунё!» деб хитоб қилади. Энг муҳими шундаки, бу хитоб хитоблигича қолиб кетмайди, балки шеърларда мураккаб ҳаёт ҳодисаларининг талқинида ўзининг амалий ифодасини топади.

Олам ҳақидаги тасаввурларнинг бойиши ҳаёт диалектикасини чуқур англаш Эркин шеърларида инсон талқинига том маънода замонавий руҳ бахш этган. У қуруқ мадҳиябозликдан, чучмал сухандонликдан, сохта гуманистик пафосдан қочали ва чинакам образли тафаккур асосида инсон ҳаётининг турфа хил қирраларини идрок этади. Шу туфайли Эркин шеърларида маънодор умумлашмаларга, теран фалсафийликка интилиш кучайган. Шоир нима тўғрида ёзма-син, жаҳоний миқёсларда фикрлайди, бугунги ҳаётга умумбашарий нуқтаи назардан қарайди; у бутун олам ҳақида, жамики инсоният тўғрисида, унинг зиддиятларга тўла ҳаёти, қудрати ва ожизлиги, орзу-умидлари ва ташвишлари, бутуни ва келажаги тўғрисида ўйлайди. Шоир ўзини инсониятнинг бир зарраси деб ҳис қилади, лекин замон шамолларида кукунга айланиб кетадиган ожиз зарра деб эмас, балки инсоният номидан ва инсоният учун гапиришга иқтидорли, қудратли зарра деб биледи. Эркиннинг шоирона нигоҳи қаршисида ҳаётдаги оддий ва жўн нарсалар кутилмаган маъно касб этадилар ва инсон ҳаётининг моҳиятини очишга имкон берувчи муҳим воситалар-

га айланадилар. Эркиннинг ижодий изланишлари қандай самара берганини, айниқса, «Тирик сайёра-лар» шеърисида яққол кўриш мумкин. Шеър чиройли топилган аниқ ва ихчам манзарадан бошланади:

Деразамдан тушган тола нур
Сомон йўли каби товланур.

Бу оддий манзара шоирни коинот ҳақида, унинг жумбоқлари тўғрисида ўйлашга ундайди. Шоир назарида шу тола нурнинг ҳар заррасида сўнгсиз бир сирлилик, ажиб бир тилсимот бор, гўё ҳар заррада бутун бир олам, ўзга бир сайёра мавжуд. Шоирнинг ўйлари ривожлана бориб, бутун юлдузларга кемалар йўллаётган, тор дунёда ўзини танҳо ҳис этиб, дўст тутингани чексиз фазода ўзи каби оқил хилқат излаётган инсонга кўчади. У буюк ва қудратли, чунки у фикри билан фазонинг истаган бурчагига етиб боради...

Шеър шу ерда тутаганда, космос асрининг доно ва мард одамлари шаънига айтилган оддий мадҳиядан нарига ўтмасди. Шоир буни яхши тушунади ва инсон ҳақида ўйларини давом эттиради: доимо кўкка боқиб, осмонни тинтув қилиб яшаётган инсон ўз қалбини етарли билармикин ёки юрагида не борлигини билмай ўтиб кетармикин? Шоирнинг фикрича, «одамзоднинг ўз қалбидаёқ яшаётир ўзга сайёра». Бинобарин, уни кашф этмоқ керак. Зотан, инсоннинг ҳар қандай улугвор фаолияти ўз-ўзини танишдан, ўз ҳаётининг моҳиятини англашдан бошланади. Ана шу шоирона таққосдан сўнг ғоят салмоқли умумлашма фикр туғилади:

У яшайди тилсимлар аро,
Ҳар кашфиёт янги маррадир.
Унинг ўзи сирли бир дунё,
Дунё эса, фақат заррадир.

Шоир ўз фантазиясининг кучи билан объектив оламдаги азалий нисбатларни алғов-далғов қилиб юборади, аслида, инсон коинотнинг бир зарраси, холос, шоир учун эса, батамом аксинча - инсон қошида дунё бир зарра, холос. Шу тарзда шоир нигоҳининг теранлиги туфайли «одамзоднинг ўзи тирик сайёрадир», деган ажойиб бир ҳикмат туғилади ва биз уни ақлан ҳам, қалбан ҳам тугал поэтик ҳақиқат сифатида қабул қиламиз. Бу ҳақиқатнинг замирида эса, шоирнинг XX аср одамига чўнг эҳтироми ҳам, ундан тубсиз ҳайрати ҳам ётади.

Шоир тўнламлиқдаги деярли ҳар бир шеърда гоҳ босиқ ва майин оҳангларда, гоҳ портловчи эҳтиросга тўлиқ, ёниқ мисраларда инсон ҳақида баҳс юритади.

Инсон ҳаётда босиб ўтадиган йўллар гоҳат хилма-хил ва адоқсиз. Бу йўлларда унинг инсоний моҳияти бениҳоя хилма-хил кўринишларда намоён бўлади. Шоир шеърларида шу хилма-хилликка мос тарзда турлича ўйлари, кайфияти ва ҳисларини ўртоқлашади. Масалан, «Замин ташвишлари» шеърда шоир тириклик машаққатлари ҳақида гапириб, яна бир бор инсон бардошига, иродасига тасанно ўқиса, «Зангори шуълалар»да сунъий ясама нарсаларга берилиб, табиий ҳаёт гўзалликларидан бебаҳра қолаётган кимсаларни таассуф билан қаламга олади. Ёхуд «Ота тилаги» шеърда:

Оламни елкада кўтармак учун
Дунёга келади, билсанг, эркаклар,

«дея инсон зиммасидаги буюк масъулият тўғрисида гапирса, «Биз ишляпмиз» шеърда ўзбек халқининг мардонавор меҳнатини ифтихор билан куйлайди. Лекин «Биз ишляпмиз» халқ меҳнатининг шунчаки тасвири эмас. Унда халқимиз учун чинакам гурур туйғулари билан бирга, халқ ҳаётини юзаки,

бир томонлама акс эттираётган, халқ характери-
ни чуқур очиш ўрнига қуруқ мадҳиябозликдан, баланд-
парвоз гаплардан нарига ўтмаётган асарлар учун хи-
жонат ва ўкинч туйғуси ҳам бор. Бу шеър буюк меҳ-
нати билан мўъжизалар яратаётган улуг халққа му-
носиб шеърият яратишга, унинг ишлари билан бўйла-
шадиган чинакам санъат яратишга эҳтиросли чақи-
риқдай жаранглайди. Умуман, Эркиннинг бу тўпла-
мида «Ёш шоирларга», «Бонг уринг», «Шеъриятнинг
қизил карвони», «Тожик биродаримга» каби шеър-
ларда чақириқ, хитоб, ташвиқот руҳи анча кучли.
Бироқ бу руҳ ҳеч қайси шеърда мазмунни яланғоч
ифода қилишга восита бўлган эмас, балки қаламга
олинган ҳаётини ҳодиса туфайли шоир қалбида жўн
ураётган эҳтиросни янада тўлароқ очишга хизмат
қилади. Бу жиҳатдан, айниқса, «Бонг уринг» шеъри
характерлидир. Бу шеър ҳам чуқур фалсафий мазмунга
эга. Унда ҳам шоир инсон ҳаётининг моҳиятини таш-
кил қилувчи муҳим нарсалар ҳақида фикр юритиб,
жуда ҳаққоний, гоят ҳаётини деталлар орқали лоқайд-
лик, пассивликни қоралайди ва одамларни ҳар лаҳза-
ни қадрлаб, мазмунли ва фойдали ҳаёт кечир-
ишга ундайди. Шеър шу қадар оташли таъсир кучига эга-
ки, уни ўқиб чиққач, одам ўз ҳаётига бир қайта на-
зар ташлашга эҳтиёж сезади, умрининг беҳуда ўтган
дамлари учун ўкинали ва қалбида фурсатни қадрлаш
иштиёқи пайдо бўлади.

«Тирик сайёралар»даги энг яхши шеърлардан бири
«Арслон ўргатувчи»дир. У Канада туркумига кирган.
Ундаги воқеа шоирнинг «Канадада» кўрганларидан
бири. Бироқ шоирнинг кучи шундаки, у бир факт
поэзияси даражасида қолмай, ўша фактга умумбаша-
рий маъно беради. Одам «тўқайлар шоҳи» арслоннинг
бошида қамчи ўйнатиб, оловли ҳалқадан сакрашга
мажбур этади. Арслон бир ҳамла билан бу нўноқ мас-
харабозни мажақлаб ташлаши мумкин, бироқ маъ-

лум бўладики, у шерни ожиз, ўзини зўр билганидан эмас, «эгаллик қул» бўлгани учун. «тириклик қули» бўлгани учун шундай қилишга мажбур экан. Тириклик бирига қамчи тутқазган, иккинчисига - қафас. Бу адолатсизлик олдида иккови ҳам лол. «Арслон ўргатувчи» шеърида эрксизлик фожиаси яхши очилган.

Эркин шеъриятининг фазилатларидан яна бири сифатида шуни таъкидлаш керакки, шоир бутун инсоният тақдири ҳақида ўйлар экан, мавҳумиятга берилиб, аниқ ижтимоий меъёрни унутмайди. Яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуклик шоир учун аниқ синфий чегараларга эга - бу тушунчаларга шоир совет кишисининг кўзи билан қарайди. Унинг шеърларида икки олам - юксак маънавий фазилатларга, олижаноб сифатларга эга бўлган гўзал одамлар олами ва шоир идеалига батамом зид бўлган манфаатпарастлар, «оқсоқоллар», матмусалар олами бири-бирига кескин қарама-қарши туради. Шоир бутун эҳтироси билан буларнинг биринчисини маъқулласа, иккинчисини қоралайди. Бироқ «Оқсоқол», «Матмусанинг дутори», «Сен менга тегма», «Манфаат фалсафаси» каби танқидий руҳ билан суғорилган шеърларни китобнинг умумий контекстидан ташқарида турувчи асарлар деб қарамастик керак. Шоир уларда ҳаётдаги нуқсонлар ҳақида гапирар экан, иллатларни қаҳр-ғазаб билан фош этар экан, бари бир, гапни асосий масалага - инсонийлик масаласига, инсон ҳаётининг моҳияти масаласига олиб бориб боғлайди. Мана, «Оқсоқол» шеъри: соч-соқоли оқармаган бўлса-да, «оқсоқол» деб ном олган, чоғроқ бўйли, лекин қаддида салобати бор, қўлида тол хивичи билан секин юрадиган, секин гапирадиган бу одам ҳар саҳар нонга навбатга турган одамларни тартибга келтиради. Бундай воқеа оғир уруш йилларида тез-тез учраб турарди. Бироқ шоирнинг мақсади уруш йилларидаги нохуш ҳодисалардан бирини бугун яна бир қайта эслатиб қўйиш

эмас. У масалага чуқурроқ қарайди: нима учун одамлар қалбларига қулоқ солиб, ўзлари тартиб ўрнатиш ўрнига, шу мушук кўзли шумшукка мутелик билан бўйин эгадилар? Шеър шоирни ўйлантирган ана шу муаммога жавоб излаш оқибатида туғилган. «Оқсоқол» шунчаки тартиб ўрнатувчи эмас, балки қаҳр, бе-шафқатлик, зуғумнинг тимсоли. Бу дағал куч эгаси «қора оломондан ҳазар қилади, пастдагиларга ғазаб, нафрат билан назар ташлайди.» Унинг қўлидаги хивичи, шафқатсизлиги одамлар қалбига кўрқув солган. Разиллар ўтиб, замон ўзгарди, бугун «янграр атрофда шодон кўшиқлару қувноқ хандалар». Бундай шароитда «оқсоқоллар» ҳаётнинг катта йўлидан сурилиб, бир чеккага чиқиб қолди. Шу тарзда шеърда оддий бир факт улкан ҳаёт ҳақиқатини ифодаловчи чуқур маъно касб этади, шоир халқ ҳаётининг тажрибасини «муҳтожлик кўрқув туғдиради, кўрқув эса мутеликни барпо этади», деган маънола умумлаштиради. Шу маънони шоир китобининг бошқа бир ўрнида ғоят ихчам шаклда бир байтга жойлаб, теран ҳикмат сифатида китобхонга тақдим этади:

Кўрқувнинг кўзи катта,
Юраги кичик бўлур,
Кўрқув зўр келган юртда
Арслонлар кучук бўлур.

«Тирик сайёралар»да «Тоғ лочини», «Матмусанинг дутори», «Кумурсқалар жанги», «Тангри ва ямоқчи» каби шеърлар борки, улар ҳам ҳаётни бадиий ифодалашнинг янги-янги имкониятларини излаш оқибатида туғилган. Бу шеърлар ривоятлар ёхуд афсоналар тарзида ёзилган бўлиб, шоир бу форма орқали ҳам бугунги куннинг муҳим гапларини айтиш, умумбашарий ғояларни, теран ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш мумкин эканини исбот қилган.

Изланишлар оқибатида Эркин шеърлярида пайдо бўлган янги сифатлардан яна бири ундаги юморда кўринади. Маълумки, бадиий ижодда юмор чинакам истеъдоднинг доимий йўлдошидир. Ўзи юксак талант эгаси бўлиб, юмор туйғусига эга бўлмаган, асарларида қай даражада бўлмасин, юмордан фойдаланмаган ёзувчини эслаш қийин. Эркин Воҳидов ҳам бундан мустасно эмас. Унинг биринчи тўпламидаёқ юморга мойиллиги аниқ сезилиб турарди. Бу мойиллик китобдан китобга ўтиб, кучая борди. Ундай бўлса, нима учун юмордан фойдаланишни Эркиннинг бугунги шеърлярига хос янги сифат деб баҳоламоқдамиз? Гап шундаки, бугун Эркин шеърлярида юморнинг кўлами ҳам, вазифаси ҳам анча ўзгарган. Агар аввалги шеърлярида юмор кўпроқ тасвирни безовчи поэтик деталь вазифасини ўтаган бўлса ёки шоирона лутф оқибатида туғилган гўзал сўз ўйини бўлган бўлса, бугун у Эркин шеърлярида воқеликни бадиий ифодалашнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолган. Кўпгина шеърларда Эркиннинг воқеликка муносабатининг замирида юмор ётади. У зоҳиран жуда жиддий, ўта салобатли кўринган воқеа ва ҳодисаларга мийиғида кулиб муносабатда бўла оладикки, бу уларнинг турли қирраларини батамом кутилмаган жиҳатдан очишга имкон беради. Ҳозир Эркин юморни шеърга деталь сифатида сингдириб юбориш билан қаноатланмай, бутун-бутун шеърларни бошдан-оёқ юмор асосига қурмоқда «Замин ташвишлари» шеъри ана шундай асарлардан биридир. Унда қаламга олинган ташвишлар аслида заминники эмас, инсонники. Шунинг учун ҳам, шеър сўнггида замин тилидан инсонга қарата айтилган гаплар бутун асар мазмунини янги раанга бўяйди ва инсон бардошини улуғлайди. Бундай юмор «Биз ишляяпмиз», «Ёш шоирларга», «Темиртан даҳолар», «Кузатиш», «Шаҳарми бу, қишлоқми бу?» каби шеърларда ҳам мавжуд. Шунин-

си муҳимки, Эркин шеърларида юморнинг киноя, қочириқ, шичинг каби шаклларига кенг мурожаат қилади. Юмордан кенг фойдаланиш шеърларнинг жиддийлигига ҳам, салмоғига ҳам путур етказган эмас. Аксинча, юмор шеърлардаги лиризмни янада тугал намоён қилишга ёрдам берган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, чунки юмор дегани жилмайиш, табассум деганидир. Жилмайиш эса, қалбни ошкор қилишдир. Табассум билан гапираётган одам бизга яқинроқ бўлиб қолади. Табассум самимият шаҳодатномасидир... Шунинг учун ҳам, юмор Эркин шеърларидаги лиризмни кучайтирган: у ҳаёт ҳақиқатини чуқурроқ очишга хизмат қилиш билан бирга, шеърларга такрорланмас ранг беради, улардаги миллий руҳни жиллантиради.

«Тирик сайёралар»даги шеърларнинг яна бир фазилати — уларнинг равонлиги ва мусиқийлигида. Бу фикрни айтар эканман, мен Америка очмаётганимни яхши биламан - Эркин аввалдан ҳам шеърятда мусиқийлик, жарангдорлик, равонликнинг устаси сифатида танилиб келган. Шунга қарамай, юқоридаги фикрни таъкидлар эканман, бунинг боиси бор, албатта. Маълумки, поэзия, шеърят бирор фикрнинг шунчаки вазига солинган қуруқ ифодаси эмас. Асарга асос қилиб олинган фикр ҳар қанча теран, салмоқли, умумлаштирувчи бўлмасин, агар у яланғоч ва қуруқ ифодаланса, шеър туғилмайди. Ҳақиқий шеър нимаси биландир музыкага ўхшайди - унда мазмун теранлиги билан бирга, китобхон қалбига таъсир кўрсата оладигани юксак нафосат ҳам бўлиши керак. Шу нафосатнинг вужудга келишида шеърнинг мусиқийлиги, равонлиги, оҳангдорлиги катта роль ўйнайди. Афсуски, шоирларимизнинг кўпгина шеърлари худди шу жиҳатдан оқсайди. Баъзан шундай бўлади: шоир шеърда бирон салмоқли ёхуд оригинал фикрни айтади-ю, лекин шеърнинг шеърдек бўлиши

устида қайғурмайди. Бундай асарларни ўқиганинг-да одам шеърни прозадан, қора сўзлардан фарқлаёлмай хуноб бўласан. Тўғри, уларда вазн бузилмаган, оҳангда ошқора сохталик йўқ, лекин шундай бўлса-да, гўё атайин қилингандек, майинликдан, мусиқийликдан қочиш бор. Мен бу камчиликнинг боисини шеърят маданиятининг етишмаслигидан деб биламан. Эркин поэзиясининг, хусусан, янги шеърларининг энг ибратли томонларидан бири шунда, у шеъррий техника устида мукаммал ишлайди, ҳар бир шеърнинг жарангдор ва мусиқавий бўлишига эришади. Шеърлардаги оқар сувлардек қуюлиб келувчи оҳангнинг табиийлиги ўқувчига алоҳида завқ бағишлайди, шеърларнинг бадиийлигини бир поғона кўтаради. Мана, баъзи мисоллар:

Най даставвал наво бўлиб
Кирди дилу ўйларга.
Ҳамма унга шайдо бўлиб,
Олиб кетди тўйларга.

(«Найнинг қисмати»),

Мўъжаз ҳовли,
Пастгина девол,
Пастаккина тандири билан
Яшар эди кичкина бир чол
Кичкина бир кампири билан.


(«Тандир ҳақида эртак»)

Мен атиги икки шеърнинг биринчи бандларини келтирдим. Эътибор қилинг: бу мисраларнинг ҳеч қайсисида лабдабали ўхшатишу ақлни лол қиладиган истиоралар йўқ. Улар ҳар қандай безакдан ҳоли, жуда оддий, жўн жумлалар. Лекин шунга қарамай, шу бандларни ўқиш биланоқ, биз қалбимизда аллақандай гўзаллик туйғуси уйғонаётганини, вужудимизни ма-

йин нафосат чулғаб олаётганини ҳис қиламиз. Бунга шоир шеърият техникасини мукамал ишлаш билан эришган. Мисралардаги равонлик, муסיқийлик шеърнинг китобхон қалбини ром қилувчи алоҳида, бетакрор иқлимини вужудга келтиради. Бу эса, шоирнинг иқтидоридан, нозик поэтик истеъдодидан далолат берали.

«Тирик сайёралар» чинакам шоир учун камолотнинг чегараси йўқ эканини исбот қилувчи асарлардандир. Бу китоб яна бир бора шеъриятда ҳам замоннинг энг долзарб муаммоларини кўтариб чиқса бўлишини, шеъриятда ҳам инсон характерини жуда чуқур таҳлил қилиш мумкинлигини кўрсатди. Ниҳоят, «Тирик сайёралар» бугунги ўзбек шеърияти изланиш йўлларида бориб, янги-янги поэтик кашфиётлар маррасини эгаллаётганидан далолат беради. «Тирик сайёралар» ҳозирги одамларнинг мураккаб руҳий оламини юксак бадиий савияда ифодаловчи асар сифатида адабиётимизда доим яшаб қолади.

Озод Шарафиддинов



Истиқлол унут бўлган давлатчилигимизни тиклади, йўқ бўлишга маҳкум қилинган тилимизни, демакки, миллатимизни асради ва азиз қилди. Энди унинг биз йўқотиб улгурган бойлигини тиклаш, турлича «изм» тамғаларини қўйиб истеъмолдан чиқарилган сўзларни ўрнига қайтариш, бунинг учун мумтоз адабиётимизни чуқур ўрганиш ҳозирги авлод зиммасидаги шарафли бурчдир.

Эркин Воҳидов

ТАРЖИМА

1

Одатда, асар нима мақсадда бошқа тилга таржима қилинади? Энг аввало, бирон-бир маънавий бойликдан ўз она халқини баҳраманд қилиш ниятида. Бу хусусда ҳазрат Алишер Навоий «Хамсатул-мутаҳайирин» («Ҳайратланганлар бешлиги») асарида Абдураҳмон Жомийнинг «Арбаъин-ҳадис» («Шеърга тушган қирқ ҳадис - «Қирқлик») асарини таржима қилиш баҳонасида шундай ёзади:

«Хамул «Арбаъин» га туркича тил била таржима орзуси кўнгилга тушти. Алардин рухсат шарафиға мушарраф бўлгондин сўнгра хамул кун ул самин жавоҳир назм силкиға кирди ва ул жавҳарлар алар (Жомий)нинг қулоғиға етти. Шафқат ва марҳамат юзидин дуойи хайр била таҳсинлар қилдилар ва хутбасининг аввалғи байти будурким, байт:

Ҳамд ангаким, каломи хайр маол
Қилди элга Расулидин арсол».

Бошқа бир ўринда, тўғрироғи, асар муқаддимасида Ҳазрат «Арбаъин» асаридан халқимизнинг «бебаҳралиги» учун («бебаҳра атрок» дейилади асарда) унинг таржимасига қўл урганини ёзади. Устоз Эркин Воҳидов-чи, у қандай ўйлайди? Бу менга қоронғу, лекин ижодининг илк паллаларида ўрисларнинг буюк шоири Сергей Есенин асарларини она тилимизга таржима қилиб, машҳур Зулфияхонимнинг қўллаб-қувватлаши сабабли нашр эттирганлар ва бу таржимани шундай маҳорат билан амалга оширганларки, нақд қилишларича, улар шоирнинг ўз шеърларидан ҳам кўпроқ шуҳрат қозонган. Мухлислар акага шоирдан ҳам кўра, Есенин асарлари таржимони сифатида алоҳида эҳтиром кўрсатишган.

Бу ҳолат адабиёт оламидаги бошқа бир воқеани эсга туширади: XIX асрда Озарбайжон мутафаккир шоири Мирза Шафий Возеҳ (1805—1852) Фузулий ва Хайём ҳамда ўз асарларини немис ёзувчиси Ф.Боденштедтга таржима қилишда кўмаклашган. Истибдодга қарши сатирик шеърлар, шахс эркинлиги юксак куйланган «Мирза Шафий кўшиқлари» деб номланган бу китоб, таржимон асарларидан кўра кўпроқ, яшин тезлигида шуҳрат қозониб, Европа тилларига 300 дан ортиқ марта таржима қилиниб, қўлма-қўл бўлиб кетади.

Доғистонлик шоир Расул Ҳамзатовнинг «Ошиқларнинг сардори», Украина шоири Андрей Малишконинг «Ҳақиқат» шеърлари ўзбекчага шундай маҳорат билан ўтирилганки, кўшиқ бўлиб ҳофизлар тилидан ҳамон тушмай келаётир.

Таржимонлик фаолиятининг масъулияти, шарофати тўғрисида гап кетганда Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг Ўзбекистон радиоси мухбирига берган интервьусини эслаб ўтиш ўринли деб ўйлайман, негаки баъзилар таржимани шунчаки «қора иш» деб билади:

«Беш қўл баробар эмас. Ҳамма адабиётчиларимиз ҳам, зиёлиларимиз ҳам жиндай асарини тугатишни ёки мақола, достонини тугатишни афзал биладими, мана бунақанги бутун жаҳон билан алоқага киришиш деганда ўзларини олиб қочишади ёки бундан ҳам ёмони — илтимос қилсак, масалан, журнал номидан. Ноёб қўлёмаларни қўлига берсак, ваъда берди-ю, йиллаб шу ишларни қилмайди. Ва қўлёмани эсон-омон қайтариб олганингга хурсанд бўласан. Майли, қилмасанг-қилма деб.

Мухбир: — Иймони сустроқ бўлса керак-да уларнинг?

О.Шарафиддинов: — Билмайман, энди. Бировнинг иймонини баҳолашга менда ваколат йўқ. Лекин, умуман, бу келишмаган, ўхшамаган, ярашмаган иш-да.

Айниқса, зиёли одам, профессор-академик ва ҳоказо деган унвонлари бор одам учун. Яна бир гапни айтиб ўтишни истардим, тағинам минг раҳмат бизнинг аввалги таржимон устозларга. Мана, Низом Комиловга. Ўзи саломатлиги яхши эмас. Лекин шунга қарасдан, қисқа бир муддат ичида учта романни таржима қилиб берди. Тили гўзал, ўқиган одам раҳмат деяпти. Қодир ака Мирмуҳамедовга жуда катта раҳмат. Ёшлари ўтди деб бўлмайди, қариликнинг ёшлик палласини бошидан кечиряптилар. Лекин қалами сусайгани йўқ, кучи сусайгани йўқ. Таржима қияптилар. Жумладан, яқинда антик адабиётдан жуда чиройли бир қиссани таржима қилиб бердилар».

2

ЙЎҚОЛГАН ҚОҒОЗ ПАРЧАСИ ЁХУД УСТОЗ ТОПШИРИҒИ

Таълим берган устоз — отангдай улуғ,
Таълим берган устоз — онангдай улуғ.
Берган топшириғин бажармоқ лозим,
Бажаргандай улар амрини тўлиқ.

1999 йилнинг ёзида Устоз Озод Шарафиддиновнинг уйларига навбатдаги эшиттиришимга интервью олиш учун боргандим, домла:

— Шукуржон, сизга бир иш бор, — дедилар.
— Яхши, домла, қўлимдан келса, — дедим.
— Қўлингиздан келади. Эркин Воҳидовга учрашиб, «Фауст» тўғрисида суҳбатлашасиз. — Кейин репортёримга ишора қилдилар. — Мана бу овоз ёзгичингизни олволинг. Эркин шуни хоҳлаган. — Ва қўшимча қилдилар. — Саволларни ёзиб бериб қўйганман. Ўшаларга жавоб қилса бўлди. Суҳбатни «Жаҳон адабиёти» журналида босамиз.

— Яхши, домла, — дедим, устоз ишончидан бошим

осмонга етди. Мен у пайтда Ўзбекистон радиосининг Адабиёт ва радиотеатр таҳририятида хизмат қилардим. — Рухсат берсангиз, суҳбатни аввалроқ радиода ҳам эшиттираман. Шоирга қалам ҳақи ҳам тўлаймиз.

— Қаршимасман, — дедилар домла. — Лекин бизнинг журналда эълон қилинадиган суҳбат пишиқ-пухта, ўзбек тилидаги «Фауст» моҳиятини очадиган, Гёте таваллудининг 250 йиллигига бағишланган бўлиши керак.

— Хўп.

— Боришдан олдин Воҳидовга қўнғироқ қилиб, огоҳлантириб қўйинг.

Устоз бунақанги масъулиятли топшириқни ҳаммага ҳам беравермасди. Негаки, Эркин Воҳидовнинг юксак илҳом ва меҳнат-машаққати маҳсули бўлган, ўн йилга яқин вақт давомида ўзбекчага ўтирилган «Фауст» ўша пайтгача адабиётимизда ўз баҳосини олмаган эди. Ҳолбуки, унда шарқона ахлоқ-одоб мезонларига, шунингдек, халқимиз табиатига мос жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, уни шоир она тилимизда қойилмақом қилиб жаранглатганди.

Эркин Воҳидовнинг Ўзбекистон Олий Кенгаши биносидаги кабинетига кириб, уни бир даста қоғозни варақлаётгани устидан чиқдим. Китоб жавони ҳамда ёзув столи эшиклари ланг очик. Устоз-шоир сочлари тўзғиган, чарчаган бир алфозда саломимга алиқ олдилар. Аканинг кайфиятидан хавотирга тушиб, қайтадан ҳол-аҳволини сўрадим.

— Кўрмаяпсизми, Шукурбек, — дедилар Эркин ака. — Озод ака саволлар ёзиб берган қоғозни топа олмаяпман. Бир парча эди. Қаерга қўйганим эсимда йўқ.

Ёлимга Эркин аканинг хонадонларига бир радио эшиттиришни тайёрлаш учун борганимда айтган гаплари тушди.

— Шукурбек, — дегандилар устоз-шоир ўшанда. — Бизнинг уйимизда энг кўп такрорланадиган сўз «Қани?» деган савол бўлади. Гулчеҳра опангизга шу

саволни беравериб чарчатиб юбораман: «Қани фалон асаримнинг қўлэзмаси?», «Қани фалон китобим?» Ишга жўнаётган чоғимда ҳам уст-бошиму дастрўмолимгача — ҳамма-ҳаммасини сўраб чиқаман. Аслида, келинойингиз уларни тайинли жойга қўядилар. Лекин менинг хаёлим тайинли жойда бўлмайди.

— Эркин ака, — дедим ўзимча, акани қийин вазиятдан қутқармоқчи бўлиб. — Мавзу тайин. Сиз «Фауст»ни таржима қилган, мен уни ўқиган шоирлар бўлсак, суҳбатни ўша саволарсиз ҳам амалга оширсак бўлаверар? Суҳбатимиз яхши чиқса, домла бизнинг «ўзбошимчалигимизни» кечирар? Нима дейсиз? Худодан шуни сўрайлик-да, суҳбатни бошлайлик.

— Э, бормисиз, Шукурбек. Тўғри айтдингиз, домла кечирар.

Шундай бўлди. Суҳбатимиз «Жаҳон адабиёти» журналининг ўша йили сентябрь сонисида «Ўзимизнинг Фауст» номи билан эълон қилинди. Журнал ходими, устознинг садоқатли шогирди, адабиётшунос олим Ортиқ Абдуллаевнинг айтишича, у журналда ёритилган материаллар орасида яхши баҳо олибди. Озод Шарафиддиновга ҳам маъқул бўлибди.

Озод ака бахтимизга йўқолган саволлар тақдири билан қизиқмадилар. Лекин бари бир кўнглимда ҳижиллик қолди: «Устоз Озод Шарафиддинов тузган саволларга жавоблар қайда-ю, мен қилган суҳбат қайда?»

Устоз биз — икки шогирди «ўзбошимчалигини» бағрикенглик билан кечиргандилар.

Азиз ўқувчим, «Жаҳон адабиёти» журналида ёритилган материаллар орасида яхши баҳо олган, Озод Шарафиддиновга ҳам маъқул бўлган суҳбат қандай экан?» — демаслигингиз ва тасаввурингиз тўлиқ бўлсин учун, уни журнал вариантыдаги сўзбоши билан бирга эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

СУҲБАТГА СУЗБОШИ:

Бу йил буюк немис шоири ва мутафаккири - Иоганн Волфганг Гёте (1749—1832) таваллудига 250 йил тўлди. Гёте, гарчанд, олис Олмонияда яшаб-ижод этган бўлса ҳам, руҳан бизнинг шоир, яъни Шарқ шоиридир. Унинг асарларидаги маъно ва мазмун, ҳис-туйғу миллатимизга мослиги билан ажралиб туради. Шоирнинг «Гарбу Шарқ девони» (Садриддин Салим таржимаси), «Ёш Вертернинг изтироблари» (Янглиш Эгамова таржимаси), «Фауст» (Эркин Воҳидов таржимаси) ва бошқа асарлари халқимиз китоб жавонларидан ўрин олган. Адабиётимизда унинг асарлари қаҳрамонлари иштирок этган ажойиб сатрлар бор:

Сизга талпинаман, одамлар, яна
Ўтмиш муҳаббатга талпингандай жон.
Аммо баъзи маҳал қоламан якка,
Севгиси топталган ёш Вертерсимон.

Абдулла Орипов

Гётенинг «Фауст» асари жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан бўлиб, алоҳида нуфуз ва салмоққа эга. Бугунги кунда унинг ўзбекча нусхаси шоир уй-музейида сақланаётган «Фауст»нинг бошқа тилларга қилинган юзлаб таржималари орасидан муносиб ўрин олиб, нафақат она тилимизнинг, балки маънавиятимизнинг ҳам кўркам бир ифодаси сифатида асралибардоқланмоқда. Уни таржима қилиш «Буюк хизматлари учун» мукофотининг соҳиби (Ҳозирги кунда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири) Эркин Воҳидовга, шубҳасиз, осон бўлмаган. Қолаверса, у бетакрор бўлиб, ижодкорлар учун таржима мактаби ҳамдир. Шуни ҳисобга олиб, «Фауст»нинг таржимони билан мулоқот уюштиришни лозим топдик ва уни сизга ҳавола қилмоқдамиз.

ЎЗИМИЗНИНГ «ФАУСТ»

*(Ўзбекистон Халқ шоири**Эркин Воҳидов билан суҳбат)*

Шукур ҚУРБОН — Эркин ака, халқимиз сизни улкан шоир ва жамоат арбоби сифатидагина эмас, балки таржимонлик соҳасида қилган буюк хизматларнинг соҳиби тарзида ҳам билади, ҳурмат қилади. Бу — бежиз эмас: Ҳофиз Шерозийдан — Сергей Есенингача, Александр Блокдан — Фридрих Шиллергача жаҳон адабиётининг юксак адиблари асарлари сизнинг таржимонлик фаолиятингиз туфайли, она тилимиз хазинасидан муносиб ўрин олган. Лекин ҳаммаси ҳам бир томон, буюк немис шоири Гёте қаламига мансуб «Фауст»дай даҳо асарнинг ўзбекча жаранглаши — бир томон бўлган. Бугун сиз билан шу ҳақда суҳбатлашсак.

Аввало, уни таржима қилишга бўлган иштиёқ, ният ва журъат, қолаверса, имконият борасида сўзлаб берсангиз.

Эркин ВОҲИДОВ — Мен Гётенинг «Шарқу Фарб» девонини ва шеърлар китобини қўлдан қўймай ўқиб юрган кезларимда, агар асар таржима этилса, оламшумул аҳамият касб этади, ўзбек маданиятига катта ҳисса бўлиб қўшилади, деган фикрдан йироқ эдим. Чунки у пайтда эндигина мактаб курсисидан чиқиб, университетда ўқиб юрган чоғларим эди. Шу йилларда қўлимга Сергей Есениннинг шеърлари, сўнгра «Фауст» тушиб қолди. «Фауст»нинг кириш қисмини рус тилида ёд олган эдим. У Борис Пастернак томонидан юксак даражада таржима этилганди. Аслида, бу асарни бир неча таржимонлар рус тилига жуда яхши ағдаришган. Классиклардан Жуковский, Холодковскийларнинг ҳам таржималари бор. Лекин Пастернак уни ниҳоятда юксак даражага кўтарган. Шеърининг шунчалик юксак, сеҳрли бўлиши бизни ҳайратга солган. Чунки ўша пайтларда, Файратий тўғарагида ҳам

бизни Ҳофизу Бедил, Навоийнинг байтлари қулоғимизга кириб, кўнглимизни банд қилиб юрган кунлар эди. Мен, демак, ғарб оламига, ғарб шеърига яқин эмас эдим у пайтда. Масалан, Байронни эшитганман-у, шеърларини ўқимагандим. Лекин кейинчалик немис классикларидан Генрих Гейне билан Гётенинг асарларига ошуфта бўлиб қолганман.

Ўша пайтларда, пахта теримларида талабалик давримда дастлабки таржималарни қоралаганман. Сергей Есениннинг «Форс тароналари»ни бир зарб билан таржима қилган эдим. Ва Гётенинг «Фауст» асаридан кириш қисми ҳам шундай бўлган эди. Хабарингиз бор, бу буюк асарни шоир бир кам олтмиш йил ёзган. У одам кўп узоқ умр кўрган ҳам. «Фауст»нинг кириш қисмини, асарни тугатгандан кейин ёзган.

Ш.ҚУРБОН — Эълон қилинганмиди бу «Кириш» қисми сизнинг таржимангизда? Алоҳида ҳолида ўқимаган эканман.

Э.ВОҲИДОВ — У пайтларда эълон қилинмаган. Лекин ният қилиб юрардимки, бир кун келиб, шу «Фауст»ни таржима қиламан, деб. Негаки, Есениннинг кичкина бир китобини чоп этиш мен учун ниҳоятда азоб бўлган. Ўзингиз биласиз, бизнинг Ўзбекистонда китоб чиқариш қанақа қийин эди. Кейинчалик директор бўлиб нашриётда ишлаган пайтларимда бу жараённинг қандай оғир эканини ҳис қилганман.

Ўн саккиз-йигирма минг мисралик асар — «Фауст»ни босиб чиқариш мумкин эмасди. Буни мисол билан исботлаб ўтай: ўша Сергей Есенинни кичкина китоб қилишни ният қилиб, нашриётга олиб келганимда, «жуда қийин, келажак режамизга киритишимиз мумкин. Лекин уни Зулфия опа таржима қиламан, деган», маъносидаги жавобни олганман. Қаранг, шунда мен журъат қилиб, ўртоқларим орқали, ўз машъқ тажрибаларимни Зулфия опага кўрсатганман. Шунда Зулфия опа жуда катта ҳиммат билан айтганларки, «Мен яхши кўрардим, мен ҳам Есенинни таржима қил-

моқни ният қилгандим, лекин сизнинг таржималарингизни кўриб, бу ишни ўзим амалга оширгандай қаноат ҳосил қилдим. Мен эмас, сиз буни таржима қилинг», дедилар. Кейин Зулфия опанинг оқ фотиҳалари билан бошқа шеърлари ҳам қўшилиб, Сергей Есениннинг илк китоби дунёга келиб қолган.

Энди, буни қарангки, оралан маълум бир вақт ўтгандан кейин бизнинг адабиётимиз майдонида шундай бир гоё пайдо бўлди, зероки ўша пайтдаям халқимиз маданияти ривож учун катта-катта асарларни таржима қилиш керак, деган фикр билан яшаган одамлар бор экан юқори ташкилотларимизда. Нашриётимизнинг ўн ва йигирма йиллик режаси тузилди. Бу режага жаҳон мумтоз адабиёти намуналари — Фирлавсийнинг «Шоҳнома»си, Дантенинг «Илоҳий комедия»си, «Декамерон»лар, Бальзак асарлари, Шекспирнинг драмалари киритилди, хуллас, катта бир рўйхат тузилди ва бу режа катта даргоҳларда тасдиқланди.

Ўша пайтларда адабиётда ҳали жудаям ўрнимни қозонган эмасдим, лекин озгина шуҳратим бўлса, жанжалли шуҳрат бўлганди: «Ёшлик девони»дан кейинги пайтлар. Шеърларим бошқа жойларда бир оз тўхтаб қолганди. Шунда нашриёт директори ёнига кирдим-да: «Агар шу қатордаги асарлардан бирортасининг таржимасини раво кўрмоқчи бўлсангиз, «Фауст»ни беринг. Шу шарт биланки, мени ишдан озод қиласиз!» — дедим.

Ўша кезлар мен туфайли нашриёт директори ва бутун раҳбарият гап эшитиб турган пайт эди. Менга қанақа жазо бериш лозимлиги тўғрисида ўйлаб юришган вақтда, таклифим уларнинг жонига ниҳоятда ора кирди, бир ўқ билан икки қарғани ургандай бўлдилар: демак, ҳам ишдан бўшатдилар, ҳам катта бир иш билан таъминладилар. Шу баҳонада китобни таржима қилишга киришдим. Ва беш йил ҳеч қаерда ишласанмасдан, ҳеч қандай бошқа асар ёзмасдан шу ишни

амалга оширишга киришдим. Бошқа газета-журналларда тўхтатиб қўйилган асарларим нашри борасида ҳам қизиқмай, дўст-биродарларни ҳам тинч қўйдим. Нашриётларга ҳам қадам босмадим.

Ш.ҚУРБОН — кўп нарса эвазига бўлибди-да бу!

Э.ВОҲИДОВ — Ҳа, кўп нарса эвазига бўлган. Ва йиллар эвазига - «Ёшлик девони» 1969 йилда чоп этилган бўлса, «Фауст»нинг таржимасини 1970 - 1975 йиллар орасида амалга оширдим. Асарнинг ўзи олтмиш йил ёзилган бўлса, таржимасига беш йил умрим кетди. Агар эътибор берган бўлсангиз, 1970-1975 йиллар ижодимда оқ саҳифалар бўлиб қолади. Босилган икки жилдигимда ҳам, тайёрланаётган уч жилдигимда ҳам шу йиллар бўшлиқ бўлиб қолган. Тўғри, шу даврда йилига бир-иккитадан шеърлар ёзилган. Лекин кучқувватнинг тўқсон тўққизи, яъни юздан тўқсон тўққиз фоизи «Фауст» таржимасига кетган.

Ш.ҚУРБОН — Эркин ака, шу фикрга қўшиласизми: шоир икки йил давомида баъзан йўқдан бор бўладими? Мана, Усмон Носир Тошкентда бор-йўғи икки йил яшаган, ижод қилган, асарларини чоп эттирган. Лекин шу икки йил ичида республикаимиз адабиёти майдонида классикка айланган. Демокчиманки, шу имкон унга етарли бўлди. Сиз ҳам шу кетган беш йил ичида «Ёшлик девони», «Тирик сайёралар» ёки «Рухлар исёни»га ўхшаган янги, ўзига хос асарлар яратишингиз ҳам мумкин эди-ку! Сиз ана шундай имкониятдан кўз юмиб, ижодий қувватингизни шу юмушга сарфлагансиз.

Э.ВОҲИДОВ — Шукурбек, агар бу асарни таржима қилмаганимда, батки «Ёшлик девони»га ўхшаган яна учта китоб ёзармидим. Ўша пайтда «Олтин девор»га ўхшаган бир нечта драмаларни миямда пишיתיб қўйгандим. «Фауст»нинг таржимаси билан банд бўлиб, улар ҳам қолиб кетди. Ёзилмади. Бошқа ғазалларим, дostonларим - ҳаммаси қолиб кетди. Энди, биласизми, йўқолган

пичоқнинг сопи олтин, дегандай, ўша пайтда ўйлаган нарсаларим - ўша пайтдаги ҳаяжонларим, эсласам, юрагим жизиллайди. Лекин менда битта таскин бор, кичкина иш бўлмади бу ҳам. Балки буни ўша пайтда, балки ҳозир ҳам, кўтда қадрига етмаётган бўлса, вақти келиб бу нарса қадрланар. Чунки мен халқимизнинг жуда кўп қисми то шу кунгача ҳам «Фауст»ни ўқишга тайёр эмас, деб ҳисоблайман. Шундоқ, деб ўйлайман. Чунки биз ўша совет замонида — узоқ вақт ихотада сақландик. Биз дунё адабиёти деганда фақат рус адабиётини тушундик. Русларнинг ўзидан ҳам кўра, рус адабиётини биз яхшироқ биламиз. Биз ўзбек мумтоз адабиётини ҳам ҳали тўла ўрганганимиз йўқ. Тарихимизнинг ҳам бир қисмини биламиз. Лекин Байроннинг шеърляти, Шекспир олами, Гётенинг олами биздан узоқ бўлиб қолган. Айниқса, мен оламга чиққанимда, дунё бўйлаб юрганымда катта бир дунёдан бебахра қолганимиз алам қилади, бу — юнон ва рус адабиёти. Қадимги афсоналар, ҳар афсонанинг қаҳрамонлари, тангрлари — улар дунё мактабларида ўқитилади. Ҳамма билади — Гўзаллик тангриси ким, Уруш тангриси ким, Муҳаббат тангриси ким. Буларни билмаган одам йўқ. Лекин бизларга мактабда буларни ўргатишмаган.

Ш. ҚУРБОН — Чалғитишган-да!

Э.ВОҲИДОВ — Ҳа, шундоқ. Уларнинг ўрнига бошқа нарсаларни ўргатишган. Бу ҳам ёмон бўлмаган. Толстойни, Чеховни билганимиз яхши, лекин дунё адабиёти, бу рус адабиёти эмас-да! Мен Пушкин шеърларини ёддан биламан, «Евгений Онегин»ни мен бир пайтлар ёд ўқирдим. Мен бу шоирни яхши кўраман, буюклигини тан оламан. Лекин нега бизнинг кўчаларимизга Гоголь, Пушкин, Толстой номлари қўйилган-у, бошқа буюклар, масалан, Байроннинг номи қўйилмаган? Нима учун Шекспирнинг, Гётенинг номи йўқ? Шунақа саволлар менга шу кунгача ҳам тинчлик бермайди. Бизнинг оламга чиқадиغان пайтимиз, мана, энди келди. «Фауст»ни

таржима қилган пайтимда биз ҳали оламга чиқмаган эдик. Ўқувчиларимиз бунга тайёр эмасди. Бу китобнинг катта шуҳрат қозонмагани бежиз эмас. Мен биламан буни. Менинг ўқувчиларим учрашувларда, бирор ерда шу асардан - «Фауст»дан таржима-парча ёд ўқиб бергани йўқ. Достонларимдан парча ўқишадди, драмаларимдан саҳналар кўрсатишадди, хусусан, «Олтин девор»дан, шеърларимни ўқишадди. Лекин мен интизор бўламанки, бирорта жойда «Фауст»дан парча ўқишса, деб. Ахир, унда ёд ўқиса бўладиган шунақанги жойлар борки... Билмадим - бу китобни кимлар охиригача ўқиган экан. Сотиб олишгандир, жавонларига қўйиб қўйишган бўлиши ҳам мумкин, лекин охиригача ўқиганларнинг сони унча кўп бўлма-са керак. Шунинг учун ҳозир юрагимда бир армоним бор - халқимизнинг шу китобни ўқиш даражасига етганини кўриш! Мақтанамиз: «Буюк Навоийнинг шунча жилд асарларни чиқардик», деб, биз Дантени нашр қилдик. Байронни, Гётени... Китобларимиз жавонларини безаб турибди, минг марта шукр — шунга етиб борганимизга. Чиқарганимизга. Лекин у қалбимизнинг мулкига айланмаса, булардан бир тийинлик фойда йўқ. Улар халқимизнинг қалб мулкига айланиши керак. Мана, энди, худо хоҳласа, шундай замонлар келади, деб умид қиламан.

Ш. ҚУРБОН — Эркин ака, сиз «Фауст»даги ана шу юнон афсоналари ва ривоятларини таржима қиларкансиз, қалбга яқин қилиб жонлантиргансиз, кўрга ҳассадай қилиб, изоҳларини ҳам келтиргансиз. Лекин сиз Шарқ шоирисиз, шарқона руҳ бағишлагансиз асарга. Умуман, ўзи Гёте Шарққа қаттиқ ихлос қўйган шоир бўлганлигини биламиз. Шарқ шоири, Шарққа ихлос қўйган шоир асарини таржима қилганида қандайдир енгиллик бўлган, шекилли. Асарда шундай сатрлар борки, уларни ўзимизнинг Гёте ёзгандай, мана, эсланг:

«Кимга интилмоқ ёрдир,
Ҳақ ўзи мададкордир».

Бундан ташқари, «Фауст»да Шарқ ривоят ва афсоналаридан ташқари, пайғамбарларимиз тўғрисида, масалан, Аюб пайғамбаримиз ҳақидаги каби, гаплар бор. Исломиё фалсафа ҳам мавжуд.

Э.ВОҲИДОВ – Биринчи навбатда, менинг Есенинга ҳам, Гёттега ҳам муҳаббатим – болаликдан, Шарқ шеърятига бўлган ихлосим туфайли, деб билман. Шунинг учун қалбимга яқин бўлганки, мен шу маданият руҳиятида тарбия топганман. Мен катта бўлган уйга кўп ҳофизлар, шоирлар йиғиларди. Улар форс ва турк тилида яратилган шеърятни ўқиб, баҳс қилиб туришарди.

Ш.ҚУРБОН – Асл нусхада ўқишармиди?

Э.ВОҲИДОВ – Асл нусхада ўқишарди. Форс тилида. Бедилхонликлар ҳам бўларди. Бу мисрада шоир нима деган, нима демоқчи, деб неча хил талқинлар қилишарди – шулар қулоғимда қолган.Замонанинг энг зукко одамлари эди улар. Эндиликда эса, Саъдийни ўқиб тушунадиган, Бедилни шарҳлайдиган одамлар жуда кам қолди. Энди уларни тушуниш учун, биринчидан, Қуръони Каримни, Ҳадиси Шарифларни билмоқ керак. Мусулмончиликдаги кўп ривоятларни англамоқ керак. Ўша шоирлар ижод қилган пайтда, ўша ривоят ва ҳикматларни ҳамма билган. Улар бирон-бир рамз ишлатишса, нимага ишора бўлаётганини халқ тушунган. Кўп давраларда бир масала юзасидан устоз Алихонтўра Соғунийга мурожаат қилганимни айтиб юраман. Фузулийнинг бир байти бор:

Бу ғамларким, маним вордур,

баирнинг бошина қўйсанг,

Чиқар кофир жаҳаннамдан,

кулар аҳли азоб, ўйнар.

Бунинг мазмуни шуки, «менинг шундай ғамларим борки, агар туянинг устига қўйсанг, кофир жа-

ҳаннамдан чиқиб, аҳли азоб ўйинга тушади». Маъносида боғлиқлик йўқдек, шоирнинг азобларини туянинг устига қўйиш билан, кофирнинг жаҳаннамдан чиқиши ўртасида қанақа муносабат бор? Мен кўп домлаларимга мурожаат қилдим. Баъзилари бу хато кўчирилган деб ҳам айтишди. Энг зукко домлаларимиздан биттаси: «Буни, албатта, Шомурод котиб кўчирган, Шомурод котиб ўзи кўп хато қиларди», - деган гапларни ҳам айтди. Мен шуни Алихонтўра Соғунийга айтганимда, даврадагиларга мурожаат қилиб, «шуни шарҳ қилиб беринглар бирортанглар», деди. Улар ҳам кўп уриниб, шарҳ қилиша олмади. Шунда у киши Фузулийнинг шаънига, руҳи покларига дуо ўқиғач, Куръони Каримда шундай оят бор деб, оятни ўқиб бердилар. Ва у оятнинг мазмунини айтдилар: «Сўрадиларки, кофир-ку жаҳаннамга тушади, лекин жаҳаннамдан кофир йиллаб ўтиб, асрлар ўтиб чиқадими? Шунда жавоб бўлдики, агарда туя игнанинг тешигидан ўтса, кофир жаҳаннамдан чиқади. Демак, «кофир — жаҳаннамдан чиқмайди», деган фикр шундоқ ифодаланган экан, яъни туя игнанинг тешигидан ўтадиган ҳолга тушса, кофир жаҳаннамдан чиқаркан».

Фузулий айтибдиларки, менинг шундай ғамларим борки, агарда бу ғамларим туянинг бошига тушса, у ипдай бўлиб озиб, игнанинг тешигидан ўтиб кетадию, кофир жаҳаннамдан чиқади. Байтда ўшанга ишора қилинган экан. Бу ерда Куръони Каримда шундай дейилган, деб изоҳ берилмаган. Чунки у вақтда олим одамларнинг ҳаммаси буни билган. Биз - бебаҳралар эса, буларни шарҳлай олмаймиз. Тагига етолмаймиз. Бундай дурдона шарқий хазинамизда ҳам, ғарб шеъриятида ҳам беҳисоб.

Ш.ҚУРБОН — Ўрта йўлда қолган авлод эканмиз-да.

Э.ВОҲИДОВ — Ҳа, дунё бошқа ёққа қараб, биз бошқа ёққа қараб кетдик: қоронғулик дунёсига. Мен,

масалан, коммунизм ғояси билан яшаган замонни жаҳолат дунёси, жаҳолат олами, деб биламан. Фақатгина жаҳолат. Чунки бу – халқимизни ўзимизнинг классикамиздан беҳабарликда тутиш даври бўлди. Бизга фақатгина марксизм-ленинизм фалсафасини ўқитиш, фақатгина шу йўналишдаги фикрларни онгимизга сингдиришганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир. Жаҳон фалсафасини билмаймиз. Фалсафа, деганда, фақатгина Марксни, Ленинни тушунганмиз, Энгельсни ўқиганмиз. Ва уларнинг учта манбаи бўлган – Фейербах ва ҳоказо, деган гаплардан нари ўтмаганмиз. Дунёда бошқа файласуфлар ҳам бўлганлиги, буюк Фрейдлар, Ницшелар ўтганини эшитганмиз холос, улар фалсафасидан йироқ бўлганмиз.

Шунинг учун айтаманки, мустақиллик бизга жуда катта имкониятлар берди, жаҳон дарвозаларини очди. Лекин бу юксакликларга кўтарилишимиз учун бизга кам муддат берилган. Мана, куни кеча Президентимиз «XXI аср остонасида турибмиз, лекин жаҳон даражасига кўтарилишимиз учун, жаҳоннинг илғор мамлакатларига етиб олишимиз учун жуда оз вақт берилган», дея таъкидладилар. Зеро биз икки юз йил, беш юз йил давомида бошқалар эришган ютуқларни жуда оз муддатда қўлга киритишимиз керак. Тарих бизга жуда кам вақт ажратган. Уша муддатда биз ўз камолотимизга эришишимиз, савия ва мавқеимизни юксалтиришимиз керак.

Ш. ҚУРБОН – Халқимиз буюк асарларни ўқишга сиз «Фауст»ни таржима қилган пайтингизда тайёр эмас эди, ҳозир ҳам тайёр эмас. «Жаҳон адабиёти»дай зўр журналнинг чиқаётгани-ю, даҳо асарлар таржима қилинаётган бугунги жараёнга қандай қарайсиз? Ёки ҳозир таржималар қилинаверса, бир кун келиб ўқилади, деб ўйлайсизми? Қолаверса, давр ўқувчиларимизни шундай савияга олиб келган экан, албатта, оммани назарда тутяпман, ҳозирча буюк «Фауст»ни тушунмаганлардан хафа бўлмасак ҳам бўлар экан-да.

Э.ВОҲИДОВ — Бунга шундай жавоб қилишим мумкин: Британия миллати вакили билан гаплашганимда, у шундай савол берди:

— Қани, сиз кўнглингиздаги гапни, ростини айтинг, мамлакатингизда демократия борми, йўқми? Очигини, виждонан гапиринг.

— Мен яшаган замонга солиштирсам, бор. Лекин сиз яшаб турган мамлакатга қиёсласам, бу фикримни дадил айтилмаслигим мумкин, — дедим. Шунда у одам нима дейди, денг:

— Жаноб Воҳидов, сиз яна нима истайсиз, менинг еттинчи бобом демократия шароитида яшаган. Сиз эндигина етти йил яшаяпсиз. Сиз яна нимани орзу қиласиз?

Энди бу ҳолатни қарап, мен унинг мамлакатига солиштириб, демократия йўқ, деб, сал орттириброк гапирдим, энди у эса, «сиз энди етти ёшга тўлдингиз-ку» деб жавоб беряпти.

Инсонни руҳан ўзгартириш кўп вақт талаб қиладиган нарса. Биз ташқи ўзгаришларни яққол тасаввур қиламиз. Масалан, мустақилликдан олдин Тошкентга келган одам, кейинги янгиликларни яққол сезади. Масалан, бозорларда ҳам, одамларнинг муносабатларида ҳам кўринади бу ўзгаришлар, бу янгиликлар. Лекин руҳий оламимизда, онгимизда тубдан ўзгариш яшаш ва жаҳоний миқёслар даражасига кўтарилиш — бу, энди, беш-ўн йилда бўладиган иш эмас. Лекин бунинг учун юз йилларни кутиб яшаш ҳам мумкин эмас, албатта. Демак, комил одамни тарбиялашимиз учун мана шу катта адабиёт кўп иш қилиши керак. Ҳукуматимиз кўп ишларни амалга оширяпти. Мана, бир томонда Ислон университети, бир томонда маънавият соҳасида қилинаётган ишлар, янги-янги жамиятларнинг тузилаётганлиги, Ал-Фарғонийлар, Ат-Термизийлар хотираларининг эъзозланиши, уларнинг маънавий меросларининг қайтиб

келиши - катта гап. Энди бизга Фарб дунёси ҳам кириб келади. Худо хоҳласа, бу дунёни ҳам биламиз.

Ҳали бир савол бердингиз - Шарқу Фарб масаласида. Менинг руҳиятимда Шарқ шеърияти бўлмаганида, Гёте билан Есенинга мурожаат қилмаган бўлардим. Уларнинг руҳиятида Шарқ олами бор. Уларнинг баъзи сатрларини ўқиганимда мусулмон оламига, Шарқ дунёсига катта ички меҳри борлигини, шуларни билишга интилиш мавжудлигини кўраман. Гётенинг ўз таъбири бор, у Шарқ олаmidан еттита юлдуз - Саъдийларни, Ҳофизларни санаган, шулар қаторида Навоийни ҳам келтирган-да, «мен уларнинг соясига ҳам арзимаيمان» — деган. У жаҳон шеъриятида етти юлдуз деб тан олган даҳоларнинг ҳаммасини Шарқдан санайди. Ўзи шунча иш қилган бўлса ҳам. Кейин, Гёте сингари адибларнинг дунёқараши битта-иккита дин билан чегараланиб қолмайди, масалан, христианлик, буддизм каби. Йўқ, улар жуда кенг миқёсда фикр юритадилар. Лекин улар Шарқ оламининг тафаккурини, маънавий дунёсини, инсонийлигини ниҳоятда ўзига сингдирган ва жуда катта меҳр билан, жуда катта муҳаббат билан, жуда катта ҳурмат билан Шарққа қараган шахслардир. Шунинг учун ҳам, мен бу асарни меҳр билан таржима қилдим.

Тўғри, ҳар хил руҳиятли шоирлар бор. Уларни ҳам мен рад этмайман. Шарқимиз руҳиятига мос келмаса, ўзларининг руҳига мутаносиб. Уларни ҳурмат қиламан, лекин асарларини таржима қилолмайман. Чунки биз бошқачароқ руҳият билан тирикмиз. Шу боисдан ҳам, «Фауст» таржимаси дунёга келди ва мен учун катта мактабга айланди. Айтишим мумкинки, орттирган тажрибам «Руҳлар исёни» дostonимнинг юзага келишига сабабчи ҳам бўлди. «Тирик сайёралар» китобимнинг ёзилишида ҳам унинг таъсири бор. Шунинг учун бу асар таржимасига кетган вақтимга асло ачинмайман. Шунинг ҳам айтиб қўйишим керак.

Мен ёзганларим ва таржима қилган асарларимнинг бирини ортиқ, бирини кам кўрмайман. Уларни тарозунинг икки палласига бир хил кўз билан қараб, қўяман. Мен худди шундай ҳолатга Миртемир домла ижодида ҳам гувоҳ бўлганман. Мен у инсонни фақатгина шоир сифатида эмас, балки бир фидокор, ўзбек адабиёти, маданиятининг ифодачиси бўлган устоз сифатида ёдлайман. Ва у киши ўзининг ижодига кетиши мумкин бўлган куч-қувватини Пушкин, Некрасов, Шота Руставели, Насимийлар таржимаси учун сарф этиб, таржима асарлари билан маънавиятимизни бойитишга катта ҳисса қўшган.

Халқни бошқа адабиётлар билан ошно қилиш шоир учун жуда катта шараф. Буни ҳар бир шоир билиши керак. Бу, биринчидан, унинг ўзи учун жуда катта имконият ҳамдир, яъни бошқа шоир ижодхонасига кириб бориш ҳисобига, у билан гаплашади. Ўша шоир ва таржимон ўртасида қандайдир кўприк пайдо бўлади. Шундай бир юксак илҳом дақиқаларида шоир-таржимон асар муаллифига айланиб қолади. Мен «Фауст»ни таржима қилаётган пайтимда Гётега «айланиб қолган» дақиқаларим бўлган. Бу бир умрга арзийдиган дақиқалардир.

Яна бир гапни айтай, мен асарни таржима қилиб бўлганимдан кейин, 1975 йилда, бир деҳқон йигит ижодий учрашувда шундай савол берди:

— Эркин ака, сиз «Фауст»ни таржима қилдингиз, Есенинни таржима қилдингиз, Навоийни қачон таржима қилиб берасиз?

Бу гап менга шунақа қаттиқ таъсир қилдики, ҳануз ўша ҳолат эсимдан чиқмайди. Қарангки, Навоийни ўзбек тилига таржима қилиш керак, дейиш даражасига етиб борибмиз. «Навоий бизнинг тилимизга асос солган, адабиётимизга асос солган», деб ёзамиз. Навоийни ҳатто қизғониб, ўзимизнинг шоир — ўзбек шоири, тилимизни турк тили дегани билан, у усмон-

ли туркники ёки озарбайжонники эмас, бошқаники эмас. Уни Афғонистонда, Ҳиротда яшаган ўзбек, деб биламиз. Аммо номини нафақат кўчаларга, вилоятларга ҳам қўйибмиз-у, унинг асарларини кенг дунёга ташвиқ қилибмиз-у, ўзимиз эса, унинг теранлиги даражасида англай олмабмиз. Халқ маъносида, кенг халқ маъносида билмабмиз. Мен афсус билан айтаманки, жуда кўп олимларимиз ҳали Навоийни тушуниб етмайди. Шукурбек, адабиётшунос олимларимиз, шоирларимиз Навоийни билмайди. Биз унинг асарларидаги теранликни англамасак, унинг бизники, ўзимизники бўлгани-ю, кўчаларга номини қўйганимизнинг қандай нафи бор. Ҳофизларимиз унинг сўзларини яхши тушунмай, нотўғри талаффуз қилиб айтса, бошқаларнинг ғазалларини унга нисбат бериб куйласа, «аробий гуфтаам ар-ар...» — деб. Бу қандай савдоки, унга таъзим қилсаг-у, ўзини англамасак.

Инглиз Шекспирни тушунмай қолган кун — инглиз учун фожиа. Рус Пушкинни англамай қолган кун, бу — руснинг фожиаси. Минг афсуски, биз ҳазрати Навойдан бу қадар узоқлашиб қолибмиз...

Энди, таржима қилиниб, халқимиз маънавий мулкига айланган «Илоҳий комедия», «Отелло», «Ҳамлет», «Фауст»лар бизни, улар ҳақида гапирадиган бўлсак, жаҳон маънавиятига бир қалар яқинлаштиради.

Мен ҳозир яна бир нарсани кўп ўйлайман. Тўғри, шу кунларда китоб чиқариш қийин. Бир пайтлардаги имконият туфайли дунё юзини кўриб қолган бу китоблар ҳозир кутубхоналарда бор. Мен жудаям истардимки, уларнинг ҳаммасини бўлмаса ҳам, бир қисмини ўқиб мушоҳала юритсалар. Лекин айтиб қўяй, ўша пайтларда мен ҳам ҳозиргидан ёш эдим, балки баъзи ўринларда шарқ оламига хос истилоҳларни қўллашда у даражада маҳорат кўрсата олмагандирман. Ўша пайтда таржима муҳокамасига келган раҳматли Воҳид Зоҳидов бир гапни айтган эдилар:

— Китобнинг ҳаммасини ўқиб чиққаним йўғ-у, бир жойига қарадим, «сначала была слово» деган жойи бор эди. Шунини Эркинжон нима деб таржима қилган экан, дедим. Ва ўша жойини ўқидим, «дастлаб калом бўлган» дейилибди. Агарда «аввал сўз бўлган» ёки «аввал гап бўлган» тарзида таржима қилинганида, мен бу китобни ўқимаган бўлардим, бу ерга келмаган ҳам бўлардим. Йўқ, у тўғри ва топиб таржима қилибди, ҳақиқатан «дастлаб калом бўлган» тарзида ўзбекчага ағдарилиши керак эди. Қойил қилибди. Шунини билдиргани келдим.

Академик одам таржиманинг бир сатрини ўқиб, атайлаб келганига мен хурсанд бўлдим. Ҳаммасини ўқимаган бўлсалар ҳам.

Раҳматли Асқад Мухтор, буни аслига солиштириб, кўп эътибор билан ўқиб бергандилар. Кўп яхши гапларни айтгандилар.

Энди мен, мана, йиллар ўтиб, ҳозирги кўз билан қараб, таржиманинг анча жойларида камчиликлар борлигини сезаман. Лекин жуда катта, улкан меҳнат сарфланганини ҳам кўраман. Ёшлиқ қуввати, илҳом билан меҳнат қилганимни ҳис этаман. Ва баъзи ўринларини илмий жиҳатдан тўлиқ англамаган бўлсам ҳам, руҳан туйганимни сезаман. Тўғри хулосага келиб ёзганимни биламан. Бир-икки немисшунос олимлар «Фауст»нинг рус тилидаги ва ўзбек тилидаги таржималарини чоғиштириб кўришганида, ўзбек тилидаги таржима оригиналга яқинроқ эканлигини айтиб, мени ҳайратга солишганди. Ҳолбуки, мен уни русчадан таржима қилганман. Демак, мен бошқалардан кўра Гётега кўпроқ яқинроқ борибман, баъзи ўринларда Гёте бўлиб кетибман. Бу сал нокамтарликка ўхшаб кетади, лекин одам ўз меҳнати самарасини бошқалар кўзи билан кўрганда, янада яққолроқ ҳис қилса, бунинг нимаси ёмон?

Яна бир гапни айтай, «Фауст»ни таржима қилиш учун немис тилини ўрганмоқчи бўлдим, бир оз уриндим ҳам. Лекин ўйлаб қарасам, Гётени ўрганиш учун немисчани ўрганиш етмас экан, ҳатто немис бўлиб туғилиш ҳам камлик қиларкан. Аввало, бу ишга руҳан кириб боришим кераклигини ҳис этдим. Гап унинг тилида, сўзида эмас экан. Мен шунда бир нарсани англадимки, шеърят — айтилган сўзлару ёзилган сатрлардагина эмас, ўша сўзлар, ўша сатрларнинг тагида ётган руҳий дунёда экан. Агарда мен сўзларни эмас, сўзлар тагида ётган руҳий маънони, руҳиятни ифода қилолган бўлсам, бахтлиман.

Ш. ҚУРБОН — Икки тоифа шоирлар ва ўқувчилар бор, улар ўзлари ёзган ёки ўқиган асарларини ҳамма тушунмаса ҳам хурсанд бўлаверишади. Баъзи бир ижодкорлар ҳатто келажак авлодлар учунгина ёзишади. Сизнинг «Фауст»ингизни ҳам кўпчилик ўқимаган бўлса, балки хафа бўлиш керакмасдир? Негаки, «Фауст» ҳам, балки кўпчилик ўқимайдиган, омма ўқимайдиган ижод намунаси дир?

Э. ВОҲИДОВ — Тўғри, шеърятни ҳамма тушунавериши шарт эмас, деган қараш бор. Сараланган одамлар ўқишини истайдиган ижодкорлар ҳам бор. Шундай шоирлар ҳам борки, улар Евтушенкога, Вознесенскийга ўхшаб, минбарлардан шеър ўқишни ёқтирмайдилар. Нафақат ёқтирмайдилар, уларга ўхшаб, уларникидек шуҳрат қозонишни хоҳламайдилар. «Мени ўнта одам чин қалбдан суйиб ўқиса, мен — бахтиёрман», — дейишади улар. Бу ҳам яхши гап. Ўнта одамни маънавий юксалтириш осонмас. Бизнинг ҳам, ҳалиги гап рус шоирлари тўғрисида эди, шунақа ўнта мухлиси бор шоирларимиз бор. Бу ҳам яхши. Балки юзта мухлиси бордир. Лекин биринчи марта шеърятга кириб келган пайтимда ниятим сал бошқачароқ бўлган. Шеърят дунё даражасига, адабиёт даражасига чиққан пайтдагина катта шеърят

бўлади, деб ўйлайман. Агарда шеъринг адабий даврлардагина ўқиб юрилса, бу ҳам бир катта гап, умуман, шеър ёзишнинг ўзи яхши иш — шеър ёзмагандан кўра, тўрт қатор-беш қатор шеър ёзиб, ён дафта-рида олиб юрадиганларни ҳам жуда ҳурмат қиламан. Бир вақтлар менга «агарда шоир бўлмасангиз, ким бўлардингиз?» деб савол беришганди, ўйлаб-ўйлаб: «Бошқа касбни қилсам шеър ёзадиган, уларни китоб қилиб чиқаролмасам ҳам, ўзим ёзиб-ўзим ўқиб юрадиган, девона шоир бўлардим», дея жавоб қилгандим. Ҳатто биргина ўқувчиси, яъни унинг ўзи бўлади баъзи шоирларнинг, уларга ҳам катта ҳурмат билан қарайман. Лекин шеърият умумхалқ мулкига айланса, уни деҳқон ҳам ўқиса, академик ҳам сеҳридан баҳраманд бўлса, ҳар бири ўзлари даражасида тушуниб етса, мен ўша шеъриятни ҳурмат қиламан.

Ш. ҚУРБОН — Айни чоғда, уни бошқа халқлар ҳам ўқиса...

Э. ВОҲИДОВ — Ҳа, Шукурбек, уни айни чоғда бошқа халқлар ҳам ўқиса! Ҳар бир халқда озгина одамлар баҳраманд бўладиган истеъдодлар бор, лекин яна шундай шоирлар ҳам ўтганки, улар кўпчилик учун хазина яратишган.

Яна шундай шоирлар борки, гарчи кўпчилик ижодига ҳурмат билан қарайди — сеҳрланади, халқ ҳам ўқийди. Шеъриятда шундай бир сир борки, гарчи мазмунига тўлиқ тушунмасанг ҳам, «шунда бир гап бор», дейсан. Ақлинг охиригача етмаган нарсанинг жодусига боғланиб, ўзинг ўшанга асир бўлиб қоласан. Ана шу нарса Бедилда ҳам бор. Гоҳида унинг мазмуни тагига чуқур етиб бормайсан, лекин сеҳрига ошуфта бўласан. Мен бунақа шеъриятни ҳам ниҳоятда қадрлайман. Лекин бари бир, шеърият замондош учун ёзилади. Йиллар ўтади, асрлар ўтади, мен гоҳида ўйлайман: бизнинг қоладиган нарсамиз борми? Ахир, шоир ўз замонасининг овозини, нафаси-

ни бериши керак-да! Ҳазрат Навоийни бугун ҳам ўқияпмиз. Бошқа буюклар китобларини ҳам ўқиб, руҳимиз таскин топяпти. Бир вақтлар келиб, XX аср сўнгида ўзбек адабиётида «мана шунақа шоирлар ўтган экан, булар ҳам бир нарса деган экан», деб таскин топишармикан, деган турфа хаёлларга бораман. Шу маънода бугунги кўп гаплар нисбий. Масалан, бугун оммавий бўлиб ўқиладиган нарса эртага, балки юз йилдан кейин, ҳа, юз йил нима бўпти, ҳеч нарса эмас, ҳатто минг йил ҳеч нарса эмас, ўтади-кетди, ўқилмай қолиши ҳам мумкин. Ўша вақтда инсон кимни ўқийди? Балки биз танимаган, балки шоир деб ҳисобламаган шоир ўша вақтларга қолар, балким. Нимаси биландир, ўзи билан ўзи девона бўлибми, ўзи ёзиб, ё китоб чиқариб, ё китоб чиқармасдан, қаерлардир шеърлари босилиб, ё босилмай, шукр қилиб юрган шоир олис келажакка етиб борар. Биз ҳали буни билмаймиз. Биз ғофил одамлармиз.

Боқийлик нима эканини инсон тўла тасаввур қилолмайди. Чунки боқийлик бошқа нарса-ю, инсонга берилган умр ва ақлнинг даражаси - бошқа нарса. Лекин халқимизнинг ҳозирги кундаги даражаси - имкониятлари билан баланд. Ахир, дунёнинг қайсидир жойида юлдузларга кемалар юбораётган халқлар бор, бир томондан эса: белига барг тақиб, камон осиб, ярим яланғоч ов қилиб, қандайдир бир чангалзорларни макон қилган қабилалар ҳам бор. Шу икки катта уфқ орасида бизнинг халқимиз қайси ўринда? Қандай бир даражадамиз бу маконда? Кийимларимизга қараганда, «маданият оламига жуда яқинга ўхшаймиз, руҳиятимиз жиҳатидан анавиларга яқинмасмизми? — деб ўйлайман баъзан. Ўқ-ёй тақиб юрадиганларга ҳам баъзи бир жиҳатдан гоҳо ўхшаб кетмаймизми? — дейман. Шунинг учун мен халқимга ҳамиша камолот тилайман. Шу замонда яшаб турганлар орасида юксак фикрлилардан бўлишини, шун-

дай даражага эринишини ва китобга, жаҳон адабиётига муносабати, маданиятга муносабати юксак бўлишини орзу қиламан.

Ш.ҚУРБОН — Эркин ака, суҳбатингиз учун каттадан-катта раҳмат. Илоҳим, «Фауст»ни таржима қилган чоғингиздагилек катта илҳом сизни тарк этмасин. Қанчадан-қанча улуғ китоблар тургандир хаёлингизда — сиз таржима қилмоқчи бўлган. Яна баъзи бир йилларингизни ўшаларни таржима қилишга ҳам сарф этишингизни мухлисларингиз номидан сўрайман. Халқимиз, шу жумладан, ўқувчиларингиз ҳам ният қилганингиз даражасида юксалсин.

Э. ВОҲИДОВ — Мен ҳам сизга ва азиз мухлисларга Гётенинг умрини тилайман. Гётенинг ғайратини тилайман.



* * *

Яна ўйласам, изланишларимиз каби гофиллигимизда поёнсиз экан. Сўзни эшитамиз, сўзлашни қотирамиз, лекин Сўз мағзини чақиш аксар хаёлимизга келмайди. Нега шундай деймиз, дея ўзимизга савол бермаймиз. Бу синоат тўла олам бамисоли олисдаги юлдузлардек ноаён қолаверади.

* * *

Адабий ижод ҳамиша Сўз оламига саёҳатдир. Ижодкор Сўзни тирик жон деб билади ва Сўз билан сўзлашади.

Эркин Воҳидов





УСТОЗ ИБРАТИ

Адабий ижод бутунлигича индивидуал жараён бўлса-да, гарчи яхши шеър ёки ҳикоя ёзишни ҳеч ким ўргатолмаса-да, кўҳна Шарқда устоз-шогирдлик анъанасига алоҳида эътибор берилган. Бу анъанада ҳар икки томоннинг ўз вазифаси, масъулияти бор. Энг аввало, устоз билан шогирдни боғлаб турадиган руҳий ва маънавий уйғунлик риштаси мавжуд бўлиши керак.

Устоз шогирдининг шеърини ёзиб бермайди. У ўз тажрибаларидан хабардор қилади, ўзи ёзган асари билан шогирдига сабоқ беради ва, энг муҳими, шогирдига ҳар томонлама маънавий кўмак беради, лозим топганда, мақтайди ёки хатосини айтади. Фақат мақтайдиган устоздан наф йўқ. Ҳадеб хатосини юзига солиш ҳам устозлик эмас.

Устоз тушунчаси, менинг назаримда, энг аввало, ибрат тушунчаси билан боғлиқ бўлса керак. Тил ва сўзга масъулият ибрати, миллат ва ватан тақдиридаги муҳим масалада ёндашув ибрати. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Абдулҳамид Чўлпондан биз ижодкор аҳлига энг аввало ана шу Ибрат қолган. Шу маънода, мен Эркин Воҳидов ибратидан миллатни, миллий ўзликни қадрлашни, мумтоз адабиётга муҳаббатни, уни идрок этмакни ўргандим ва ҳамон ўрганияпман.

* * *

Эркин акани илк маротаба 1968 йилнинг кузида, Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланган кунларда кўрганман. Шаҳар маданият боғининг ёнгинаси-

да жойлашган янги кинотеатрда катта мушоира бўлган, Зулфия опа, Қайсин Қулиев, Расул Ҳамзатов, Давид Кугультинов, Евгений Евтушенко ва бошқа меҳмон шоирлар шеър ўқиган даврада орзулар қучоғида яшнаб ўтирганман. Эркин ака Самарқандга бағишланган шеърини ўқиганида одамлар шоирни гулдасталарга кўмиб ташлагани ҳануз кўз ўнгимда турибди.

Ўша йиллар ҳамманинг тилида "Ўзбегим" қасидаси эди. Ўзим учун ажратилган хонада, нима учундир чироқни ўчириб, қасидани жуда баланд пардада, такрор-такрор ўқирдим. Ҳар гал "Ўзбегим!" дея ҳайқирарканман, баданим жимирлаб кетарди. Қасидалан кейин "Самарқанд" шеърини шивирлаб ўқирдим:

Мунажжим тасбеҳидан тўкилган доналардек,

Осмон узра сочилиб ярқирайди юлдузлар.

Бир куни бу ишимдан хабар топган дадам "Нимани бунча бақириб ўқийсан, кейин яна нималарнидир пичирлайсан?" - деб суриштириб қолди. Мен "Ўзбегим" қасидасини" дедим. "Қани, ўқиб бер-чи", деди дадам. Ўшанда нима учун чироқни ўчириб ўқишимни англагандай бўлдим. Ўзимни катта шоир сифатида тасаввур қилганим, айти шу тасаввурдан уялганимдан чироқни ўчирар эканман. Дадам ҳеч қўймагандан кейин овозим қалтираб қасидани ўқиганман. Шеър тугагач, дадам "Бор, ичкарига кир, чироқни ўчириб, бошқатдан ўқиб бер!" деган эдилар...

Тошкентга илк келган йилим мени Эркин Воҳидовнинг "Ёшлик девони" кутиб олган эди. Тошкент университети олдидаги имтиҳонга ҳозирлик кўраётган ҳар икки ёшнинг қўлида шу китобни кўрардим. Китоб сатрлари чор атрофимда жаранглаб турарди. Энди бир-бири билан танишаётган ёш шоирлар гапни шу китобдан бошлар, "Ўзбегим"ни бири бошлаб, иккинчиси, учинчиси давом эттирарди. "Ёшлик де-

вони" Тошкентни, Ўзбекистонни забт эта бошлаган эди.

* * *

Биз талаба бўлган ва кейинчалик, мен тенги авлод адабиётга кириб келган йилларда адабий жараён юксак тоғдан шарқираб оқаётган сойга ўхшарди. Олаётган нафасимиз ҳам шеър билан, ижод билан тўйинган, янги чиққан китобгина эмас, газетада босилган ҳикоя, ҳатто биттагина шеър юз минглаб юракларни ҳаяжонга солганини кўриб, билиб, ҳис қилиб турардик. Мушоиралар ўзига хос ижодий мусобақа мақомида эди. Бу руҳ бизни тинимсиз изланишга даъват этарди. Бирон-бир яхши шеър ёки ҳикоя назардан қолмасди. Тошкентда, қайсидир ўқув юрти ётоқхонасида ёки Ёзувчилар уюшмаси залида жаранглаган шеър эртагаёқ Кўқон чойхонасида, Хивадаги мактабда, Чироқчидаги шийпонда акс сало берарди. Адабий ҳаёт дарёдай ҳайқириб оқарди.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 70-80-йиллари ўзбек адабиётида юзага келган қайноқ муҳит беқиёс бўлганини ҳеч ким рад этолмайди. Ҳалигача таъсири давом этаётган бу муҳит ўзидан-ўзи осмондан тушмаган эди. У жуда узоқ давом этган соқовликдан сўнг, Асқал Мухтор, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Омон Матжон каби шоирлар, уларга эргашиб кириб келган ёш авлод ижоди боис адабиётнинг карахт вужуди нафас ола бошлаганидан туғилган эди, десак тўғри бўлади. Хусусан, адабиётда 30-йиллар қатағонидан кейин пайдо бўлган жарликни тўлдирганлардан, Абдурауф Фитрату Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпону Ҳамид Олимжон, Ойбеку Усмон Носирдек тенгсиз шоирлар қалам сурган XX асрдаги ўзбек шеърятининг олтин даврига кўприк улаган шоирларнинг бири Эркин Воҳидов эди.

Ҳар бир авлоднинг адабиёт, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, ижодкор масъулияти ҳақида ўз қараши мавжуд. Бу, энг аввало, ижодкор тарихнинг қайси ва қан-

дай палласида яшаётгани, мамлакат ва ташқи дунёда содир бўлаётган воқеалар, ўша даврда яшаган кучли ижодкор шахснинг асарлари, унинг ижтимоий (гражданлик) позицияси таъсирида шаклланади. Менинг авлодим - 80-йиллар авлоди: Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Муҳаммад Раҳмон, Садриддин Салим Бухорий, Матназар Абдулҳаким ва бошқа жўра шоирлар, том маънода, юқорида номлари саналган ижодкорлар, улар яратган адабий муҳит таъсирида шаклланди. Уларнинг елкасида туриб жаҳонни кўра бошладик.

* * *

... Эркин ака билан ёшлар нашриётида ишлаган йилларим шеърларим ўша даврнинг энг мавқели журналарида босиладиган бўлди. Журнал таҳририятининг адабий ходимидан "Мана бу шеърларни бир кўриб беринг" деган илтимос билан Эркин акага берилганини эшитиб, ишхонада устознинг кўзларига кўринмасликка ҳаракат қилиб юрдим.

Кунлардан бир кун Эркин ака бўлим бошлиғимиз орқали мени чақиртирди. Бордим. "Шеърларингизни ўқидим, журнал учун "оқ йўл" ҳам ёздим. Аммо бундан кейин жуда қаттиқ ишлашингиз керак", деди Эркин ака. Кейин янги чиққан китобига дастхат ёзиб, совға қилди. Унда "Укам Хуршидга ишончни оқлашини тилаб" деб ёзилган эди. Қачон ўша дастхатга кўзим тушса, хурсанд бўлиб кетаман... кейин ўша ишончни оқладимми, деб ўйлай бошлайман.

1976 йили бир туркум шеърим Эркин ака оқ йўли билан "Гулистон" журналарида эълон қилинди. 1979 йили нашр этилган биринчи тўпلامим "Шаҳардаги олма дарахти"да ҳам Эркин аканинг оқ йўли билан босилди. Иккинчи "оқ йўл"ни ёзиб, менга берар эканлар, устоз: "Гулистон"да босилган шеърларингизни тўпламга киритмаганингиз учун ҳам иккинчи марта ёздим" деб ҳазиллашган, кейин жиддийлик билан "Уларни ки-

ритмай тўғри қилгансиз" деган эдилар. Бу гапнинг моҳиятини вақт ўтиб англадим. Журналдаги шеърлар билан илк китобимга кирган шеърлар орасида фақат вақт эмас, ўша анчагина хом шеърларимда "ниманидир" илғаб, менга оқ йўл тилаган устоз ишончини оқлаш масъулияти ҳам бор эди. Китобда ёзилган оқ йўлдаги мана бу сўзлар елкамга яна-да катта масъулият юклаган эди: "Барча санъатлар каби шеърят ҳам ўзига хосликни ёқтиради. Овоз ҳам, соз ҳам, сўз ҳам, - буюк Навоий тили билан айтганда, "тархи тоза ва улусқа беандоза" бўлса элда эътибор топади..."

Учинчи китобим "Тунги боғлар"ни тайёрлашда унга муҳаррирлик қилган шоир Тўлқин ака билан қаттиқ тортишиб қолдик. Ичкиликка қарши кураш компаниyasi бошланган Горбачёв замони эди. Қарасам, Тўлқин ака шеърларимдаги "май", "шароб", "бода" сўзларининг ҳаммасини бир бошдан "чай", "сув"га алмаштириб чиқибди. Мен рози бўлмай: "Нима, маҳбубага қарата, "Юрагимни маст этди ишқнинг чойи" деб мурожаат қиламанми?" - дея қаттиқ оёқ тираб олдим. Охири қозилик сўраб, Эркин ака ҳузурига кирдик. Рост гап, нашриёт бош муҳаррири қийин аҳволда қолди. Чунки, муҳаррир яқин дўсти, муаллиф эса шогирди. Аммо, бекорга Эркин акани буюк дипломат дейишмайди. "Шеърларни ўзим кўраман", - дедилар. Ўша куни Эркин ака тўпламни ўз кўли билан таҳрир қилди. Ҳаммаси бўлмаса ҳам, "май", "шароб", "бода" сўзлари қайта тикланди. Қайсидир сатрларни бош чайқаб ўзгартирди, яна бир сатрларни "юмшатди". Аммо тўпламни менга қайтарар экан, устоз: "Мен ўзгартирган сатрларни вақти келганда, ўзингиз ёзгандек, чиқарасиз" деди.

* * *

Эркин ака ҳақидаги хотираларимнинг яна бир қисми саёҳатлар билан боғлиқ. Икки марта Ўшда ва Фарғона водийсининг бошқа шаҳарларида, бир марта Туркияда бирга сафарда бўлганмиз. Биринчи мар-

та, Шавкат Раҳмон сабаб бўлиб, Ўшга борганмиз. Ўшанда эндигина янги "Жигули" олган пайтим эди. Шавкат Раҳмон бутун оиласи билан янги машинада, Эркин ака эса умр йўлдошлари Гулчеҳра опа ва қизлари билан "Волга"да, йўлга тушганмиз. Ёз пайти, сафар арафаси Республика радио уйида муздек газли сув ичиб, сафар куни томоғим шишиб кетган, иситмам кўтарилган, автомобиль бошқаришни энди бошлаганимдан хабардор Шавкат "Жигули"ни Ўшгача ҳайдаб борди. Қамчиқ довоидаги манзилларнинг бирида тўхтаганимизда, менинг аҳволимни суриштирган Эркин ака бирпас кўздан ғойиб бўлди, кейин гилосдек келадиган ёнғоқнинг икки ғўрасини олиб келди. "Томоғингиз шишган бўлса, мана буларни чайнанг, ёрдам беради",- деди. Минг бир азоб билан ғўраларни чайнаганимни, Гулчеҳра опанинг ҳайрон қолганини кўриб, Эркин ака "Бу Кибриё опанинг рецепти!" дея, завқланиб кулган эди.

Мен сафар давомида Ўш, Фарғона, Наманган, Андижон ва водийнинг бошқа масканларида бўлган адабий учрашувлар ҳақида эмас, сафар тутагандан кейин Эркин аканинг инсон сифатидаги қиёфасини очган бир воқеа ҳақида ҳикоя қилмоқчиман:

Ёзиб ўтганимдек, , автомобиль бошқаришни энди бошлаган пайтим, Ўшда бироз даволанган бўлсам ҳам, дармонсизман. Тошкентга қайтадиган кунимиз бутун сафар давомида машинамни ҳайдаган Шавкат Раҳмоннинг Ўшда қолиши маълум бўлди.

Эркин ака билан йўлга тушдик. Мен Қамчиқдан қандай ўтишимни ўйлаб, хавотирдаман. Довон олдаги манзилда тўхтагач, Эркин ака ёнимга келди. "Довондан бирон марта ўтганмисиз?", деб сўради. Мен "Йўқ!", дедим. Эркин ака индамай менга қараб тургач, қизчасини чақирди. Кейин уни "Жигули"нинг орқа ўриндиғига ўтқазди. Менга қараб "Қизим сиз билан кетади",- деди.

Мен баъзан ўша ҳолатни эслаб, Эркин ака нима учун қизини менинг автомобилимга ўтқазганини ўйлаб, устознинг донишмандлигига тан бераман. Ўша лаҳзада ота ўз фарзанди ҳаётини менга ишониб топширган эди. Бу иши билан потинч юрагимга фақат ишончини эмас, бировнинг ҳаётига масъулият туйғусини ҳам бағишлаган эди. Мен ҳаётимнинг сўнги га қадар Устознинг бу сабоғини унутолмасам керак.

* * *

1992 йилнинг баҳорида, май ойида Туркияга бордик. Бизни илк марта ўтказилган туркчада ижод қилдиган шоирларнинг биринчи халқаро анжуманига таклиф этишган эди.

Уч-тўрт кун Истанбулда турганда, Эркин аканинг ташрифини эшитган ҳижратдаги ватандошларимиз биз турган меҳмонхона ёприлиб келишди, десам, лоф қилмайман. Йиллар давомида она юртидан жудоликда яшаган бу инсонлар ватанни соғинганда "Ўзбегим"ни ўқиб, овунганларини, бўзлаб йиғлаганларини айтдилар. Эркин акани меҳмонга чорлаганларнинг саноғи йўқ эди. Шолининг кетидан сув ичган курмак - мен ҳам иззатдаман. Ҳар куни ҳали денгиз бўйида, ҳали боғу бўстонда, ҳали эртақлардагидек чиройли меҳмонхона зиёфатхонасида тўрда ўтираман.

Бир гал Истанбулнинг дунёга машҳур бозори - Қоппали Чорсуга боришимиз билан бир гуруҳ ватандошлар бизни ўраб олишди. Улардан бири кўймасдан ўзининг тилла безаклар дўконига бошлаб борди. Кейин "Илтимос, сизлар бир дақиқа шу ерда туринглар", - дея дўконига кириб кетди. Дақиқа ўтмай, у дўкондаги сотувчи йигитларни кўчага олиб чиқди. Кейин Эркин акага қараб: "Дўконда ҳеч ким қолмади, иккалангиз кириб, хоҳлаган нарсангизни оласиз! Хоҳлаганча оласиз!" деб туриб олди. Эркин ака ҳайрон бўлиб менга қарайди, мен Эркин акага. Дўкондор эса ҳолу жонимизга кўймай, ичкарига киришни сўрайди. "Афғонистонда,

болалигимдан "Ўзбегим"ни эшитиб улғайганман, кейин ҳам Нью-Йоркда қора ишларда машаққат чекканимдаям ҳар кун ишнингизни такрорлаб-такрорлаб, катта бўлганман. Бу шеърингиз баҳоси дўконимдаги бор тилла баҳосидан баланд", - деб ялинади кўзида ёш билан. Эркин ака йигитни маҳкам бағрига босди. "Биз ҳали Бурсага борамиз, кейин Кўнёга Мавлоно зиёратига ўтамиз, бир неча кун Анқарада турамиз. Шунча вақт тиллани кўтариб юрсак, нотинч бўламиз. Қайтишда яна Истанбулда бўламиз. Ўшанда, албатта, дўконингизга келиб, гапингизни ерда қолдирмай, сиз айтган ишни қиламиз!" - деди.

Меҳмонхонага қайтар эканмиз, Эркин ака бирдан тўхтаб, менга қаради, "Хуршид, дўконга кирмай тўғри қилдик-а? Ўша йигитнинг нияти қанчалик соф бўлмасин, кирсак, яхши бўлмасди," - деди.

Истанбулда Айа-София номи билан машҳур, бир пайтлар насронийлар ибодатхонаси, Истанбул фатҳидан кейин масжидга ва янги даврда музейга айланган бир ярим минг йилдан зиёд тарихга эга муаззам даргоҳда бўлдик. Бизни катта ҳурмат билан кутиб олган қадимий қўлёзмалар жамғармаси раҳбари суҳбат орасида "Сиз иккинчиз учун жамғармамиз очик, қайси нодир қўлёзмани истасангиз, ҳозироқ кўрсатамиз," - дея илтифот қилди. Эркин ака Алишер Навоий асарлари қўлёзмасини, мен Амир Темур билан Султон Боязид Елдиримининг ўзаро ёзишмалари - мактубларини кўрсатишни илтимос қилдик. Хуллас, Эркин ака баҳона, мен ҳам кўришни орзу қилган мактубларни кўздан кечириш бахтига етишдим.

Биз таклиф этилган анжуман Туркиянинг қадимий пойтахти - Бурса шаҳрида, янада аниқроқ айтсам, шаҳар яқинидаги Улуғтоғ деб аталмиш тоғлар бағридаги меҳмонхонада бўлиб ўтди. Илк марта ташкил этилган анжуман Узоқ Шарқдан ғарбий Оврупо сарҳадлари

қадар муаззам бир жуғрофий кенгликда яшаган ва асрлар бўйи турли иқлимларда вужудга келган маданият тили - туркчанинг фарзандлари бўлмиш шоирларни бир ерга тўплаган эди. Янада анигини айтсам, бу тадбирда жаҳоннинг 24 мамлакат ва ўлкасидан келган элликдан ортиқ шоир, Туркия жумҳуриятининг ўзидан даъват этилган юздан зиёд шоиру адабиётшунос олим иштирок этди. Ўзбекистондан Эркин ака ва мендан ташқари яна икки таниқли шоир - Рауф Парфи билан Азим Суюн ҳам таклиф этилган эди.

Ҳар кун мушоира бўлиб ўтади. Мушоира шоирларнинг ёшига қараб ўтказилади. Биринчи кун ўтказилган мушоирада сўзсиз Эркин ака энг катта олқишни олди. Устозни олқишлаш узоқ давом этди ва унинг якунида анжуман раиси доктор Меҳмет Дўғон саҳнага чиқиб, шундай деди:

- Шу онда устоз Эркин Воҳид шеърлари туфайли биз сарв бўйли севгилисидан узоқда қолиб бўзлаган ҳазрат Навоийнинг оҳи билан бирга бўлдик.

Анжуманда туркий шеърят ривожи учун хизмат кўрсатган шоирларга бериладиган мукофотлар Турк дунёсининг энг машҳур ва энг буюк шоирлари номи билан аталмиш эди. Бу Юнус Эмро, Алишер Навоий ва Фузулий мукофотлари эди. Анжуман якунида Эркин Воҳидовга Юнус Эмро мукофоти топширилди. Бу устоз шоир ижодининг олий даражадаги эътирофи эди.

Истанбулга қайтган кунимиз, яна бир ҳафта қолиб, уч-тўрт кундан кейин бошланадиган халқаро маданий тадбирда иштирок этиш таклифномасини топширишди. Яна Эркин ака менга қаради, мен устозга. Эркин ака "Йўқ" дегандай, бош чайқади, мен ҳам "Тўғри" дегандай бош силкидим. Иккимиз ҳам ватанни соғинган эдик. Эртаси кун Тошкентга қараб учдик.

Инсоннинг кимлигини сафарда биласан, деган нақл бор. Дарҳақиқат, икки ҳафталик сафар давомида Эр-

кин ака ёнида юриш, бир хонада туриш имконияти устознинг қанчалик бағрикенг, меҳрли ва кўнглида мудом яхшилик гавҳари жилваланган Инсон эканини инкишоф этди. Уни яқиндан билдим. Билиб, шу инсонга озгина бўлса-да ўхшашга ингилиб яшадим.

* * *

Устоз Эркин Воҳидов "Ёшлик девони"гина эмас, бутун ижоди мисолида бизга, энг аввало, миллий қадриятлардан узилмай ижод қилиш лозимлигини уқтиради. Бу билан у, ҳар қандай ижодкор асрий анъаналарни ўзида мужассам эта олгандагина нафақат миллий адабиёт, шу билан бирга дунё адабиётининг бир қисми бўла олиш ҳақида ўғит беради. Устоз бутун ижодий фаолияти давомида умуммиллий қадриятлар асосида ижод қилгани учун ҳам умуминсоний даражага кўтарилган ижодкор тимсолига айланди.

Ҳинд халқининг донишманд фарзанди Рабиндранатх Тхакур бир шеърида ёзади:

Ҳар миллатнинг кўлида
Ёниб турар бир чироқ,
Шу чироқни авайлаб
Сен дунёни рўшно эт...

Эркин Воҳидов дунёдан зулматни қувган буюк шоирлар сафида ўзбек чироғини баланд кўтариб бо- раётган зиёкордир.

*Хуршид Даврон
2015, август*



КУТУБХОНА ШАРОФАТИ

Саъй айлаки, ҳифзу ганжга етгайсен,
Ё саъй ила кутуб жам этгайсен.

Алишер Навоий

I

Кутубхонага жуда ёшлик чоғимдан, бошланғич синфдалигимдан, Андижон вилоятининг Балиқчи тумани эски марказидаги қишлоқ кенгашига қарашли кутубхонага Бобораҳим Машраб номли I ўрта мактабда таълим олаётган синфдош дўстларим – Қодиржон Рустамов, Раҳимжон Шукуров, Турсунпўлат Миттилаев, Жамолиддин Аббосов, қиз ўртоқларим – Одина Аъзамова, Санобар Эгамбердиевалар қатори қатнаб, ақлимиз етган-етмаган китобларгача ўқиганмиз. Устозимиз раҳматли Зайнабхон Султонова кутубхонага аъзо бўлган ўқувчиларни яхши сўзлари, аъло баҳолари билан алоҳида рағбатлантирадидлар. Тошкентга келиб, ҳозирги ЎзМУнинг филология факультетига ўқишга киргач, ҳаётимни кутубхонасиз тасаввур қилиб бўлмай қолди: шоирлик учун олий маълумотлилик дипломи кифоя қилмаслигини англай бошладим. Лекин тақдир тақозоси билан бир кун келиб мамлакатимизнинг энг нуфузли ва катта, Ўрта Осиёда «Шарқ марвариди» номи билан танилган, ўн миллионга яқин китоб-журнал ва газета заҳирасига эга маънавий ва маърифат марказининг нашриётида ишлайман деб ўйламагандим.

Кутубхонада турли байрамлар, шоир-ёзувчиларнинг таваллуд айёмлари муносабати билан бўлиб ўтадиган маънавий-маърифий тадбирлар, янги чоп этил-

ган китоблар тақдимотлари, мушоиралар икки мингинчи йиллар бошида йўқолиб бораётган адабий муҳитни бироз жонлантиргандай бўларди. Тадбирларга асосан таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар таклиф қилинар, анжуманлардаги маърузалар, гап-сўзлар самимийлиги ва ошкоралиги билан эса қоларди. Қўлингиздаги китоб қаҳрамони Устоз Эркин Воҳидов билан ҳам ана шу давраларда янада яқинроқ муомала-муносабатга киришдим.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларининг 20 жилдлигини интернетга киритганлигимиз муносабати билан ўтган тадбирда Эркин ака ахборот технологияси даврининг ўзига хосликлари тўғрисида сўзлар экан, интернет тўлқинлари кучоғида сузаётган ўзбек шоири — Алишер Навоий сўзларининг оламга кенг кўламли саёҳати, буюк мутафаккирнинг янги даврга хос янги шуҳрати ва бу шуҳратнинг элимиз, мустақил юртимиз шуҳратига эшлиги борасида фикр юритдилар.

Кейинги гал, Алишер Навоий туғилган кунда Устоз қаршисида, ўша воқеа баҳонасида ёзилган «Навоий ва интернет» деб номланган шеъримни ўқишга журъат қилдим. Ва Устознинг «Яхши шеър ёзибсиз, Шукурбек» деган баҳосини эшитдим. Бу гап мени жасоратлантирди. Уни кўтариб таҳририятларга бордим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифасида эълон қилинди.

НАВОИЙ ВА ИНТЕРНЕТ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоасининг Алишер Навоий мукам-мал асарлар тўплами йигирма жылдигини интернет-га киритгани муносабати билан.

Мустабид даврдан дилда чанлиқ, из,
Сиздай улуғ зотни қилмоқ бўлган хор:
Наътсиз саловатсиз дostonларингиз
«Бошсиз чавандоз»дек нашр этдик ночор.

Сизни ўтаётган аср бошида
Сирли бир сандиққа жо этдик, ҳазрат.
У шундай сандиққи, туяр нашида
Сиздан завққа ташна бор инсоният.

У сандиқ — компьютер, асарларингиз
Тўлқин бўлиб унда сузар бемалол.
Жўш урар денгиздай, жўшган сари сиз,
Тин олар, тинсангиз, бамисли хаёл.

Қутилди қоғоздан, қутилди жилддан,
Китоб дўконидан ахтармай қўйди —
Арабми, ҳабаш, рус... тилимиз билган
Дунё аҳли энди сизни ўқийди.

Осмон-фалакларда сунъий йўлдошлар
Қуйма байтларингиз ташиб овора.
Биз ҳам ўқисак деб қотирар бошлар
Ўзбекчани билмай қанча сайёра.

Интернет, оҳ, усиз бугунги авлод
Яшолмас, яшамас сизсиз ҳам, демак.
Сизни ўқимаган энди бизга ёт,
Сизни англамаган бизданмас, бешак.

Дерлар: интернетдан нелар олмас жой?
Йўқми олин-кочди, ёлғон-яшиқ ё?
Қочар соялардек энди пайлар-пай-
Улар сиз тарифдан таралгач зиё.

Дерлар: вирус мавжуд — аср вабоси,
Дейман: тариқ экмас чумчуқдан кўрққан.
Вирусдан багтарроқ ҳасад балоси
Қаршингизда, ахир, қанча тиз чўккан.

Лекин бир ўй мени қийнар сарсари,
Ноқулайроқ уни этмоқ ошкор:
Ёқармикан сизга бу айтганларим,
Демайсизми ногоҳ: «Қилибсан бекор».

Э воҳ, ўзимга ҳам ёқади сизни
Китобдан ўқимоқ — интернетданмас.
Туйгандек бўламан ҳидларингизни
Бугун чексизликлар қучоғидан, бас:

Замон талабидан, демак, орқада —
Қолиб бўлмас. ортда қолдирмаслар ҳам.
Энди хонадонлар аро балқади
Ёзган-чизганингиз нурланиб ҳуррам.

Қай шаклда бўлсин, гувоҳдир тарих,
Мудом даҳоларга интилар инсон.
«Компьютер, интернет, сайт, файл...» бари
Сизга боғланмоққа холос бир имкон.

Энди ижодингиз фильмлар каби
Мумкиндир айламоқ ҳатто томоша
Ва унда муаллиф бир шоир қалби,
Режиссёр, воқеа, актёр ҳам ўша.

Йиғирма биринчи аср шу таҳлит
Олиб чиқди, ҳазрат, сизни юксакка.
Бизни — авлодларни қувнатди бу бахт,
Ифтихор ёғдусин сочди юракка.

Шукур Қурбон

2

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва ва бевосита кўрсатмалари асосида, мамлакатимиз пойтахтида, Мустақиллик майдонининг шундоққина ёнгинасида Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг технологиялар асри талабларига мос янги биноси қад кўтарди. Бу юксак воқеага «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасида биринчилардан бўлиб, Устоз Эркин Воҳидов ўз муносабатини билдирди, тўғрироғи, халқимиз зиёлиларини янги, муҳташам кутубхона билан табрикладилар. Ва уни «Бунда тирик тарих яшайди» деб номладилар— зиёлиларнинг баъзи бирлари «Кўпларнинг китоб ўқимай қўйгани» ҳақида давраларда сўз айтиб юрганида, баъзи шоёрлар уларнинг тилидан қуйидагидай тўртликлар қоралаб қўйганида:

Кўплар китоб ўқимай қўйган,
Ўқиганлар ҳам уқмай қўйган.
Балки кўплар тўйган китобга,
Балки китоб кўплардан тўйган,

Устознинг мана бу ҳаётбахш сўзлари шундай пайтда юксак янгради:

«Мамлакатимизда яна бир кошона қад кўтарди. Кўрки кўзларимизни яйратиб, ёруғ хоналари кўнглимизни мунаввар қилиб, муҳташам гумбази бошимизни кўкка етказиб Маърифат кошонаси юксалди.

Президентимизнинг бевосита иштироки ва раҳна-молигида биноатга келган бу салобатли мажмуа истиқдолнинг йигирма йиллиги санасида маданият ва маърифат аҳлига, илмга чанқоқ ёшларга, барча китобсеварларга бебаҳо совға бўлди.

Бизлар бу кунни кутган эдик. Дунёнинг энг бой китоб маҳзаанларидан бири саналган Миллий кутубхонамиз ўз муносиб биносига эга бўлади, деб ишонган эдик. Лекин бундай улугвор, кўркем, маҳобатли меъморлик асарини ҳаслга ҳам келтирган эмасдик. Бу азиз даргоҳ ҳамиша илм ва ижод аҳлининг ўз қадрдон уйи бўлган. Янги уй, янги хонадон ҳаммамизга муборак бўлсин.

Бир юз қирқ йил муқаддам Тошкент оммавий кутубхонаси сифатида асос солинган ушбу масканнинг номи ҳам, манзили ҳам кўп бор ўзгарди. Саксонинчи йилларда бўлса керак, бир кекса кутубхоначининг куюниб айтган сўзлари қулоғимдан кетмайди: «Китоб сақлашнинг илмий асосланган, халқаро эътироф этилган талаблари бор, ҳарорат, намлик, ёруғлик меъёрлари бор. Бизларда бунга эътибор берилмайди. Бебаҳо нодир китобларимиз тақдири нима бўларкин?..»

Мана бугун кутубхоначилиكنинг энг замонавий талаблари даражасида қурилган, дунёнинг машҳур китоб хазиналари билан беллаша оладиган бу янги Сарой залларига қадам қўйганимда ўша қариянинг гаплари ёдимга келди. У куюнчак инсоннинг ҳам армонлари ушалганидан дилим равшан тортди.

Ушбу гўзал мажмуа замондошларимизга ҳам, олис асрлардан бизга нур сочиб турган буюк алломаларимизга ҳам қутлуғ бўлсин. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек даҳо бобокалонларимиз руҳлари шод. Улар ўз китоблари билан янги хонадонга кириб келдилар.

Миллий кутубхонамиз ҳамиша табаррук даргоҳ бўлган. Ватан истиқлоли учун жон фидо қилган Қодирий, Чўлпон, Тавалло, Фиграт, Авлоний каби маърифатпарвар юрт ўғлонларининг қўллари, нафаслари теккан китоблар бор бунда. Бу даргоҳда Гафур Фулом, Ойбек, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон жам бўлиб, Навоий асарларини нашрга тайёрлаганлар, ёндош ижод қилганлар.

Миллий кутубхонамиз ўзбек халқининг миллионлаб китобларида жам бўлган тирик тарихдир. Бугундан энди бу қутлуғ даргоҳда янги тарих бошланди. Бунда ҳозирги ёшларга сон-саноқсиз энг замонавий хизмат турлари бор. Улар энди китобга буюртма бериб бизларнинг ёшлик йилларимиздагидек ҳафталаб кутмайдилар. Саноқли дақиқалар ичида истаган нашрлари қўлларига тегади ва яна саноқли дақиқаларда нусха кўчириб олишлари мумкин. Ногиронлар, кўзи ожизлар учун алоҳида лифтлар, Брайн алифбосида ёзадиган, ўқийдиган компьютерлар бор.

Ҳозирги ёшларга ҳавасим келали. Ўқув залларини тўлдириб ўтирган йигит-қизларни кўз олдимга келтираман, улкан симпозиум залида ўтадиган анжуманлар, илмий баҳсларни тасаввур қилиб қувонаман.

Ҳар қандай армуғоннинг масъулияти ҳам бўлади. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонамиз илмий жамоаси олдида улкан фаолият уфқлари очилди. Янги тарихга мос янгича тафаккур, янгича ғайрат ва ташаббус лозим бўлади.

Ёшларимизда беқиёс имкониятлар бор. Истагимиз шуки, турли техник воситалар, дилтортар ўйинлар фарзандларимизни китобдан чалғитмасин. Инсон қалби ва онгига ҳеч нарса китобчалик тарбия ва шукуҳ беролмайди. Энг буюк даҳолар ҳам, мени китоб одам қилди, дея эътироф этганлар.

Юртнинг навқирон авлоди! Бу ажойиб мажмуа, аввало, сизлар учун! Ватан келажаги бўлган сизлар

кенг ва чуқур билимли, маънавий баркамол бўлиб, мен ўзбек фарзандиман, дея дунёда бош кўтариб юришингиз учун! Бу юксак умидларга муносиб бўлинг. Қадамингизга маърифат нурлари ёгилсин».

Устознинг матбуотда юқорида сиз ўқиган чиқишларини кутубхона тарихи ва ходимлари тўғрисида ёзилган «Шарқ марвариди» номли шеърлар тўпламига сўзбоши қилиб олиш ниятида кўнғироқ қилиб, руҳсат сўрадим. Эркин ака «қайси шаклда, китобимнинг сўзбошиси ёки сўнгги сўзи ўрнида, қандай фойдалансам ҳам» рози эканликларини айтдилар. Устознинг бундай марҳамати мени руҳлантирди. Ахир, Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, Эркин аканинг сўзлари китобимда «Увада камзулда биллур тугмадай» ярашмай қолиши ҳам мумкин эди-ку!

Бу гаплар китоб чиқиб, тарқалиб бўлгачгина хаёлимдан ўтди. Йўқ, ҳар тугул ҳаммаси яхшилик билан тугади: тўплам тақдиротида уни адабиётшунос олимлардан бири «Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона қомуси бўлибди» деб баҳолади. Бу баҳонинг катта бир қисми, шубҳасиз, устознинг китобимдаги юқорида сиз ўқиган сўзбошисига тегишли, деб ўйладим.

3

УСТОЗ КИТОБИГА МУҲАРРИРЛИК

«Шарқ юлдузи», «Соғлом авлод учун» журналларида шеър дostonлардан ташқари, Данте Алигьерининг устоз Абдулла Орипов таржимасидаги «Илоҳий комедия» асаригача муҳаррирлик қилганман, ҳатто баъзи бировлардан миннатдорчилик ҳам эшитганман, қуйидаги, раҳматли Жуманиёз Жабборов мактубидагидек:

«... Китоб учун яна кўндан-кўн раҳмат. Таққослаб, солиштириб чиқдим. ... деган мусаҳҳиҳ укамиз мени «мажбур» қилиб, ҳамма жойга «вергул» экиб чиққан эди.

Кимдир болаб ҳаммасини олиб ташлабди ва тўғри қилибди. Минг раҳмат...».

Жуманиёз Жабборов. Имзо. 2 май, 2010 йил

Мактубга изоҳ: Гап шундаки, раҳматли шоир Жуманиёз Жабборов бизнинг нашриётимизда (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида) 2010 йилда муҳаррирлигимда чоп этилган «Кўнглим китоби» мажмуаси ҳақида фикр билдиргандилар. Ундаги қўйилган «вергул»лар (сони 360 дан ортиқ бўлиб) асосан ғазаллар мақтаидаги ва мухаммаслар сўнггидаги асар муаллифига қарата айтилган ундов сўз «эй» дан кейин тил қонунига хилоф равишда вергул қўйилмайди. Масалан, «Эй, Ниёз» (вергул нотўғри қўйилган) каби.

Шунингдек, Эркин Самандарнинг қизи Сайёра Самандар билан ҳамкорликда чиқарган шеърлар тўплами (2010 йил) ҳақида фикрларини сўраганман:

– Эркин ака, китобга муҳаррирликда қанақа нуқсонлар бор экан? Жавобан ака «нуқсон»га қофияли қилиб, миннатдорчилик билдирган:

– «Нуқсон» йўқ, Шукуржон, «таҳсин» бор, «таҳсин!»

Устознинг «Табассум» китоби шеъррий мутойиба, лутфу латифалардан ташкил топган бўлиб, Эркин ака ижодидан халқимизга яна бир ўзига хос тўхфа эди. Шу чоққача «Донишқишлоқ латифалари» туркумини айтмаганда, Устоз мухлислари олдида ҳажвчи шоир сифатида биринчи бор жўяли ва кўламли чиқиши эди. Биз биламизки, ҳажвчи шоирлар барча халқлар адабиётида ҳамиша камёб ва ноёб бўлади ва ҳамиша севибардоқланиб ўқилади. Ўз-ўзидан, бундай китобга муҳаррирлик қилиш учун алоҳида билим ва малака, қолаверса, юмор ҳисси керак бўлади. Менда борми ана шу ҳислатлар? Устоз кулганидай кула олармиканман? Устоз асарлари маъносини керагича англай олармиканман? Шундай ўйлар китобни қўлимга олган кунимдан мени қийнарди. Устоз Эркин Воҳидов эса, бу ҳола-

тимни аввалдан сезгандай, китобга машҳур ҳажвчи шоир, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон сўзбоши ёзмоқчи эканини айтиб қолдилар. «Тўпламни яхшироқ англаш учун ўша сўзбоши иш бериши мумкин» — деган ўй кўнглимни ёритди. Лекин Анвар акадан уни «ундириш» осон бўлмади. Гап шундаки, Устоз асарлари ҳақида ёзиш масъулияти акада мендан кўра юз-икки юз баробар юқори экан. Очиги, бу ҳислати учун акага ҳавасим келди. Лекин китоб муҳарририман, сўзбоши эса керак, бу Эркин аканинг фикри. Йўқ, ҳар тугул сўзбоши кўлимга тегди.

4

КУЛГУ — ОЧИҚ КЎНГИЛЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Кулиш осон, кулгининг тагига етиш қийин. Афанди йўлда ётган кўзгуни олиб, ўзининг аксини кўрибди-ю: «Э, бу нарса сизникимиди?» — деб уни яна жойига қўйиб кетаверибди. Кўпчилигимиз Афандининг содалигидан кулиб қўя қоламиз. Аслида, бунинг замирида улкан фожиа ётганини, бунда ўзлигини, ўзини танийёлмасдан яшаётган кимсанинг ачинарли ҳолати баён этилганини камдан-кам одам англаб етади.

Мабодо, англолмаган бўлсак ҳам унчалар уят эмас, барибир мириқиб ҳоҳоладик-ку. Демак, бу зўр латифа, уни қайсидир ақли бутун одам тўқиган. Отасига раҳмат-е! Кулдириш осон эмас, кулгини кўнгли тор, ичи қоронғи кимсаларнинг инжиқликларидан, маломатларидан асраш ундан-да мушкул. Бундайлар «Донишқишлоқ латифалари»ни мийиғида сал илжайганича ўқиб, охирида бирдан тумтаяди: булар қанақа одамлар бўлдийкин — бири поездга чиқаётиб, калишини перронга ечиб кетса, бири жуни ўсган эчкисини сартарошхонага стақлаб боради, бири минорани тескарисига қазилган қудуқ деб ўйласа, бошқаси чи-

винга қопқон қўяди. Бу ўз халқини масхаралаш-ку, ўз миллатини оламга шарманда қилиш-ку! Нима, бу шоир ўзбекни шунчалар ахлоқ, деб ўйлаётими? Ватанпарварлик қани? Жамият қани?

Афсуски, баъзан бундай дашномлар ўзини адабиётнинг билимдони деб билувчи, ҳатто ўзи бировларни кулдириш билан тирикчилик қилиб юрувчи айрим «чиранчоқ элсеварлар»нинг тилидан ҳам янграб туради. Мундоқ қараганда, шунинг ўзи ҳам бир ҳажв, шуни сўзлаган кимсанинг ўзи ўзбекни бошқа миллат вакилига ҳажвга ҳажв сифатида қарай олмаётган торфикр одам қиёфасида намоён этиб турибди. Бир ҳажвчи грузин синиқ хумнинг ичига кириб олиб елимлаган ва бўғзи торлиги учун унинг ичидан чиқолмай қолган бошқа бир анойи грузинни кўрсатса, яйраб куламиз, муаллифни ҳамиятсизликда айблаш, грузин шунчалар ахлоқми деб жар солиш ҳаёлимизга ҳам келмайди, аксинча, ўша оми чегачига нисбатан қалбимизда ўз-ўзидан илиқ бир туйғу уйғонади. Бунинг сабаби олдий — у биз илгари кўрмаган қизиқ ҳолат воситасида ҳаммамизни ўз устидан (миллатининг устидан эмас) кулдирди, кўнглимиздаги озми-кўп ғубор тарқалди-кетди. Бу воқеа ростми ё ёлғонми, бу юморми ё сатирами, тош вазминми ё енгилми, у ёғини тундфсъл» «мутафаккир»лар ўйласайлар. Биз учун асосийси — гапнинг йилт янгилиги, ҳодиса маҳорат билан тасвирлаб берилгани.

Маҳорат барибир бирламчи. Эркин Воҳидов ҳажвиётини минг-минглаб китобхонларга суюкли қилиб турган элитувчи куч ҳам айнан ўша — моҳироналик. Ҳажвчи, биринчи гада, қойиллатиб кулдира олсин, ўйлантира олса, ундан ҳам яхши, дер эди Неъмат Аминов. Жаҳондаги кўпчилик кулги усталари каби, Эркин ака ҳам ана шу ақидага таяниб ижод қилади. Бу унинг Матмуса ҳақидаги туркумида алоҳида чарқлаб кўринади.

«Матмусанинг қалпоғи»да Матмуса қимматбаҳо телпак сотиб олиб, уни улфатлари билан ресторанда «ювади», охири зиёфатнинг ҳақини тўлашга пули етмай, официантга телпагини бериб қутулади. Бошқа шеърда Матмуса шаҳарга бориб, чиройли лаган харид қилади. Сўнг ўйланиб қолади — буни уйга олиб борсам-у, хотиним уни пишлоқ солинадиган идишга айлантирса, болаларим пишлоқ талашиб, лаганни синдириб қўйишса, чегалатиш учун яна шаҳарга келиб юришим керакми? Шунда Матмусанинг бирдан донолиги кўзийди-ю, оворагарчиликнинг олдини олиш ниятида лаганни ўзи синдириб, бир йўла чегалатиб кўнгли тинчийди. Буни эшитган қишлоқдошлари унинг ақли кўплигига қойил қолишади. Ширгуручдан таъм эмас, гўшт ва саримсоқпиёз, кулгидан завқ эмас, мантиқ ва фалсафа қидириб уймаланаврадиган тоифалар, одатда, на мутойибанинг жозибасига суқлана олишади, на муаллифнинг устаси франглигига тан беришади. Бунақа енгил-елпи гапларнинг одамларга нима кераги бор? Бизга нимани ўргатади у? Ёзишаверкан-да. Вассалом...

Ўхшатиб кулдиришни уддалаган — адиб зарурат туғилганида «жизиллатиб чақини»ни ҳам жойига қўя олади. Бунга амин бўлишимиз учун «Матмусанинг ўйланиши»ни ўқиб кўришимиз кифоя. Матмуса шаҳарда бир тапнос билан танишиб, қишлоққа етаклаб қайтали. Қарангки, уйланганига уч ой тўлгандаёқ фарзанд кўради. Йўқ, биз кутган тўс-тўпалон юз бермайди, аксинча, Матмусанинг оиласида ҳам, донишқишлоқда ҳам кўтаринки бир ҳолат юзага келади. Яъни, эл қатори тўққиз ойда бола кўриб юрган донишқишлоқликлар шаҳарлик келиннинг «зарбдор»лигидан ҳайратда, бу мўъжизага даҳлдор бўлган Матмусанинг димоғи осмонда. Маҳаллий матбуотда «Илғор ўрнак — қишлоққа» деган дабдабали мақола босилади, эркаклар бу ташаббусни қўллаб, газетада чи-

қишлар қилишади. Кўчаларда «Янгиликка — катта йўл», «Тўққиз ойни — уч ойда!» янглиғ шиорлар пайдо бўла бошлайди.

Кекса ва ўртанча авлод вакиллари яхши эслашади, бир пайтлари терим машинасида ўзгаларга нисбатан ўн баравар кўп пахта терувчи, завод-фабрикаларда кунлик иш нормасини 15–20 бараварга бажарувчи «ясама зарбдор»ларни яратиш, уларнинг ташаббусини оммавий ахборот воситалари орқали кенг овоза қилиш, бу ташаббусни қўллаб-қувватловчи «сайроқиларни ҳам имкон қадар кўпроқ етиштириб чиқариш» роса авжга минганди. Ўша эски замонда тузумнинг ўзи яратаётган катта ёлғонлар устидан бу тарзда очиқчасига кулиш учун ижодкорга отнинг калласидек юрак керак бўларди.

Ўрни келганда, бир нарсани алоҳида таъкиллаб ўтмоқ жоизки, ҳажвий роман ёки қиссада янгича қиёфа яратганлар беҳисоб, аммо шеърятда бундай ҳоллар саноқли. Эркин Воҳидов шеърятда Матмуса талқинида ўта ўзига хос образ ярата олди.

Шоирнинг «Сиёсий сабоқ ёки Бек Бековнинг ғаройиб саргузашти», «Мажлис қилинг», «Кумурсқалар жанги», «Сен менга тегма», «Бир таваккалчи дейдики», «Шаҳарми бу, қишлоқми бу» сингари ҳажвий шеърлари ҳам ўз вақтида шов-шувлар билан қарши олинганди. Уларнинг аксарияти замона ўзгарса-да, ҳануз ўз актуаллигини йўқотгани йўқ. Бинобарин, иллатлар вирусини ниҳоятда яшовчан, беҳад мосланувчандир.

Эркин аканинг қаламига мансуб ҳажвий шеърлар ўта тортувчанлиги билан ажралиб туради. Шоирнинг ижоди билан кенгроқ таниш бўлган киши бунинг сири нимада эканлигини пайқаб олиши қийин эмас. Кўп мунаққидлар Эркин Воҳидов беназир сўз зарғари эканлигини қайта-қайта эътироф этишган. Бу, айниқса, энг нафис, энг жарангли, энг товланувчан сўзлар дурдонасидан тизилган маржонни эслатувчи

лирик шеърларида кўзга тиниқроқ чалинади. Ҳажвий шеърларда ҳам шу фусункорликка дуч келамиз, роҳатланиб ўқиймиз, ёдда тез сақлаб қоламиз.

Икки-уч йил олдин Фарғонада каминанинг ижодий кечаси ўтказилди. Кеча охирида сўзга чиқиб, пича гапирдим-у, кўзларимга бирдан ёш келиб, жим туриб қолдим. Сабабини сўраганларга «шунчаки ҳаяжон босди», деб қўйдим. Аслида, ҳаётимдаги шундай қувончли дамда мен учун ниҳоятда мўътабар бўлган Саид Аҳмад, Насрат Аминов каби зотларнинг залда йўқлиги, уларни Оллоҳ раҳмагига олган бўлсин, менга қаттиқ алам қилганди. Айни чоғда, бошимни кўкка етказиб бу кечага ташриф буюрган устоз адиблар, дўстларим қаторида Эркин Воҳидовнинг ҳам ўтирганлиги юрагимни ҳаддан зиёд тўлқинлантириб юборганди. Бу билан айтмоқчиманки, шундай азиз зотларнинг, ноёб истеъдод эгаларининг орамизда борлигига беадад шукур, неварачеваралик бўлиб ҳам, қондошчилик, ўртоқчилик борди-келдиларидан, катта рўзгорнинг икир-чикирларидан ортиб, ҳануз ёзишдан чарчамаётганларига, фаҳримиз бўлиб кўзимизни қувонтириб юрганларига минг қуллуқ. Шундай табаррук кимсаларни эъзозлаб келаётган элимизга ҳам, давлатимизга ҳам минг тасанно... Эркин аканинг «Табас-сум» тўпламидаги кўплаб янги шеърларни ўқиётиб ҳаёлимдан беихтиёр шундай фикрлар кечади.

Саид Аҳмад домла билан қилган бир суҳбатимизда у киши Эркин Воҳидов жуда улкан ҳажвчи, лекин унинг ҳажвлари эл орасида ўта машҳур бўлиб турган жиддий шеърларининг соясида қолиб кетяпти, деган эди. Ҳажвий шеърларнинг алоҳида тўпламга жамланганлиги зафари яхши иш бўлибди. Бу тўплам Эркин аканинг ҳажвиётдаги қудратини яққолроқ ҳис этишимизга кўмак берса, ажабмас.

Бунақа китобларни кўнгли очиқ, юраги кин ва ҳасад қурумларидан ҳоли, туғма самимий кимсалар

яйраб ўқийверсин, боласига ҳам илиниб, китоб жавонига яшириб қўяверсин.

Китобларнинг тақдири ҳам одамларникига ўхшаш — толеи кулганлари бор, толесизроқлари бор. Асраб қўйишга арзийдиган китоб — бахтли китоб. «Табасум»дан ана шу бахтнинг иси уфуриб турибди.

Анвар Обиджон
Ўзбекистон Халқ шоири,
21.03. 2010

Бундай юракдан ёзилган, яъни самимий, адабиётимиз ҳажвиётига ҳалол муносабат билдириш орқали, Устоз асарларининг ўзига хос маъно қабатларини очиб, уларда аке эттирилган образларнинг ўзига ва фақат халқимизгагина хослигини кўрсатиб, муаллиф ижодида тугган ўрнигача айтиб, муаллиф табиатидаги бағрикенгликлар тўғрисида мушоҳада юритиб ёзилган сўзбошини ўқиб, чоғланаётган ишимдан бир оз гурурландим ҳам. Лекин масъулият ҳисси елкамда тоғдай турди. Ва энг аввало, Миртемир домланинг Ойбек китобига муҳаррирлик қилгани муносабати билан айтган гапларини эсладим. «Мен Ойбек домланинг китобига муҳаррирлик эмас, қоровуллик қилдим», — деган эдилар раҳматли Миртемир домла.

Мен ҳам шундай қилдим. Лекин бутунги кун талаби билан бир шеърини тўпламдан олиб қўйиш ва бир шеърдаги икки-уч сатрга таҳрир киритиб беришларини сўрамоқчи бўлдим. Фикримни бир хайрихоҳимга айтиб, тасдиқлатиб олмоқчи бўлгандим, у фикримга қарши чиқиб, «Эсингиз жойидами, Эркин ака шеърларига тегиб бўларканми? Зинҳор-базинҳор бундай қила кўрманг, Устозни хафа қилиб қўясиз» — деди. Ҳақлигимни исботлаб берсам ҳам, ўз фикрида қаттиқ туриб олди. Ҳаммасидан ёмони мендан олдин Устозга кўнғироқ қилиб, орамизда бўлиб ўтган гапларни етказиб, мени «кечиришларини» сўрабди.

Эркин ака эса, худди шуни кутиб тургандек, сизм қоқиб бағрикенглик ва босиқлик билан «Кулёмани олиб келаверинг, гаплашиб оламиз» дедилар. Бордим. Устоз ўзларининг мавқе ва даражаларини четга суриб қўйиб, қаламкаш қаламкаш билан гаплашгандай самимий муомала қилдилар, фикримни инобатга олдилар. Бу ҳолат мен учун яна бир сабоқ бўлди.

Ана шундан кейингина китобга аннотация — «қисқача маълумот» ёзиш ҳақида ўйладим. Одатда у жуда қисқа ва лўнда, нари борса уч-тўрт сатр ёзиларди. Менинг китобдан олган тассуротим шунчалик жўш урардики, уни қисқача маълумотга сиғдира олмасдим. Ва у ҳеч қайси китобникига ўхшамаган тарзда, қўшиқдай қоғозга ўзи тушди:

«Азиз китобхон!

Янги асаринининг чоп этилишини байрамни кутган боладек интизор кутадиган, чоп этилганда эса, топиб ўқимасак кўнглимиз жойига тушмайдиган севимли шоирларимиз бор. Улар бизни янги, эзгу оламга етаклайди. Қалбларимизни қайта тарбиялайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қўлингиздаги «Табассум»и ҳам ана шундай кўз тугилган китоблардан. Унга шоирнинг халқимиз орасида машҳур «Донишқишлоқ латифалари», шеърини мутойиба ва лутфлар, нақл ва масаллар, кўпчилик ёд биладиган ўша пародия ва бошқа ҳажвий асарлари киритилган бўлиб, улар она тилимизнинг ўзига хос бойликлари — ибора, юмор, киноя, қочиримлари воситасида ҳаётга муносабатимизга бағрикенглик бағишлайди, шарқона донишмандлик намуналари сифатида завқшавқ беради, ибратли хулосалар чиқаришга чорлайди. Энг муҳими, кулдиради, уни ўқиб маза қиласиз.

Сизни ана шу байрам билан муборакбод этамиз».

КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Устоз Эркин Воҳидовнинг «Табассум» китобининг нашр этилиши адабиётимизда воқеа бўлди. Бошқа асарлари каби у ҳам мухлислар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. «Эркин Воҳидовхон»ларнинг кўпчилиги кутубхона нашриётига китоб сотиб олиш учун ташриф буюришиб, бизни ҳижолат қилди, бизда китоб савдоси учун махсус рухсатнома бўлмагани учун, уларни асар нашр этилган босмахона — «SHIDASP» МЧЖ матбаа корхонасига юбора бошладик. Машҳур «Шарқ зиёкори» китоб дўкони ундан эллик минг дона буюртма берди. Ва ўзимизда, кутубхонамизнинг муҳташам «Мажлислар зали»да «Табассум»нинг тақдимотини ўтказдик. Тақдимотда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар ва мухлислар асар борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Китобдан ўрин олган барча асарларнинг кўпчилиги тоталитар замонда ёзилган бўлса-да, бугунги кун учун ҳам хизмат қилажаги кўпчилик томонидан таъкидланди. Ахир, қанчадан-қанча қалам аҳлининг қанчадан-қанча ёзган-чизганлари мустабил давр билан бирга «ҳалокатга учраб» яроқсиз ҳолга келиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳолат тўпلامдан жой олган «Шум бола» шеърида, айниқса, образли ифодалангани айтиб ўтилди. Дарҳақиқат, унда нафақат бошқалар, ҳатто машҳур Шум бола ҳам ўзгарган — унинг ёлғон эмас, энди рост гапириб яшашга ўргангани ва бу ўзига хос муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, қуйидаги сатрлар қуймалиги ва қарама-қарши туйғулари билан эсда қолади:

Шарт эмас Шум бола бўлиш,
 Ёлғон бу кун осондир.
 Газет тўла, китоб тўла,
 Мажлис тўла ёлғондир...

Бир айбим бор, фақат баъзан...
Рост гапириб қўяман.

Бой отанинг жаҳли чиқди,
Деди: Кўнглим зормиди?
Ёлғонингга чидаб эдим,
Рост гапинг ҳам бормиди?

Тақдимотда шеърнинг қачон ёзилгани тўғрисида баҳс кетди. Маълум бўлишича, у 1991 йилнинг бошларида, мамлакатимизда Мустақиллик шабадалари ҳали эсмай туриб қоғозга тушган экан.

Тақдимотдан сўнг Устозга эсдалик совғалари топширилди. Улар орасида иқтидорли ёш шоира Адиба Умированинг Устоз Эркин Воҳидов «Оқ йўл»и билан кутубхона нашриётида чоп этилган «Ёруғ сирлар» шеърлар тўплами ҳам бор эди. Буни алоҳида ифтихор билан йиғилишда эълон қилгандик, Устоз жуда миннатдор бўлдилар.

— Қаранг, — дедилар Устоз, — бир китобнинг чоп этилиши учун яқин уч-тўрт йил вақт сарф бўлибди. Мен бу тугма таланти қизга бу «Оқ йўл»ни ёзиб берганимда ҳали у турмуш қурмаган ёшгина қизча эди. Яқинда эшитдим: оила қурибди, уч боласи бор эмиш.

Йиғилганлар қизиқиб, ўқиб беришимизни сўрашди. Устоз лутф кўрсатиб, матнни чексиз-чегарасиз бир меҳр билан, ўзлари ўқиб бердилар:

— Ёш шоира Адиба Умированинг шеърларини ўқиб, адабиётимизга яна бир ўзига хос катта истеъдод эгаси кириб келаётганидан қувондим. Шеърлар чуқур эҳтирос, завқ билан ёзилган. Ёшлик шавқи шундоқ уфуриб турибди. Энг муҳими, эсда қоладиган сатрлар кўп. Образли тафаккур, самимият бор.

Осмонда Худо бор, нима гаминг бор?!
Заминда сен борсан, нима камим бор?!

Ёки:

Ҳой каккужон, сайрамай тургин,
Бошламадим яшашни ҳати...

Бундай мисралар ҳақиқий истеъдод нишоналаридир. Шеърят чидам, сабот, узлуксиз меҳнат талаб қиладиган қалб ишидир. Бу йўлда шоирага ғайрат, фидойилик тилайман.

*Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири.*

Йиғилганлар Устозни гулдурас қарсақлар ва гулларга кўмиб ташлади. Бу адабиёт дарғасининг адабиёти-миз келажаги учун қандай қайғуришининг, ёш ижодкор китобидан қандай қувониши мумкинлигининг намоиши сифатида қалбларга бир умрга муҳрланди.

Тадбирдан кейин мухлислар Устоздан эсдалик учун «Табассум» китобига дастхат ёздириб ола бошлади. Кўпчилик мухлислар қатори мен ҳам навбатга турдим. Навбат менга келганида Эркин ака «Муҳарриримга ҳам ёзиб берай энди, бошқалар шошмай туришсин» деб жилмайиб қўйдилар: «Азиз муҳарририм Шукуржонга алоҳида миннатдорлик ила...» ва... кейинроқ, 2014 йилда «SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан chop этилган «Янги шеърлар» китобидан жой олган «Қурбон ўлам» деб номланган тўртлигини ёза бошладилар:

Шукур Қурбон бўлиш осонмас,
Яшамасанг шеър ғамини еб.
Ёш шоирлар куйлар басма-бас
«Қурбон ўлам» деб.

Ва машҳур имзолари «Э воҳ» ва сана қўйилди. Миннатдорчилик билдирдим. «Дастхатингиз билан еттинчи китобингизни олаяпман, Эркин ака» дедим. Устоз бир муддатдан сўнг иккинчи марта жилмайдилар-да, лутф қилдилар:

— Мендан бир йиғинда адабиёт мухлислари сўраб қолишди: «Эркин ака, бир яхши шогирдингиз бор экан, «Шукур Қурбон»ми, «Шукур Бурҳон»ми деган. Баъзилар уни катта санъаткор дейди, баъзилар Эркин Воҳидовнинг шогирди, дейишади. Қайси бири тўғри?» — деб. Мен жавоб қиламан: «Тўғри, Шукур Бурҳон деган жуда катта актёр ўтган, Мирзо Улугбекларни, Юсуф Ялангўшларни ўйнаган. У чин маънода санъатимиз дарғаси. Лекин Шукур Қурбон ҳам бор, менинг шогирдим ва у адабиётдаги Шукур Бурҳондир» — дедим.

Устознинг ёзган-чизганларим тўғрисида илиқ гапларини кўп эшитганман, лекин бу даражадаги мақтовни, Худо ҳақи, кутмаган эдим. Бошим айланиб кетди «Эркин ака, менга бу қарз, мен узаман насиб этса бу қарзни, шеърларим ҳақида чет элларда ҳам маъруза ўқиганингизни айтгандингиз, мақолаларингизда номимни тилга олгансиз, раҳмат, лекин ёзганларимни бу даражада баланд баҳолайсиз, деб ўйламагандим.

— Ҳа, Шукуржон, — деди кимдир минғирлаб, — «қарз» деяпсиз, қарзларингиз жуда кўпайиб кетди. Биз ҳам кўп яхши гапларни айтганмиз ижодингиз ҳақида, ҳали узганингиз йўқ бирортасини. Ногаҳонда бошимдан сув қуйгандек ҳолатга тушдим. Овоз эгаси менга яхши таниш ва инжиқ адабиётшунос олим бўлиб, кўп совуқ гаплар билан кўнглимни оғритиб келарди. Ижодим ҳақида ҳам бор-йўғи алоҳида хат бошидан бир ярим қатор гап ёзиб қўйган эди бир мақоласида:

«Шукур Қурбон шеър ўқиганда худди ярадор шер наъра тортаётганга ўхшайди, лекин у шернинг қаери-

дан яраланганини билиб бўлмайди». Бошқа бирор оғиз гап йўқ. Шоир қайси шеърини ўқиганда? Нега ўқиганда? Ўзи ўқиб кўрмаганмикан? Шунақа фикр билдириш ҳам бўларкан-да - на бир мисол, на бошқа. Кўнглим оғриб бир тўртлик ҳам қоралагандим:

- Шоирларнинг кучлиси нима бўлади?
- Талантли, иқтидорли, туғма бўлади.
- Танқидчининг кучлиси-чи, танқидчининг?
- Танланти кўпайса, бўғма бўлади.

Бу ҳақда Эркин акага айтмадим, лекин гап айланиб раҳматли устозим Озод Шарафиддиновга боғланди. Устоз у кишининг ҳаётда кўрсатган матонатлари ҳақида гапирдилар. Ўз навбатида, мен ҳам Озод ака хонадонида гувоҳи бўлганим бир воқеани ёдга олдим:

50 ёшга киришим муносабати билан нашриётлардан бири ниҳоят менинг ҳам сайланмамни чоғ этишни режалаштирди. Китобим муҳаррири «унга бирорта адабиётшунос олим сўзбоши ёзиб берса, яхши бўларди», деган гапни айтишди. Озод Шарафиддиновдан ёздириб олишни ният қилдим. Лекин ниягим амалга ошмади. Гап шундаки, бу пайтда устоз катта уйлари-нинг бир четига икки кишилик диван-каравот устига сандалга ўхшатиб хонтахта қўйиб ижод қилардилар. Стол чироғи, телефон, турли китоблар, қўлёзмалар тахлами – ҳаммаси шу хонтахтага жойлаштирилган бўлиб, нарироқда, дераза томонда телевизор ёқилган эди.

Устоз Ўзбекистон радиоси учун менга интервью бераётган эдилар. Кутилмаганда кўзларини чирт юмиб, оғриқнинг зўридан ихраб юбордилар.

Нима дейишимни, домлага қандай ёрдам қилишимни билмай атрофга алангладим. Сал нарида келинойим Шарофат опа тургандилар. Яқин келиб домланинг елкаларини ушлаб меҳр билан уқаладилар. Менга паст овозда изоҳ берган бўлдилар:

– Индаманг, ҳозир ўтиб кетади. Тез-тез шунақа бўлиб турадилар.

Домла кўзларини очганларида, анча ҳолдан тойган, худди хасталик билан жанг қилгандек эдилар. Овоз ёзгичларимни аста-секин йиғиштира бошлаган эдим, домла рухсат бермадилар. Суҳбатни келган жойидан давом эттирдилар. Устознинг кейинги ёзган асарлари қанчалик машаққатлар эвазига дунёга келаётганини ана шундан кейин тасаввур қилдим. Ва сўзбоши ёздириш ниятидан қайтдим. Дарвоқе, бунинг устига, сайланмани нашр эттиришга ҳомий топилмади.

Атрофимдагиларни ҳайратга солиб, Эркин ака дедилар:

– Шукурбек, сайланмангиз тайёрми?

– Тайёр. Ҳатто нашриётимиз чиқарамиз, дегандай қилаяпти.

– Менга беринг, сўзбошини мен ёзиб бераман.

Хурсандлигимдан нима деганим, эсимда йўқ. Фақат бошқа бир устозимнинг «Шукурвой, ўзингиз ёзиб келинг, менинг номимдан. Мен қўл қўйиб бераман» дегани, бундан ҳафа бўлганим эсимга тушди. Негадир ... йиғлагим келди.

Устоз сайланмамга ваъда қилган сўзбошини ёзиб бердилар. Мана ўша мен учун ардоқли битик:

«Биз, олтмишинчи йилларда адабиётга кириб келган авлод, ёшимиз қирққа етганда ҳам «ёш ёзувчи», «ёш шоир» деб аталганмиз. Сабаби ҳали биздан кейинги ижодкорлар авлоди ростмона бўй кўрсатмаган, адабиёт майдонини эгаллаб улгурмаган эди. Етмишинчи йилларга келиб янги бир тўлқин, янги бир истеъдодли авлод сафимизга қўшилди. Ўзбек назми ва насрига янги руҳ кириб келди. Бу авлод сафида пешқамлардан бири Шукур Қурбон эди. Унинг ҳаяжон тўла юраги, айтган сўзи, ёзган шеъри, ҳар бир хатти-ҳаракатида аён бўлиб турарди. Шукурнинг илк шеърларини ўқиб кўнглимда туғилган яхши сўзларни ўша

вақт матбуотда, анжуманларда айтганман. Қарангки, у замонлар ҳам қирқ йилча ортда қолибди.

Бугун энди Шукур Қурбон элга таниқли шоир, ўзи устоз бўлиб, ёш ижодкорларни тарбияламоқда, ижод майдонига йўллаб, илк китобларига «Оқ йўл»лар ёзмоқда.

Бугун мен Шукур Қурбоннинг сайланма шеърларини ўқиб, у босиб ўтган ижодий йўлни кўз олдимга келтириб турибман. Бу йўл ҳеч бир шоирда текис ва равон бўлмайди. Шукур каби ҳиссиёт шоирида ижодий изланиш йўллари машаққатли кечади. Ҳаёт бир ерда турмаганидек, ижодий услуб ҳам ўзгариб, янгиланиб боради. Мана, олтмиш ёш арафасида у анча тиниқлик касб этган:

Шоирлар каломи отилган ўқдир,
Нишонга тегарки, кўнгиллар тўқдир.
Ҳақиқатни айтиш нодонлик бўлса,
Нодонликдан айро шеърят йўқдир.

Шоир дўстимга ижодий умрузоқлик тилайман.
Қалб ҳарорати кам бўлмасин.

*Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири».*



* * *

Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади. Сўзни идрок қилиб оламни янада тегароқ идрок қилади. Сўзнинг илди-зига етган киши дунёнинг тағига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан.

* * *

Биз фақат фаразлар қиламиз, асл ҳақиқат эса, сирлар уммони тубида ётибди. Лекин барибир тинчимас идрок эгаси бўлган одамзод гаввос бўлиб, бу уммон остини кезади, кашфиётлар қилади ва кашфиётлари ҳам чексиздир.

Эркин Воҳидов



«СЎЗ ЛАТОФАТИ»

Тил ҳақида, аслида, тилшунослар ёзишади, олимпик ишлари (диссертациялар) ёқлашади. Шоир, ёзувчилар эса, ундан фойдаланиб (тўғрироғи, тил воситасида), шеър, дoston, ҳикоя, қисса, роман ва бошқа бадиий асарлар яратишади. Устоз Эркин Воҳидов бундай ўйламайди.

— У ҳақда қайғуриш, — дейди Эркин ака «Сўз латофати» китобида, — унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир.

Лекин тил ҳақида бундай қайғуриш қадимдан кучли эҳтиёж натижасида юзага чиққан. Масалан, Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») асари ёзилишига мамлакатда фортожик тилига эътибор кучайгандан-кучайиб, она тилимиз (туркий тил)га сусайгандан-сусайганида, шоир ва ёзувчилар асарларини ўз тилларида ёзмай қўйишгани сабаб бўлган. «Сўз латофати»-чи? У қандай сабаб билан ва нима мақсадда ёзилган? Бу ҳақда Устоз «Муҳокаматул-луғатайн»нинг бошқа мақсад ва бошқа вазифада ёзилганини таъкидлаб, фикрини шундай изоҳлайдилар:

«Ўзбек тилининг ривожига аҳамиятсиз ҳисобланган, тарихимизнинг бойлиги ва улўғлиги тўғрисида гапириш миллатчилики саналган даврлар ўтди. Қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган замон келди. Лекин ўриндан қўзғалишимиз қийин кечмоқда. Қарамликдан қутулсак ҳам, узоқ вақт давомида жонимизга сингиб қолган ҳадикдан қутулмадик.

Биз бошдан кечирган қаттол тузумни,
Илоҳо, кўрмасин ҳеч ким ҳеч замон.
Бунчалар ҳам қаттиқ тишлабмиз мумни,
Оғиз очолмасдан юрибмиз ҳамон.

Жонкуяр аждодларимиз сонсиз луғатлар тузиб,
келажак авлоднинг саводини ўйлаганлар. Минг йил-
лар қаъридан етиб келган Сўз жавоҳирини асраб-авай-
лаб бизга етказганлар. Уларни ўрганиш, нашр этиш
ёлғиз мумтоз адабиётимизни англаш учунгина эмас,
турлича ижтимоий, илмий, ахлоқий атамаларни би-
лиш ва тилимизга дадил киритиш учун керак. Агар
ўша луғатлар қўлимизда бўлганида фаннинг барча
соҳаларида ўзбекча сўзлар кўпроқ ва устунроқ бўлар-
ди. Юридик шахс, жисмоний шахс, ҳуқуқбузарлик
сингари зўрма-зўраки таржималарга эҳтиёж қолмас-
ди. Олтин пробасини ўзбекча нима десак бўлади, деб
бош қотирмас эдик. Ўзбекистоннинг тўқсон тўққиз
ёрғитли тилласи бор, дея ифтихор билан айтардик.
Олтинимиз ёнида олтин сўзимизга-да эга бўлардик.-
Мустақил юртимизнинг ўз мустақил армияси ўз ҳар-
бий атамаларини топарди. Саркарда ёнида сартиб, сар-
ҳанг, сарлашкар, сипоҳсолор каби жанговар унвон-
даражаларимиз бўлар, авангард, арьергард ўрнида хи-
ровул, чиндовул деб, ўнг ва сўл флангни буронғор,
жувонғор дея Темур бобомиз айтгандек, Ҳазрат На-
войи шеърга солгандек айтардик:

Ҳам буронғор, ҳам жувонғор кинсигол,
Ҳам яна гулу ҳировулда бу ҳол.

Бу соф туркий сўзларнинг талаффузи қийин бўлса,
маймана, майсара дердик. Мен асл ўзбекча юзбоши,
мингбоши, айниқса, кўрбоши унвонларини тилга ол-
мадим. Ўтмишимизни қоралаш урф бўлган замонда
улар шу қадар лойга қорилганки, эшитган одам бу-

гун ҳам сесканади. Ўрни келганда айтиб қўяй: қўрбоши эмас, қурбоши десак тўғри бўлади. Чунки қур тўплаш, йиғиш маъносини англаувчи қурмоқ сўзининг ўзаги. Йигитлар давра қурса бир қур йигит деймиз. Бир қур ичидаги йигитлар қурлош бўладилар. Ёши тенглари тенгқур аталадилар».

Беихтиёр ҳазрат Алишер Навоийнинг «Тилга эътибор — элга эътибор» деган ҳикмаги эсга тушади. Лекин Устоз айтаётган гаплар фақат эътиборсизлик туфайли юзага келганми? Тилга муҳаббат, тилдан завқланиш ҳам керак эмасми? Эркин ака тилшунос олимларимизнинг бу борада қилаётган ишларини тилга олар эканлар, китобхон енгил нафас олади — «Ҳайрият-е» деб:

«Тилшунос олимларнинг кўплари билан дўстман. Дўст ачитиб гапиреди. Лекин фақат аччиқ гапларгина айтсак, инсофдан бўлмас. Шубҳа йўқки, истиқлол йилларида тилшунослигимиз бирмунча ривожланди. Катта жамоанинг кўп йиллик меҳнати — беш жилдди изоҳли луғатнинг нашр этилгани, гарчи у мукамалликдан йироқ бўлса ҳам, эл маърифати учун фойдали иш бўлди. Профессор Қосимжон Содиқов «Девону луғотит турк»нинг қайта нашри устида иш олиб бормоқда. Академик Эргаш Фозилов Навоий асарларининг тўлдирилган ва батафсил шарҳланган луғатини тайёрламоқда. Алломанинг айтишича, бу луғат ҳар бири минг саҳифалик бешта китоб бўлади. Атоқли тилшунос Шавкат Раҳматуллаев уч китобдаи иборат ўзбек тилининг этимологик луғатини чоп эттирди. Академик Неъматулла Иброҳимов раҳбарлигида тайёрланаётган арабча-ўзбекча мукамал луғат яқин ойларда дунё юзини кўражак. Шарқшунос олим Муҳаммаджон Имомназаров ўз шоғирдлари билан «Хамса»нинг тўла сўзлиги, конкардансини тузмоқда. Булар, албатта, олийжаноб ишлар»

Устоз барибир юқорида тилга олинган ишлар амалга ошгани билан ҳам она тилимиз бошида қуюқлашиб кетган булут балки бир оз сийраклашиши мум-

киндир-у, бутунлай тарқамаслигини ҳис қиладилар:

«Лекин армон армонлигича қолади. Мусулмончилик астачилик, дея ўзимизга таскин бериб, шитоб замондан ортда юриш энди ярашмайди. Олимларимиз зиммасида мумтоз адабиётимизнинг мукамал сўзлигини тузиб беришдек улкан бурч турибди. Ўзбек тилининг ўз грамматикаси — сарфу наҳви йўқ. Кимга тобе бўлсак, унинг тили қодаларини олганмиз. Ҳозирда рус тилининг сўз ясаш, гап қуриш, имло талабларини шундоққина қабул қилганмиз. Тилшунослик атамаларимиз бари русчадан таржима қилинган. Ўз она тилимизга мос грамматика яратиш ҳам олимларимиз бўйнидаги қарз. Ҳам бугунги авлод, ҳам келажак насллар олдида ўташ зарур бўлган, кечиктириб бўлмас қарз бу».

Она тилимизга оммавий меҳр-муҳаббатни таркиб топтириш учун унинг ўзига хос бойлиги ва фазилатларини кўрсатиш ҳам керақдир — Алишер Навоийнинг «Муҳокаматуул-луғатайн»да «йиғламоқ» сўзининг қатор-қатор маънолари изоҳланганидек. Устоз «ранг» сўзининг ўттиз икки маъносини китобхонга кўрсатиб ўтадилар «Сўз латофати»да. Мана, ўзингиз кўринг:

«Дарҳақиқат, ранг сўзининг ўттиз бир маънода келиши китобларда кўрсатилган: Биринчиси ва энг машҳури оқ, қора, қизил деган каби тус, иккинчиси ҳисса, насиба, учинчиси айб ва орият, тўртинчиси ранжу изтироб, бешинчиси қувват ва имкон, олтинчиси жон, еттинчиси нортуя, саккизинчиси мол-мулк, олтин, тўққизинчиси фойда, ўнинчиси дарвешларнинг кўк тўни, ўн биринчиси равиш, тарз, ўн иккинчиси тоғ эчкиси, ўн учинчиси макру ҳийла, ўн тўртинчиси кўкариш, юз очиш, ўн бешинчиси яхшилик, ўн олтинчиси саломатлик, ўн еттинчиси шарму ҳаё, ўн саккизинчиси қон, ўн тўққизинчиси чирой ва латофат, йигирманчиси миқдор, йигирма биринчиси ўғрилиқ, йигирма иккинчиси қимор ва қимордан топилган бой-

лик, йигирма учинчиси тангри ва эга, йигирма тўртинчиси ота, йигирма бешинчиси юздаги хол, йигирма олтинчиси лутф ва рамзу ишора, йигирма еттинчиси қувноқлик ва шўхлик, йигирма саккизинчиси қўнғироқ, йигирма тўққизинчиси қаҳру ғазаб, ўттизинчиси ипак, ўттиз биринчиси хиёнат. Ўзбек тилида рангнинг ўттиз иккинчи маъноси ҳам бор. Юз, афт, башара маъносида. Ранги рўй, яъни юзнинг ранги сўзидан рўйнинг тушиб қолиши нағижасида ҳосил бўлган. Ранги синиқ, ранги бузуқ, ранги совуқ, ранги қурсин иборалари бунга мисол.

Фузулий байтида ранг биринчи, асосий маъносида келган бўлса, Бобур байтида ўн учинчи маъно, яъни ҳийла ўрнида қўлланган. Навоий байтидаги рангин тус-қон туси, яъни ўн саккизинчи рақамли мазмунга эга. Ҳазратнинг «Лисонут тайр» достонидан олинган қуйидаги байт ўн биринчи рақамли маъно, яъни тарз, равишни билдиради:

Ун чекиб ноқус оҳанги била,
Куфр элининг шевау ранги била...

Бу ўринда Шайх Санъоннинг ишқдан мажнун бўлиб, диндан чиққани ва куфр элига ҳос тарзда ноқис сўзлар айтгани, бутта чўқингани чўчқа боққани тўғрисида сўз боради».

Она тилимиздаги сўзларнинг маъно жиҳатдан ранг-баранглигини билишдан ташқари, ишлатаётган (ишлатишга кўпчилик зиёлилар ҳам ўрганиб қолган) сўзларимиз маънолари тўғрисида ҳам бош қотириш, уларнинг туб ўзак ва асослари хусусида ҳам ўйлашимиз лозимлигини Устоз «Сўз латофати»да қанчадан-қанча зиётиларга ўзига ҳос «танбеҳ» сифатида уқтириб ўтадилар:

«Қатағонни бугун репрессия ўрнида ишлатамиз. Сўзнинг ўзаги пресс бўлгани учун тўғридан-тўғри таржима қилиб, босим ҳам дейдилар. Дарҳақиқат, у машъ-

ум йилларда босим ҳам, таъқиқ ҳам кучли бўлган. Лекин репрессия биз учун атамагина эмас, аялчли тақдир, фалокатли тарих ҳамдир. Шу маънода иккала истилоҳ ҳам халқимиз бошдан кечирган даҳшатли ифода қилолмайди. Миллионларнинг ёстигини қуритган репрессияни қатағон, босим эмас, истибдод деса тўғ-рироқ бўлади. Истибдод чекланмаган ҳуқуқ билан жабр-зулм ўтказиш демакдир. Бу сўзда босим ҳам, ҳақсизлик ва шафқатсизлик ҳам, зиндон азоблари ҳам бор. Истибдод дод сўзига ўзакдош эмас. Лекин бу калимала жабрдийдаларнинг доду фареди эшитилиб туради. Мустабид гузумнинг тутқунлиги — истибдод, мустақил Ватаннинг эркинлиги — истиқлол. Истибдоднинг заволи, истиқлолнинг камоли мангу бўлсин».

Устознинг она тилни чуқурроқ билиш кераклиги тўғрисидаги бу «қийналишлари» мустақилликкача бўлган даврда айтилиши керак бўлган, лекин айтилмаган, устига-устак, истиқлолдан кейин 24 йил ўтса ҳам, ҳеч ким тилга олмаган гапларни ўйлар эканман, бир олимнинг «чет тилини ўрганиш учун инсон ўз она тилини мукамал билиши керак, чет тилдан ўрганилган ҳар бир янги сўз она тил сўзларига мисоли қозиққа илингандек илиниб яшайди. Акс ҳолда, улар қумсоатнинг қумларидек тўкилиб тушаверади» деган сўзлари ёдимга тушди. Ва мен хизмат қилаётган даргоҳда кўпчиликни хурсанд қилиб, инглиз тилини ўрганаётган бир гуруҳ ёшлар ҳақида ўйладим. Ҳар икки ҳолатни мушоҳада қилиб, бир нарса қораладим:

«Ёшлик, бу — ҳаяжон, ёшлик, бу-сеҳр, Жўшар ва жўштирар орзу ва талаб. Бир қалбда туғилган ажиб бир фикр Олганди юзлаб ёш юракни қамраб.

Дедилар: «Мустақил ўрганамиз тил, Дарсдан кейин бунда, кутубхонада.» «Марҳамат, дедик биз, тиладик «Оқ йўл», Буюк уйғонишнинг буюк тонгида. Сўрашди китоблар - хорижий тиллик, Фильм, мульт-

фильмлар, мулоқот учун -- Зал ҳам алоҳида, муҳайё қилдик. «Тил ўрганишмоқчи, рад этмоқ нечун?»

Ёт тилда чулдираб ўтдилар у ён, Ёт тилда чулдираб бу ён ўтдилар. Она тилда айтса бир сўз ногаҳон, Баъзи тенгқурлари мулзам этдилар.

Аввалига парво қилмадик унча, Суякка қадалди охири пичоқ: «Она тил ҳалақит бермас, аксинча, Ёрдам берар дедик, тил ўрганган чоқ». Уни ардоқламай туриб мумкинмас Ёт тилни ўрганмоқ, ёт тилни билмоқ. Юракдаги она тил сўзларига Керак бегона тил сўзларин илмоқ. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракат бекор, Гўё қумсоатдан тўкилган қумлар — Тўкилар бирма-бир, қатор ва қатор, Вақт ўтгач, ўрганган барча сўз, жумла.

Бу бизнинг гап эмас, олимлар айтган, Чақалоқлар бундан мустасно фақат. Сиз бизни кечиринг, сизлар улғайган, яъни сал кечиккан авлодсиз, албат.

Бошқа йўл бор бироқ кўпроқ заҳматли, Кўпроқ шарофатли, умрбоқий йўл. Қамчиламоқ керак ул томон отни, Унга, фақат унга бермоқ керак қўл.

Она тил орқали ўтар у йўл, бас, Кўнгил орқали ҳам ўтар у, демак. Миллат орқали ҳам ўтмасдан қолмас, Ватан орқали ҳам ўтадир, бешак.

Кечиб кўнглимиздан минг битта ҳадик, Англатмоқчи бўлдик хатоларини. Гапимизни бўлмай, қутмаган эдик, Тингладилар ёшлар биз — катталарни.

Ҳафта ўтиб яна учради улар, Баъзи бировлар жим, кўзни ёшлади. Кўришаркан улар бир-бирларига Она тилда салом бера бошладилар».

Устоз «Сўз латофати» китобида она тилимизни «билишнинг чапанича кўриниши» ҳақида ҳикоя қилиб, мухлисларни хушёрлик ва сабр-тоқатли бўлишга чақиради:

«Нашриётда муҳаррир бўлиб ишлардим. Бир шеърий баёзни босмаҳонага топширдик. Бир ой ўтиб терилган нусха - корректура келди. Не кўз билан кўрайликки, бирор саҳифа беҳато ёзилмаган. Ҳарф терувчи

ҳамма шеърларни ўзи тушунганча «тўғрилаб» чиққан. Музофот мукофотга, мухаммас мусалласга, пеша тешага айланган. Ҳаммасидан қизиғи, бир газалхон шоиримизнинг, Не муаттарликки бор, ул мушки анбардин келур, деган сатрини мушук омбордан келур, дея ўзича тузатибди. Ўша ҳарф терувчини суҳбатга чақирдик. Хатоларини кўрсатдик. У эса, узр айтиш ўрнига биз билан баҳс қилишга тушди. «Мушук омбордан келади-да, бошқа қаердан келади?» деб туриб олди. Биз сўзларнинг маъносини чақиб, қозоқнинг тўққиз пулидек қилиб тушунтирганимиздан кейин ҳам хатосини бўйнига олмади, ўзимизни айбдор қилди. — Одамзод тушуналган қилиб ёзинглар-да, — деди у бизга ва ғолибона қадам ташлаб чиқиб кетди. Ўшанда биз ижодкорлар, муҳаррирлар эмас, оддий ҳарф терувчи устун чиқди. Унинг айтганлари ўша замоннинг сўзи, давлатнинг, ҳоким мафкуранинг сўзи эди. Йўқсил маданияти дея аталган дунёқарашнинг ифодаси эди. Биз ҳаммамиз насл-насабимизнинг уламо, мударрис ўтганини яшириб қашшоқ, батрак бўлган дея кечмишимизни улуғлагандек, ёзган шеърларимизнинг оддийлиги, жўнлиги билан мақтанар эдик. Шоир учун энг буюк мақтов — шеърининг соддалиги ҳисобланарди. Етмиш йил ҳокимлик қилган бу сиёсат бошқа тиллар каби ўзбек тилини ҳам абгор қилди.

«Одамзод тушунадиган қилиб ёзинглар-да!» Қойил! Лисоний бойлик юз минглаб сўзларни ўз ичига олади. Лекин инсонга тириклик ўтказиш учун уч-тўрт минг сўзни билиш кифоя. Кўчада ўйнаб юрган гўдакнинг луғат бойлиги юзта сўздан ошмайди. Унга шу етарли. Уни ҳам қойил деймиз. Агар ўша қашшоқликка сиғиниш мафкураси яна эллик йил давом этса, сўз хазинамиз ўша гўдакнинг луғат бойлигидек бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди».

Назаримда, Устознинг бу гапларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Кечагидек эсимда, она тилимизга давлат мақоми бериш арафасида (Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Адабиёт муҳарририятида хизмат қилардим) ўшанда бир рус ҳамкасб биродарим билан баҳслашиб қолгандим, мен она тилимизнинг гўзаллиги ва бойлиги, ўзига хослиги тўғрисида сўзлагандим, у ўз она тили ҳақида билганларини айтганди. Қишлоқда улғайганим, ўзбек мактабида ўқиганим учун фикримни истаганимдай баён қила олмаганимдан кўп афсуслангандим. Бунинг сирини, мана неча йил ўтиб, Устознинг «Сўз латофати» китобидан ўқиб билдим:

«Ўзбек тилида отлар ва феъллар жинси фарқланмайди. Сўзларнинг музаккар-муаннаси, эркакча-аёлчаси йўқ. Ҳаммаси бир хил. Бу ҳам сўзлашни осонлаштиради. Мен ўзим шунча йил рус тилида муомала қилиб, ҳали-ҳамон родларни адаштираман. Нега день — мужской, ночь — женский родда? Нега октябрь — тёплый, осень — тёплая? Не сабаб дичь — бошқа, соболь- бошқа жинсда? Мен учун тушунарсиз. Ўз тилимдан кўймасин, дейман. Биз бирор калмага оддийгина «чи» кўпсак касб-ҳунар эгасининг номи чиқади. Ишчи, ёзувчи, ўрмончи, бўёқчи, асалчи каби. Бундай содда сўз ясаш ҳам барча тилларга хос эмас. Руслар биз санаган атамаларни рабочий, писатель, —лесник, маляр, пчеловод дейдилар. Ҳунар эгаси ясашнинг шакли кўпу аниқ қоидаси йўқ. Ҳар бирини ёдлаб олиш керак бўлади. Биз бирор ишга ё воқеага сабаб бўлган одамни сабабчи деймиз. Рус тилида причина бор, лекин бу сўздан сабабчи ясаб бўлмайди. Шу боис тўй-тантана сабабчисини ярим ҳазил билан виновник торжества дейдилар. Бошқа сўз бўлмаса нима қилсинлар? Жўналиш келишиги ясаш ҳам ўзимизда осон. Ҳамма сўзга тиркаса бўладиган «га»кўшимчамиз бор. Руслар Киевга борсалар в Киев, Украинага борсалар на Украину, дейдилар. Уйга кетсалар — домой, ишга

кетсалар — на работу, ишхонага эса — в кабинет. Кавказга бошқа, Бокуга бошқа, далага, овга бир хил, тоғларга, дарёга бошқа хил, даволанишга алоҳида, шифохонага алоҳида сўқмоқ орқали борадилар. Бу сўқмоқларда адашиш ҳеч гап эмас. Киймоқ ва кийдирмоқ, кўпгина тилларда бир хил айтилади. Руслар ҳам ҳар икки ҳолатда одевать сўзини ишлатадилар. Бизлар ўзимиз киямиз, бошқага кийдирамиз, иккинчи одамга айтиб, учинчи одамга кийдиртирамиз, ҳатто уч кишини ўртада восита қилиб тўртинчи одамга кийдиртиргизамиз. Қани бу ишни бошқа исталган тилда бир сўз билан айтиб кўринг-чи! Овора бўласиз!.. Бу сўзларни сиз ўзбек тилига тенг келадиган тил йўқ экан, деб тушунманг. Муҳокамат-ул луғатайн ҳам бундай мақсадда ёзилмаган. Баҳсимиз она тилимизнинг кенг имкониятлари тўғрисида, ҳеч бир тилдан кам эмаслиги устида бормоқда. Очиғини айтиш керак, луғат бойлигида биздан устун, сарфу наҳви бизникидан мукамал тиллар бор. Абдулла Қодирий меҳробдан чаён иборасини русча шаклдан олган. Ўзбекчада меҳробдан чиққан чаён бўлиши керак эди. Биз ҳеч вақт қишлоқдан одам, ёки тандирдан патир демаймиз. Қишлоқдан келган одам, тандирдан узилган патир деймиз. Лекин сўзнинг энг яхшиси энг қисқаси бўлади. Рус тилидаги шакл қисқароқ ва соддароқ бўлгани учун Қодирий бобога маъқул келибди. Улуғлар қўйган қадам, албатта, ўзининг издошларини топар экан. «Меҳробдан чаён»га тақлидан ён дафтардан кўчирма, қишлоқдан хуш-хабар, яхшидан ибрат каби сарлавҳалар қўямиз. Мозийдан садо номли журналимиз бор. Пушкиннинг машҳур шеърини «Куръондан иқтибос» деб таржима қилганмиз».

ҚАЙНОҚ ХАЁТ ИЧИДА ЯШАБ...

1973 йилда ТошДУ (Ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетни битирганимдан бери давлат ишида турли таҳририятларда ишлаб келаман. Мана, кексалик нафақасига чиққан бўлсам ҳам, орттирган озмоз тажрибамми, билимимми керак шекилли, уйда ўлтиришга руҳсат беришмаяпти. Бунинг учун шукур қиламан, албатта. Ҳатто ҳол-аҳвол сўраганларга ҳазиллашиб қўяман: «Ишхонам «кетиб қолмасайди» деб, мен эса, «ҳайдаб юборишмасайди» деб кўрқаман. Лекин ишхонадаги кўплаб биродарларим ҳол-аҳвол сўрашганидан кейин, одатдагидек, «Ижодлар қалай?» деб савол беришади. Уларга «яхши» деб кетаман-у, юрагим орзиқади. Уйга бориб, иккинчи ёки учинчи навбат («смена»)да ёзишим керак бўлган ижодий ишларимни ўйлайман. Устозлар-чи, мен билган устозлар ҳам шундай ишлаб, шундай ёзишганлигини ўйласам, ижодкор машаққатини янада чуқурроқ ҳис қиламан. Ахир, давлат ишида хизмат қилганларнинг елкаларидаги масъулият озмунча бўладими? Йўлда, ишхонада учраган кишилар билан муомала-муносабатлар учун қанча куч-қувват, асаб сарф бўлмайди. Лекин Худойим берганга бераверар экан, Устоз Эркин Воҳидов таржимаи ҳолларида буни «қайноқ ҳаёт ичида яшаб-ўрганганман» дебдилар. Қўлингиздаги китобни тайёрлаш жараёнида аканинг қаерларда меҳнат қилганларига қизиқдим ва қуйидаги ҳайратомуз маълумотларга дуч келдим:

Эркин Воҳидовнинг меҳнат фаолияти

ТошДУда ўқишни тамомлаган;

1. 1960 йилдан 1963 йилгача «Ёшлар нашриёти» да, 1963 йилдан 1970 йилгача «Бадий адабиёт» нашриётида муҳаррир;

2. 1975 йилдан 1983 йилгача «Ёшлар нашриёти»да бош муҳаррир;

3. 1983 йилдан 1985 йилгача «Ёшлик» журналыда бош муҳаррир;

4. 1985 йилдан 1987 йилгача «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти»да директор;

5. 1990 йилдан 2005 йилгача Олий Мажлис депутаты, Қўмита раиси;

6. 2005 йилдан 2010 йилгача Олий Мажлис сенатори, Қўмита раиси.

Жамоатчилик асосида:

1. 1970 йилдан 1990 йилгача Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида ҳайъат аъзоси, «Ёшлар билан ишлаш кенгаши» раиси;

2. 1987 йилдан 1990 йилгача «Ўзбекистон болалар жамғармаси кенгаши» раиси;

3. 1970 йилдан 1975 йилгача И.В. Гётенинг «Фауст» асари таржимаси билан машғул бўлганлар.

Ёшлар, болалар, ҳукуматнинг Мустақиллик даври



* * *

Оламни охиригача англаб бўлмаганидек, Сўзнинг ҳам тубига етиш имконсиздир.

* * *

Омонат деган ўзбекона сўзга қай қулоғини тутинг. Қанчалар теран инсоний туйғулар бор бу сўзда. Умулк ҳақида айтилса, бировнинг омонати, жон ҳақида айтилса, Олжоннинг омонати. Банда учун дунё омонат, дунё учун банданинг ўзи омонат.

* * *

Она тилимни севмасам, сўзларига маҳлиё бўлмасам, ҳайратланмасам, менга шоирлик қайда эди!

Эркин Воҳидов

юмушлари орасида бўлишининг ўзи бир инсон фаолиятига безак бўлиши турган гап. Бунинг устига, И.В. Гётенинг «Фауст» асари таржимаси билан шуғулланишларини ҳам ишхоналари орасига қўшганларида, менинг назаримда, алоҳида ҳикмат бор. Нақл қилишларича, Эркин ака «Фауст» она тилимизда китоб бўлиб босилгач, унга қалам ҳақи беришган, кассир аёл Устозга ҳам ҳавас ҳам ҳасад билан деган:

— Вой-бў, мунча кўп пул оласиз, Эркин Воҳидович!
— Ака қўлидаги «Фауст» асарини кўрсатган-да, деган:

— Мен бу асарни таржима қилиш жараёнида ўн марта қўл билан кўчириб чиққанман, сиз (таржима қилманг, бу юмуш амалга оширилган) ўн марта эмас, бир марта қўл билан кўчириб чиқинг, шу пулни сизга ҳад. қиламан, — деганлар. Айтишларича, кассир аёл китобни кўлига олиб салмоқлаб кўрган ва бу иш қўлидан келмаслигини айтган.

Устоз Эркин Воҳидов, демак, энг камида бир эмас, бир нечта ўзбек зиёлиси (ҳам арбоб, ҳам ижодкор) амалга ошириши мумкин бўлган юмушни бир ўзи ўринлатиб, бунинг устига, шахмат ўйнаш, дўст-биродарлар билан суҳбатлашишга, маҳалла-кўйга араллашиб, оила ташвишлари билан андармон бўлишга вақт топиб юрибдилар. (Жонлари соғ, умрлари узоқ бўлсин Устознинг!) Мана, Эркин Воҳидовнинг ўша машҳур «Шоиру шеър ушу» китоби аввалидан ўрин олган таржимаи ҳолидан шу ҳақда парча: «Мен ижодий меҳнатни фаол жамоат ишлари билан қўшиб олиб боришдек шарафли вазифа юкни доимо елкамда ҳис қиламан. Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг ҳам кераклигингни сезиш — бу катта бахт. Шунинг учун ҳам, жамоат меҳнатида ҳеч қачон ўзимни олиб қочган эмасман. Қайноқ ҳаёт ичида яшаб, ишлаб ўрганганман, гўшанишинлик табиатимга бегона. Таржимаи ҳолим борица ёзган шеърларимга, юрган йўлларимга, ҳаётимда учратган одамларга сочилган. Мана бу икки

сатр ўйлаб топилган эмас, балки кўнгилдан чиққан сўзлар:

Одамлар, сиз менинг ҳаётим,
Ҳар бирингиз умрим парчаси.

1987

КЕЙИНГИ АВЛОД ТАЪЗИМИ

Ушбу китоб нашрга тайёрланаётган кезларда Устоз Эркин Воҳидов шоғирдларидан бири, шоир Рустам Мирвоҳид билан суҳбатлашиб қолдим. У ҳайрат ва ҳаяжонларини мен билан ўртоқлашар экан, Устоз ҳаёти ва ижодидан ибратли сабоқлар олганини айтиб, уларни қоғозга туширганини, лозим топсам, кўлингиздаги китобга киритишимни сўради. Раъйини қайтармадим, балки булар бир кун Устоз сабоқлари ҳақидаги кейинги авлодларнинг кейинги китоби бўлар.

1

Бағишлов

Нурафшон юзингизга боқиб бир дам,
Илҳомбахш назмингиз ўқигач аста.
Майлига, сизнингдек ёзолмасам ҳам,
Доим шеър битарман сизга ҳавасда.
Ашъорингиз, не тонг, ипақдек майин,
Гуллардек нафис-у, баҳордек гўзал.
Гоҳида сел бўлиб оқишим тайин,
«Ёшлик» девонидан ўқисам ғазал.
Ғазал ҳам бўлурму шунчалар асл,
Бунчалар серишва, бунчалар мумтоз.
Менинг шоирлигим, ҳа, балки ҳазил,
Лек бундай ғазалга шайдолигим рост.
Ёдимда — илк бора шеърингиз ўқиб,
Бир ажиб хаёлга кўмилганларим.

Эсимда — нафосат баҳрида оқиб,
 Нурлар оғушида чўмилганларим.
 Ҳамон оқмоқдаман жилғалар мисол,
 Етмоқни истаб Сиз — дарё бошига.
 Ҳануз талпинарман бамисли ниҳол,
 Назм кўкининг Сиз — бир қуёшига.
 Ўлтириб сиз ила бир тотли суҳбат
 Қурмоқни истайди — ёниқ юрагим.
 Сиз ила шеъроят, ҳаётдан ҳар вақт,
 Сўзлашишни кутар — интиқ юрагим.
 Нурафшон юзингизга боқиб бир дам,
 Илҳомбахш назмингиз ўқийман аста.
 Майлига, сизнингдек ёзолмасам ҳам,
 Қаранг, шеър битибман сизга ҳавасда...

Рост, шу пайтгача нимаики ёзган бўлсам — «хаёлим бешигин тебратган онам» — устоз Эркин Воҳидов даҳосига бўлган чексиз ҳавасим туфайли ёздим, инчунун, қуйидагиларни ҳам...

2

Булдур устоз панди!

Устоз Эркин Воҳидовнинг «Айрилиқ они яқиндур...» деб бошланган, яъни Ҳазрат Навоий ғазалига боғлаган тахмисларини қачон замзама қилмай тўлғонаман, уйғонаман, алланечук илоҳий, мунаввар дардлар ила чулғонаман... Мухаммаснинг ҳар бир банди юрагимни банд этаверади. Айниқса, қуйидаги икки банд мен учун жуда сарбаланд чиққан:

*... Эй, фалак, бас, йиғлама, йўқ фойда, ул ой кемада,
 Ўртада дарёю мен бу жойда, ул ой кемада,
 Келмас энди ойда не, минг ойда, ул ой кемада,
 Сабр кўнгилда, кўнгил ул ойда, ул ой кемада...*

*... Эй, шамол, жим тур, само, жим, мавжудот,
 бир лаҳза жим,*

*Тингла, олам, тингла, одам, сен агар бўлсанг-да ким,
Булдур устоз панди: сиймин тандин ўзга сўрма сийм,
Кирма савдо баҳрига оламдан истаб суджим,
Сийм нақди тушса лекин умр нақди сийғолур...*

Ҳа, Ҳазрат Навоий руҳи билан бўйлашиш, ул зот билан ғойибона сўйлашиш бор — бу мухаммасда. Сўз ибодатидан олинадиган лаззат — мажозий маънода айтсак, «хушӯ»ни мен шу каби сатрларда ҳис қилганман, десам не ажаб?! Мухаммасни майдек симирганим сари кўз ўнгимда назмий масжидда Навоийга иқтидо қилиб ибодат қилаётган устоз Эркин Воҳидов намоён бўла бошлайди... Тахмиснинг «булдур устоз панди» деган жойида кўрсаткич бармоғини кўрсатиб, муридларга сабоқ бераётган бир пир келаверади хаёлимга... Гўё Файратий домланинг устозимизга айтган насиҳатлари қулоғим остида янграйверади, янграйверади:

— Шоирнинг ёзгани ўзига ўхшайди, пала-партиш одам шеър ёзса ҳам пала-партиш чиқади. Шоир бўлишни ният қилсангиз аввало ўзингизни тўқис тутинг, батартиб, яхши ахлоқ эгаси бўлинг!

— Ҳар инсон ўзига ярашадиган ишни қилиши керак. Сиз ҳам ўзингизга, ёшингизга муносиб шеърлар ёзинг, шундагина ёзганингиз самимий чиқади. Шеърни шеър қиладиган фазилат эса, самимиётдир.

— Бойлик ва шуҳрат кетидан зинҳор қувманг! Улар бамисоли итга ўхшайди. Қувсанг қочади, қочсанг қувади.

— Дунёда бир юксак бахт бор. У ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу ўзганинг бахтидан қувониш бахтидир. Дўстингиз яхши шеър ёзса, унинг ўзидан ҳам ортиқ севинсангиз, демак, сиз тўқис инсонсиз ва сиздан яхши шоир чиқади.

— Эл шоирнинг сўзига ҳам, ўзига ҳам разм солади. Ҳар қадамда хушёр бўлинг. Юзта яхши шеър ёзиб

топган обрўйингиз бир хато сўз, бир нотўғри қадам билан барбод бўлиши мумкин.

— Ўтмишда яратилган шеърятни билмай, унинг қонуниятларини ўрганмай адабиётга қадам қўйиш кишини шарманда қилиши мумкин. Бундай «шоир»нинг ижод майдонидаги ҳаракати, сузиши билмаган одамнинг ҳовуз шалонлатиши каби кулгилидир.

— Ҳар бирингиз кўнглингизга ёққан шоирни руҳий устоз деб билинг ва сиз шеър ёзганда ўша руҳий устоз елкамдан қараб турибди, деб ўйланг.

Энди бир савол: Файратий домланинг бундоқ пандлари биз қатори ёш шоирларга ҳам ҳаётий, ҳам ижодий шиор бўлгулик эмасми?!

3

Устознинг дуоси

Халқимизда «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми» ёхуд «Дуонинг кучи тошни ёрар» деган машҳур мақоллар бор. Динда ҳам «Фақат дуогина тақдирни ўзгартириш қудратига эга» деган қарашлар мавжуд. Албатта, **бу** бежиз эмас.

Қарангки, буюк инсонларнинг ўзига хос дуолари бўлар экан. Тарихдан бунга мисол жуда кўп. Масалан, «Бобурнома»да зикр этилишича, жаҳонгаиқта шоҳ ва шоир З.М.Бобурнинг ҳар қандай қалтис вазиятларда ўқиб мушкулига кушоиш топадиган дуолари бўлган экан.

Маълумки, устозимиз Эркин Воҳидовнинг ҳам ҳаёт йўллари равон кечмаган. Бу ҳақда ўзлари шундай дутф қилганлар:

...Бир шаҳр номи ибтидо, бир шаҳр интиҳо,

Жонимда икки шаҳр аро йўл изтиробидир.

Бу йўл равон эрмас, унинг пасту баланди кўп,

Жон риштасидек мисралар йўлнинг танобидир.

Ёки

«Шеърят» деган ғазалда Устоз шундай дейдилар:

Сехри май узатдинг сен, дилим тинчин йўқотдинг сен,
Кетурдинг ҳам сафо менга, етурдинг ҳам жафо менга...

Дарҳақиқат, устознинг ўзлари айтмоқчи, шеърят бу қисматдир. Бу табаррук даргоҳга кирган ҳар бир «толиби содиқ» уни ўзига тақдири азал деб қабул қилиши керак. Унинг ортидан келадиган ҳар қандай «сафо»ю «жафо»га ҳам бирдек рози бўлмоғи лозим. Умуман олганда, машҳурлик юкини кўтариб юриш осон эмас. Озгина назарга тушгач, мувозанатини йўқотиб «бамисли сарёғдек эриб, талтайиб кетганлар» тарихда камми?!

Биласизми, устознинг қувончда ҳам, ғамда ҳам, ҳар қандай қалтис вазиятлардан ҳам «хамирдан қил суғургандай» чиқиб кетишининг 3 та сири бор, деб тусмоллайман:

Биринчиси – Аллоҳ томонидан берилган заковат;

Иккинчиси – У кишининг шахматта ўта муҳиблиги. Маълумки, шахмат ўйнаб суяги қотган инсон битта қадам қўйишдан олдин «етти марта ўлчаб, бир кесадиган» бўлади;

Аммо ҳаётда фавқулодда рўй берадиган шундай вазиятлар бўладики, ҳар қандай туғма заковат ҳам, ёки шахматдан орттирилган катта тажриба ҳам иш бермай қолади. Ана ўшанда инсоннинг олдиндан қилиб юрган дуолари кучга киради.

Учинчи сир, яъни устоз Эркин Воҳидовнинг дуолари қўйидагича:

«Аллоҳим, менинг айтар сўзимни, кўядиган қадимимни ва қилмоқчи бўлган барча ишларимни охири билан тўғри қилгин!..»

Мухтасар айтганда, устоз Эркин Воҳидовнинг ўзларига хос дуолари мана шу бўлиб, биз у кишидан нафақат ижодий ва ҳаётий сабоқларни, балки дуо қилиш илмини ҳам ўргансак, нур устига нур бўларди, деб ўйлайман.

4

Мутаржимларга нодир сабоқ

Ой ўрганар — кўзларида ёш,
Кўкси доғу юраги қийма.
Дер: мен эдим аслида қуёш,
Нега мени қилдинг таржима?!

Эркин Воҳидов

Сир эмаски, бадий таржима—нозик жараён... Нўноқ таржимон дастидан юқорида зикр этилганидек «қуёш» «ой»га эврилиши ҳеч гап эмас! Дўрмон семинарларидан бирида устоз Абдулла Орипов бадий таржима ҳақида гўзал лутф қилгани ҳали-ҳамон қулоғим остида янграб турибди:

— Бадий таржима пайтида иккига полвон тил курашга тушади. Масалан: форс ва ўзбек тили ёхуд рус билан араб тили ва ҳақозо. Фақат бундай курашнинг битта шарт бор — ҳеч қайси полвон тилнинг кураги ерга тегмаслиги керак, яъни кучлар тенг келиши лозим!

Сезиб турганингиздек, гап аслиятга таржиманинг нақадар яқин ё узоқлиги ҳақида кетяпти. Таржима аслият даражасида бўлса — берди Худо, мабодо, акси бўлса — урди Худо, деб ҳисоблайверинг. Таржимон кунпақундузи асар муаллифини шарманда қилади-қўяди. Бу худдики чиройли инсоннинг юзи синиқ ё чанг босган кўзгуда хира акс этганидек ёқимсиз ҳолат.

Майли, таржима ҳақида кўп ва хўп гапирилган. Шу боис, мен таржима санъатининг кўпчиликка номаълум бир нуқтасига тўхталмоқчиман.

Бир куни устоз Эркин Воҳидовнинг оффисларида «арслоннинг мўйловига қўл теккизадиган» ўткир шеърлар борасида суҳбатлашиб ўтирганимизда гапимиз калаваси думалаб машҳур рус шоири М. Лермонтов ижодига уланди ва устоз унинг қаламига мансуб бир дардчил шеърни ёлдан ўқиб бердилар. У шеър чунончи шундай эди:

Прощай, немытая Россия,
Страна рабов, страна господ.
И вы, мундиры голубые,
И ты, им преданный народ.

Быть может, за стеной Кавказа
Сокроюсь от твоих пашей,
От их всевидящего глаза,
От их всеслышающих ушей.

Саккиз қаторли мазкур шеър мени ларзага солди. Шеърнинг лирик қаҳрамони, яъни шоирнинг ўзи Ватанига «Алвидо, эй, ювуқсиз Россия» деб хитоб қиляпти. Даҳшат! Одатда шоирлар ўз Ватанини кўкларга кўтариб малҳ этадилар, камдан-кам ҳолатда танқид остига оладилар, боз устига, бу муқаддас тушунчани «ювуқсиз» деб таърифлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Албатта, биз бунга холис баҳо беришимиз керакки, шоир азбаройи ўз юртининг тақдиридан куйиниб бундай ўткир сатрларни битган бўлса, ажабмас. Қолаверса, шоирни «халқнинг виждони» деб таърифлашади. Чунки, вижлон — ҳеч қандай зўрдан қўрқмай, зарга учмай, ҳар қанча аччиқ бўлмасин, фақат рост сўзни айтадиган илоҳий туйғу.

Хуллас, шеър бир ўқилишда хотирамга нақшланди. Беихтёр қалбимнинг аллақайси ерларидаги мудраган ҳужайралар уйғонди. Лермонтовнинг бошқа шеърларини яна ўқигим келди... Юқоридаги шеър-

ни негадир таржима қилгим келиб устоздан ўша за-
хоти сўрадим:

– Устоз, бу шеърни кимдир таржима қилганми?

Шунда устоз шундай жавоб бердилар:

– Бу шеърни таржима қилиб бўлмайди!

– Нега, ахир?

– Чунки, нозик сабаби бор.

– Қандай нозик сабаби бор, устоз?

– Шоир ўз юртининг оғриқли муаммоларини, кам-
чиликларини ҳар қанча қаламга олса ҳақли. Аммо
таржимон бирор миллат муаммосию нуқсонлари акс
этилган асарларни иложи борича таржима қилмагани
маъқул. Йўқса, унинг бу холис хизмати сиёсий ни-
золаргача олиб келиши ҳеч гап эмас. Оддий мисол:
Бировнинг ота ё онасини сўрамай-нетмай танқид
қилиб кўринг-чи? Биласиз, нима содир бўлишини.
Гапнинг индаллоси, бу фуқаролик бурчи, миллий
ғурур билан боғлиқ қаттис вазият. Дарвоқе, менинг
ҳаётимда ҳам шунга ўхшаш воқеа бўлиб ўтган.

– Қандай воқеа?

– Биласиз, «Олтин девор» деган комедиям Вата-
нимиздаги деярли барча театр саҳналарида бир неча
йиллар давомида қайта-қайта кўйилган. Марҳум санъ-
аткорларимиз ўз ролларини қойилмақом қилиб ижро
этганлар, айниқса, раҳматли Фани Аъзамов. Эсимда,
ўша пайтларда ҳам асар муаллифига театрга тушган
жами тушумнинг 5 % тегишли бўлар эди. Бу жуда
катта пул бўлиб, у пайтлардаги энг авангард маши-
нанинг нархига қарийб тенг келар эди. Хуллас, бир
оиланинг ҳамма эҳтиёжларини қондира оладиган да-
ражада рўзгоримиз бут бўлган. Эр кишига бундан
ортиқ бахт борми - севимли ҳунаринг билан шуғул-
лансангу унинг кетидан катта даромад олсанг... Ана
шундай «кўчамизда байрам» бўлган маҳалда Моск-
вадан Тошкентга бир машҳур режиссёр ташриф бу-
юрди, одатдагидек, театр репертуаридаги бошқа асар-

лар қатори «Олтин девор»ни ҳам синхрон таржима орқали мириқиб томоша қилди, ичаги узилар даражада қотиб-қотиб кулди, бироз вақт ўтгач, менга таклиф қилди:

— Эркин, асарингиз жуда ҳам муваффақиятли комедия бўлибди, дарров бунинг таржима қилиб «марказ» театрларида қўйиш керак. Биласиз, бунинг ортида жуда катта шуҳрат ва даромад турибди. Нима дейсиз?

Бироз ўйга толиб унинг таклифига шундай жавоб бердим:

— Азиз дўстим, аввало, таклифингиз учун катта ташаккур! Ҳақиқатан ҳам, бу мен учун ажойиб имконият, аммо танганинг бошқа томони ҳам бор-да!

— Хўш?

— Маълумки, «Олтин девор»да бошларига олтин талвасаси тушган иккита ўзбек чолининг қилмишлари ўткир ҳажв остига олинган бўлиб, бу фақат бизнинг томошабинлар учун мўлжалланган асар, деб ўйлайман. Яъни, бундай миллий қусурлар устидан ўша миллатнинг ўзигина хандон отиб кулишга ҳақли, бошқа миллат эмас. Энди мен асаримни таржима қилиб, сизларнинг театр сахналарингизга узатсам, миллатчиликка йўйманг-у, рус ва бошқа миллат вакиллари менинг халқимнинг устидан кулган бўлмайдими?! Биламан, спектакл рус томошабинларига маъқул келади, мабодо, ким кафолат беради, у ердан жаҳон сахналарига чиқиб кетса-чи?! Қош қўяман деб кўз чиқариб қўймаймизми?! Ахир, ҳар қандай ҳазилнинг тагида зили бор, дейдилар. Мен эса, бундай «зил» ни кўтара олмайман. Узр, таклифингизга рози бўлолмайман.

Режиссёр менинг бундай жавобимни эшитиб ҳайрон бўлганлигию «Ихтиёрингиз...» деб норозинамо кулиб қўйгани ҳали-ҳамон эсимда...

Хуллас, қиссадан ҳисса шуки, таржимон дуч келган асарни ўйламай-нетмай таржима қилмаслиги, шу

билан биргаликда, асар муаллифи ҳам бисотидаги барча асарларини таржима қилдиришдан олдин озгина андиша қилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, таржима, айниқса, бадиий таржима, ниҳоятда қалтис жараёнки, нотўғри қўйилган қаламдан сўнг «билмайин босдим тиконни — гортадурман жабрини» деб оҳ ургандан фойда йўқ! Уқдингизми, Рустамжон?

— Уқдим, устоз, уқдим.

Ўша куни устознинг ҳузуридан жуда мутаассир ҳолатда чиқдим. У кишининг ўткир заковатларию ватанпарварликларига яна бир бор тан бердим. Ичимда: «Бизнинг устозимиз шунақа-да!» деб суюниб кетганим ҳам, рост.

Ҳа, илмнинг устунларидан бири тарқатиш экан, устоз Эркин Воҳидовдан олган яна бир ўғитимни сизга ҳам илингим келди, азизлар!

5

Шунисига ҳам раҳмат!

Сўз — забаржад, сўз гавҳар, олтин,
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин,
Кафтингга ол уни, тўйиб қара, ўп!

Эркин Воҳидов

Дарҳақиқат, устоз Эркин Воҳидов сўз билан заргарона муносабатда бўладиган сийрак ижодкорлардан. Нафақат ижодда, балки ҳаётда ҳам. Устоз билан суҳбат қураётганимизда мана шу «темир қоида»га қатъий амал қилмасак, ҳижолат бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Менинг ҳам бу борада бир марта «оғзим куйгани» ҳеч эсимдан чиқмайди.

Минг шукурки, машҳур заковатчилардан бири Те-мур Мирзаев, ёш бўлишига қарамай, форс тилининг билимдони Мирзабек Қаландаров ва мен янги китоб чиқиши баҳонасида устознинг хизматларини қилиб

суҳбатларидан бир неча бор баҳраманд бўлишга муяссар бўлганмиз. Атрофларида ўтириб ҳар соҳадан, хусусан, шеъроятдан суҳбат қурганимизда устознинг «Устоз Ғайратийга» деган бағишловларидан бир парча ҳаёлимда чарх ураверарди:

Не бахтки, бизни устоз
Бир замон ашъорга ўргатмиш,
Нафосат деб аталган
Ул ажиб асрорга ўргатмиш.

... Қадри ё бир ҳилол гўё
Йиғиб атрофга юлдузлар,
Жилою нур дарсин
Гумбази давворга ўргатмиш...

Ҳа, газалнинг мана шу сатрлари худди биз учун ҳам аталгандек эди. Ҳар сафар хайрлашиб устознинг уйларида ё оффисларидан чиққанимизда олам-олам таассурот билан уйга қайтардик. Ҳатто бир куни Темурака энтикиб:

«Биласизларми, йигитлар, Ўзбекистонда 30 миллиондан зиёд аҳоли яшаса, ўшалардан фақат учовимизга бугун Эркин Воҳидов билан суҳбатлашишдек бахт насиб этди...» деганлари, ўшанда акаларимиз қатори мен ҳам «Аллоҳим, шундай кунларга етказганингга шукур!» дея ич-ичимдан суюнганларим эсимда.

Дарвоқе, юқорида зикр этганим — панд еганимга тўхталсак. Бир куни Мирзабек билан бирга юрғизаётган ишимизда «кичкинагина» муаммо чиқиб қолди. Бу муаммони Устозни танийдиган бир олам ҳал қилишини ўйладик ва Мирзабек ўша одамнинг қўл рақамини устоздан билиб беришимни айтди. Мен ўша заҳоти устозга қўнғироқ қилиб ўша одамнинг телефон рақамини сўрадим, устоз «беш дақиқадан сўнг

менга қайтиб чиқинг» дедилар. Беш дақиқа ўтгач устозга қайтиб чиқдим, шунда устоз: «Мен у кишига ҳозир кўнғироқ қилдим, лекин гўшакни кутармадилар, рақамни айтиб турай — сиз ёзиб олиб, менинг номимдан кўнғироқ қилаверинг.» деганларидан сўнг (ўша пайтларда ҳардамхаёл бўлиб қолганимданми) «Раҳмат!» дейишнинг ўрнига «Шунисига ҳам раҳмат!» деб юборибман-да. Кошки эди, шу гапни айтмасам, ҳеч бўлмаса, айтмасимдан алоқа узилиб қолса, кошки эди...

Афсус, ундай бўлмади. Энг қизиғи, мен хато қилганимни ҳали англаб етмаганман ва, боз устига, устоз ҳам бояғи гапимга эътирозни ўша заҳоти билдирмай, одатдагидек, яхши хайрлашдилар. Орадан 3-4 кун ўтгач яна устозни уйларига бориб йўқладик. Ўтириб сўрашганимиздан сўнг устоз сўрадилар:

— Ўша кунги ишингиз битдими?

— Ҳа, раҳмат, битди, устоз.

— Бўлмаса, нега, ўша кун «шунисига ҳам раҳмат!» дедингиз? «Шунисига ҳам раҳмат» — бу ишнинг 100% битмаганини билдиради. Ё бизнинг аралашувимиз ҳам ишингизни битириб бермадимми?

— Ишонасизми, ер ёрилмадию мен кириб кетмадим. Ҳижолатдан тилим айланмай қолди. Ўша лаҳзаларда ўзимнинг нақадар ношудлигимнию устознинг сўзга нисбатан нақадар талабчанлигини ҳис этдим.

Эътибор беринг — устоз ўша кезларда 76 ёшда эдилар. Энди ўйланг, шундай улуг ёшдаги инсон уяли телефонда гаплашиб туриб, суҳбатдошини диққат билан эшитиб, ҳар бир сўзга заррабинлик ила муносабатда бўлиши, бу—фақат камёб одамларга хос фазилат ва биз ёшлар, албатта, бундай фазилатларни сийратимизга касб этмоғимиз шарғ, деб биламан.

Тўғри, ким ҳам хато қилмайди, дейсиз, устоз ҳам бу воқеани аллақачон унутиб юборган бўлсалар, ажаб-

мас. Аммо «оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар» деганларидек, бўлиб ўтган воқеа менга катта мактаб бўлди. Яъни «Шунисига ҳам раҳмат» сингари жумлаларни ўйлаброқ қўлайдиган бўлдим.

6

Тепакаллик икки хил бўлади

Бир замонлар фахр этардинг
Қоп-қора сочинг билан,
Сен букун қошимдадурсан
Турфа қирмочинг билан.
... Дўстгинам, бошингни тик тут,
Арзигаъ фахр айласанг,
Бу каби оппоқ очилган
Гули қийғочинг билан.

Эркин Воҳидов

Одатдагидек устоз Эркин Воҳидовнинг оффисларида нашрдан чиқмоқчи бўлган янги китобларидан бири — «Дил тубига чўккан лаҳзалар» устида ишлаётган эдик. Тушлик вақти келди чоғи, тамаддига уннадик. Устоз айтмоқчи, овқатдан «қутулганимиздан» сўнг маза қилиб кўк чойдан нўш этдик. Биз шогирдлар шу каби танаффусларда баъзан оддий машиний мавзуларда ҳам устознинг фикрларини эшитмоқчи бўлардик. Ўша куни мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, устозга ҳазиломуз тарзда сочимдан шикоят қилдим:

— Устоз, сочлар бевафо қизларга ўхшаб бошимизни эрта тарк этапти. Ҳали ўттизга кирмасимданоқ пешонам тобора ялтираб кетяпти.. Нима қилсам экан?

Шунда устоз ним табассум қилиб, ҳозиржавоблик ила шундай дедилар:

— Рустамжон, биласизми, тепакаллик икки хил бўлади: соч одатда ё пешонадан кетади ё бошнинг

ўртасидан. Энг қизиғи, сочининг бундай 2 хил тўки-
лишининг ўзига хос сабаби бор.

– Қандай сабаби бўлиши мумкин, Устоз?

– Маълумки, бир иш қилишдан олдин кўп ўйлай-
диган одам бош ва ўрта бармоқлари билан пешона-
сининг юқори қисмини кўп ишқалайди, тўғрими?

– Тўғри.

– Ўйламасдан иш қилиб пачавасини чиқариб
қўйган одам эса, бармоқлари билан бошининг ўрта-
сини қашлайди, тўғрими?

– Бу ҳам тўғри.

– Мана шу иккита ишқаланиш туфайли соч бош-
ни икки хил эрта тарк этади-да. Дарвоқе, сизга бир
тасалли шуки, сизни биринчи тоифадаги соч тўкили-
ши билан табриклашим мумкин!

– Раҳмат, Устоз!

Мутойиба

Нақл қилишларича...

Эркин ака бир куни сафардан мўлжалдагидан эр-
тароқ, тонг саҳарда қайтиб, вокзалдан такси ёллабди:

– «Нозимахоним» кўчасига.

Устоз уйига яқинлашганида шофёрга йўл кўрса-
тиб борибди: энди ўнганга, энди чапга, энди тўғрига
юрамиз.

Эркин ака йўл ҳақини тўлаб тушаётган экан,
ҳайдовчи дакки берибди:

– «Ўнганга, чапга, тўғрига» деб, мениям, ўзингиз-
ниям, машинаниям овора қилмай, «Эркин Воҳи-
довнинг маҳалласида яшайман» десангиз олам
гулистон бўларди. Мен сизни икки ҳисса яқинроқ
йўлдан олиб келиб қўярдим.



Эркин Воҳидов ҲИКМАТЛАРИДАН

* * *

Гоҳи хаёл қиламан, агар мустақилликка эллик йил аввалроқ етишганимизда балки икки азим дарёдан сув ичган Орол денгизимиз бу аянчли аҳволга тушмас эди ва агар собиқ тузум яна эллик йил яшаб қолганда уч дарёдан сув ичган она тилимизнинг қисмати ҳам Оролнинг қисматидек бўларди.

* * *

Тикланаётган сўзларимиз истиқтол чечакларидир. Очилажак гуллар ҳали беҳисоб...

* * *

Сўз мулкининг султонларини англаш учун аввало ўзимизнинг жўнгина хатоларимизни англамоғимиз лозим. Чуқур фикр қилмай, пойма-пой гаплар айтиш, ўзимизга осон қилиш учун сўзнинг ярмини ютиш, исмлар, жой номларини таниб бўлмас даражада қисқартириш тилга беҳурматликдан бошқа нарса эмас.

* * *

Илм ҳам, ижод ҳам баҳс билан тирик. Маърифат излаган инсон хато қилишдан чўчимайди.

* * *

Ислоннинг бағри кенг дин экани оламга аён. Қуръони каримнинг «Оманту» ояти билан ҳар бир мусулмон учун Оллоҳга, унинг фаришталари, расул-

лари, муқаддас китобларига имон келтирмоқ фарз этилган. Ёлғиз Муҳаммад алайҳиссалом эмас, балки насаро, яҳудий динларининг-да барча пайгамбарларини азиз тутмоқ, танҳо Қуръони карим эмас, Таврот, Забур, Инжилни ҳам табаррук билмоқ буюрилган. Буни англаб етган Европа, Россиянинг буюк шоир ва ёзувчилари, олимлари Ислом динига юксак эҳтиром кўрсатганлар, чуқур ўрганиш, тарғиб қилишга азм этганлар. Иоганн Ҳёте ва Лев Толстой бундай улуғларнинг энг улуғларидир.

* * *

Диний бағрикенгликка халқимиз табиатидаги очиқкўнгиллик, меҳмоннавозлик қўшилиб, бу кунда Фарб учун табаррук фазилат ва юксак орзу бўлган толерантлик ғояси бизнинг азалий эътиқодимизга айланиб бўлган. Ота-боболаримиз толерантлик деган истилоҳни билмаган бўлсалар ҳам, унга амал қилиб яшаганлар. Амал қилибгина қолмай, яҳудий ва насаро динининг набилари, азиз-авлиёлари исмини фарзандларига қўйганлар. Исломдан кўп асрлар муқаддам яшаб ўтган Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Мусо, Довуд, Сулаймон, Ильёс, Юнус, Дониёл - бизлар Дониёр деймиз,- Зикриё, Яҳё, Исо каби пайгамбарлар, Луқмон, Узайр, Искандар каби азиз-авлиёларнинг исми билан аталган мусулмонлар дунёнинг ҳар ерида бор. Ҳеч ким бу исмларнинг асл эгалари қандай динга эътиқод қилганлари ва қандай миллат вакиллари бўлганларини суриштирмайди. Уларнинг аслида Абраам, Исаак, Иаков, Иосиф, Соломон, Даниил, Моисей, Иусус бўлганлари билан бировнинг иши йўқ. Шунини билан бизмики, бу расуллар ҳам Оллоҳнинг элчилари бўлганлар, бу азиз-авлиёлар ҳам бизникилар.

* * *

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар чиқсалар руҳдек қироқ.

(Арса — майдон, қироқ — чекка ер.)

* * *

Адаш дедим, адашдим. Биз кўп адашамиз. Тили-
миз поёнсиз ўрмон. Унинг сўқмоқлари кўп. Ҳар бир
сўз бамисоли бир туп дарахт. Шоҳу новдалари бисёр
дарахт. Агар биз барчамиз ҳамжиҳат бўлиб, уларнинг
хусусиятларини ўргансак, асл макони қай замин эка-
нини билиб, меҳр билан парвариш қилсак, бу ўрмон
боғу чаманга, сўқмоқлар равон йўлга айланади. Тил
гулшанида сайр этиш ҳам мароқли бўлади. Лекин
барибир... бу сайр сирлар оламига, мўъжизалар мам-
лакатига саёҳат бўлиб қолаверади.

* * *

Тил тараққиётининг қонуни шундай эканки,
халқ қанча қадимий маданиятга эга бўлса, минг
йиллар оша сўзлари ҳам ўзгаришга юз тутиб борар
экан. Инглиз тили ҳам асрлар мобайнида ўзгара-
ўзгара ёзув билан оғзаки нутқ фарқи таниб бўлмас
қолга келган. Ўзлари ҳазил билан, биз Ливерпул
деб ёзамиз-у, Манчестер деб ўқиймиз, дейишади.
Лекин кўплаб ноқулайликларга қарамай, табиати
мозийпарастликка мойил бўлган инглизлар имло-
ни ўзгартирмайдилар. Тарихни асраш учун, мум-
тоз адабиётни унутмаслик учун шундай қиладилар.
Бунга тан бериш керак.

* * *

Биз ўз миллатимиз номини ўзбек деймиз ва ўзига
бек бўлган халқ дея талқин қиламиз. Қозоқлар, ўзбек
ўз оғам, дейди. Бу ҳикматли сўз ўзбеклар ҳам қадимда
кўчманчи чорвадор халқ бўлгани, қозоқ билан ёндош

поёнсиз яйловларда от сургани учун айтилган бўлса, ажабмас. Ҳазрат Навоий ҳам ўзбекни чўл фарзанди, бағри кенг, содда бир қавм шамоийлида суйиб тасвир этганлар.

Ҳалол она сугидекдур гар ўзбаким тутса,
Тобук қилиб юкуниб тўстагон ичида қимиз.

Тобук қилиш — эгилиш, тавозе кўрсатиш дегани. — Тўстагон - қимиз ичадиган ёғоч коса. Бугунда чойхўр дея ном чиқарган ўзбек, демакки, Навоий замонида қозоқ қардоши каби қимизхўр бўлган, қўшни халқнинг ўз оғаси бўлган.

* * *

Остонани биз бўсаға деб ҳам атаймиз. Бўсаға қандай сўздан олинган? Бу саволга шоирона жавоб шундай:

Ушшоққа қўлин бермади, остонани мен зор
Ўпдим, бўсаға бўсаға ном олмади бекор.

Яъни, ёр қўлидан ўпмоққа борган ошиқ ниятга етолмай, остонасини ўпиб қайтди. Бўсаға аслида бўса учун, бўсаға, асл ўзбекча айтсак, бўсаға қурилган. Бўса олмоққа келган ошиқ остонани ўпиб кетаверади.

* * *

Одатда, шоирлар маҳорат пиллапояларидан юксалиб, аввал соддалиқдан мураккабликка, сўнг мураккаблиқдан яна соддаликка қараб борадилар. Лекин бу орқага қайтиш эмас. Икки соддалиқ ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Дастлабки соддалиқ жўнлик даражасида бўлса, кейингиси баркамоллик саналади. Шеърим соддалиқда шуҳрат қозонган, деб ёзганда Фафур Фулом бадий маҳоратнинг юксак босқичини кўзда тутган.

* * *

Истиқлол билан бирга ўзликни тиклаш замони келди. Тил - ўзликнинг бош белгиси. Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини билмас, деган ҳикмат бор. Биз ўз она тилимиз қадрига етсак, араб тилининг бойлиги ва мукаммал қурилишини қадрлаймиз, форс тилининг нафосати ва гўзаллигидан баҳра оламиз, инглиз, рус тилларининг қудратини ҳис қиламиз. Уларни чуқур ўргансак, рақобат тўла бу оламда бамайлихотир қадам ташлаймиз.

* * *

Эр-хотин ўртасида меҳр - кўз орқали, можаро - сўз орқали бўлар экан. Севишганларда гап кам, термулиш кўп бўлади. Турмуш қургач, гаплашиб оладиган масалалар чиқади. Кўргиликлар шундан бошланади. Бошимизга не бало келса, тилдан келади.

* * *

Ўз она тилини севамаган, тил замирида ётган тарихни билмаган, қизиқмаган одам баркамол саналмас. У ким, қайси юрт ва қайси миллатга мансуб эканидан, ўз она тилининг бою камбағаллиги, майин ё дағаллигидан қатъи назар.

Ўз тилинг ўз ватанингдек азиз, ўз онангдек табаррук.

* * *

Расул Ҳамзатов авар тилида гапирганда эшитиб ҳайратга тушганман. Қойил қолиб эмас, шу тилда ҳам шеър ёзиб бўладими, деб ёқа ушлаганман. Икки авар сўзлашса, ўдағайлашаяпти, деб ўйлайсиз. Тишда ёнғоқ чаққандек қарсиллаган, тош йўлда арава югургандек тарақлаган овозни эшитасиз. Лекин авар ўз тилини севади.

Улуғ шоирлари бу тилда ўлмас шеърлар ёзиб қолдирганлар.

* * *

Ёзганларим шеър бўлмаса-да, шеърдек ўқилса, дейман. Она тилимнинг кўрки, барваста қомати саҳифалардан бўй кўрсатиб турса, дейман. Орзуларим кўп. Қани эди, парвозим орзуларим қадар юксак бўлса..

* * *

Одатда, шеърни таҳлил қилганда биз, шоир ундоқ дейди, бундоқ дейди, фалон гоёни олға суради, дея сўз юритамиз. Аслида, шеър—насиҳат, тарғибу ташвиқ эмас, юрак тебранишлари эканини унутамиз.

МУҶДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
СЎЗ СЕҲРИ	
<i>Абдулла Орипов</i>	4
ИЖОДИЙ ЖАСОРАТЛАР	6
МУТОЙИБА. «КОРОТКО И ЯСНО»	13
МИНГ ҚАНОТЛИ ҚУШ	14
ШЕЪРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САЊАТИ	18
ЖАЖЖИ ШЕЪРНИНГ УЗУН ТАРИХИ	20
МУТОЙИБА. АРУЗ ВАЗНИ ВА «КЕПКА»	23
ОТАЛАРНИНГ ҚУТЛУҒ ИЗИДАН	
<i>Иброҳим Фафуров</i>	25
ҚЎРҚУВ САЛТАНАТИДА	33
УСТОЗНИНГ СУКУТИ ҲАМ – ИБРАТ	38
УСТОЗ ШЕЪРЛАРИДАН ИЛҲОМЛАНИБ	45
ШОГИРДЛИК МАҚОМИ	48
МУТОЙИБА. ТАРҚАТИШДАН ОЛДИН	51
ИЗЛАНИШ ЙУЛЛАРИДА	61
ТАРЖИМА	72
УСТОЗ ИБРАТИ	
<i>Хуршид Даврон</i>	96
КУТУБХОНА ШАРОФАТИ	106
НАВОИЙ ВА ИНТЕРНЕТ	
<i>Шукур Қурбон</i>	108
УСТОЗ КИТОБИГА МУҲАРРИРЛИК	
<i>Жуманиёз Жабборов</i>	114
КУЛГУ – ОЧИҚ КЎНГИЛЛИК ГУВОҲНОМАСИ	
<i>Анвар Обиджон</i>	120
КИТОБ ТАҚДИМОТИ	122
«СЎЗ ЛАТОФАТИ»	129
ҚАЙНОҚ ҲАЁТ ИЧИДА ЯШАБ	139
ҲИКМАТЛАРИДАН	156

Шукур ҚУРБОН
(*Тупловчи, тузувчи ва ҳаммуалиф*)

ЭРКИН ВОҲИДОВ **САБОҚЛАРИ**

Адабий портретга чизгилар

Муҳаррирлар: *Зухриддин Исомиддинов*
Жавлон Жовлиев
Бадиий муҳаррир: *Ш. Одилев*
Техник муҳаррир: *А. Жўраев*
Саҳифаловчи: *Д. Зокирова*

Нашриёт лицензияси: А1 № 259, 31.12.2014.
Босишга 03.03.2016 йилда руҳсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₁₆. «Таймс уз» гарнитураси.
Офсет босма. Шартли б.т.: 10. Буюртма № 45.
Адади 500 нусха. Келишилган нарҳда

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

«SHIDASP» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент, Шайхонтоҳур тумани,
Олмазор кўчаси.

12500e.

Она тилмни севмасам, сузларга
махлиё бўлмасам, ҳайратланмасам,
менга шонфлик қайда эди!

Эркин Воҳидов



ISBN 978-9943-06-587-1

